

Ушб.2  
15  
Т-54

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



Р.Ю.ТОШИМОВ, Э.Ғ.ҒОЗИЕВ

# ПСИХОДИАГНОСТИКА ВА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Тошкент - 2004

Ч.35.2  
15  
Т-54


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

Р.Ю.ТОШДИМОВ, Э.Ф.ҒОЗИЕВ

## ПСИХОДИАГНОСТИКА ВА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Университетларнинг 5310200 психология  
мутахассислиги учун ўқув қўланма



Тошкент – 2004

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:** Мирзо Улутбек номидаги ЎзМУ  
ижтимоий – сиёсий фанлар факультети ижтимоий  
психология кафедраси доценти **М.М.МАМАТОВ**

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** Низомиёв номидаги Тошкент Давлат  
педагогика университети умумий психология кафедраси доценти,  
психология фанлари номзоди А.Убайдуллаев, Мирзо Улутбек  
номидаги ЎзМУ ижтимоий – сиёсий фанлар факультети  
умумий психология кафедраси доценти, психология фанлари  
номзоди А.Уасулов.

Қўлланма психология фанининг психодиагностика ва  
амалий психология соҳаларига бағишланган бўлиб, унда  
назарий – методологик, амалий – услубий масалалар  
муҳимлаштирилган. Психодиагностиканинг илмий асослари,  
интеллект ва бошқа шахснинг фазилатларини ўрганишнинг  
ҳозирги замон тарқини, уларнинг математик статистика билан  
узвий боғлиқлиги, ишончлилиги, валидлиги, репрезентивлик  
даражаларини аниқлаш методлари юзасидан мулоҳаза  
юритилади. Амалий психологиянинг ижтимоий турмушдаги ўрни,  
аҳамияти бўлган мутахассисларни зарур тестлар, методикалар  
билан қуролантиришнинг татбиқий жабҳаларига оид  
материаллар умумлаштирилган.  
Қўлланма психология мутахассисларининг бакалавриатура  
босқичи талабаларига, аспирант ва ўқитувчиларига  
мўлжалланган.

Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Илмий  
Кенгашнинг 2003 йил –29 январь мажлиси қарорига асосан (5-сонли  
баённома) нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Профессional таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ўзининг педагогик фаолиятида психологик – педагогик диагностика билан шуғулланишлари лозимлиги бутунги кун талабларидан биридир. Психологик – педагогик диагностика ўқувчининг ўзлаштириши, ўқишдаги қийинчиликларини, унинг ўқишига таъсир қилаётган ижтимоий, оилавий омилларни, ўрганишга йўналтирилгандир. Диагностика натижалари эса таълим – тарбия жараёнини тўғри режалаштириш, йўл қўйилган хатоларини тузатиш, психологик – педагогик профилактика ишларини олиб бориш имконини беради.

Психологик – педагогик диагностиканинг назарий ва амалий асослари "Ёш даврлари физиологияси ва гигиенаси", "Психология – Педагогика", "Умумий диагностика", "Ёш психологияси" фанларидир.

Фаннинг асосий мақсади талабалар психологиясининг турли соҳаларидан психология ва педагогикага оид билимлар бериш, айниқса, шу фанларнинг илмий тадқиқот методларини амалда қўллашга ўргатишдир. Шунинг учун мазкур курс асосан амалий хусусиятга эга, лекин назария билан уйғунлашгандир.

Интеллект психодиагностикаси асосларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш замонавий психологиянинг биринчи даражали вазифаларидан ҳисобланади.

1) Чунончи, илмий асосланган диагностик методларсиз болаларнинг мактабга тайёрлигини билиш мумкин эмас:

2) Ривожлантирувчи таълим самарадорлигини кузатиб бўлмайди:

3) Турли методларнинг нисбий мақсуддорлигини, ўқитишнинг шакл ва воситаларини баҳолаш қийин. Ва ниҳоят, а) диагностик методларсиз ўқувчиларнинг турли ёш даврларидаги интеллектуал ривожланганлик даражасини белгилаш ўта машаққат; б) ўқувчиларга индивидуал ёндашиш учун зарур бўлган уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тўплай олмаيمиз.

## ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ BAЗИФАЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ

Педагоглар, шу жумладан, муҳандис – педагогларнинг касбий маҳоратининг асосий компонентларидан бири – ўқув – тарбия жараёнини тўғри ва самарали бошқара олишидир. Бунинг учун педагог техник ва услубий билимларни пухта эгаллаганлиги етарли эмас. Педагог ўз иши, фаолияти натижаларини таҳлил қилиши, ўқувчиларда қийинчилик туғдираётган сабабларни ўз вақтида аниқлаши, бу қийинчиликларни ўқувчига индивидуал ёндашиш жараёнида бартараф қила олиши лозим. Шу сабабли ўқув – тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштириш восита ва йўлларида бири – илмий жиҳатдан асосланган психологик – педагогик диагностикадир. Бугунги кунда психологик – педагогик диагностиканинг ўрни, аҳамияти қанчалик катта эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Индивидуал ёндашиш, ўқувчи ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш шарт эканлиги бир қанча давлат ҳужжатларида акс эттирилган.

Психологик – педагогик диагностика – педагогика ва психология фанларининг оралигидаги соҳа бўлиб, ўқувчи шахсини, унинг индивидуал хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганади.

Касб – ҳунар коллежларида психологик – педагогик диагнос – тиканинг моҳияти ва йўналиши таълим – тарбия жараёни вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалий хусусият касб этади.

Психологик – педагогик диагностика курсининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) талабаларни психологик – педагогик диагностиканинг назарий асослари, йўналишлари, бошқичлари ва принциплари билан таништириш;

б) диагностика қилишнинг турли методикаларини амалда қўллашга ўргатиш;

в) ўқувчилар психологиясида, ҳуқ – ағворида юз берган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усуллари билан қуроллантириш;

Унинг мақсади – таълим ва тарбия жараёнида шакллантири – лаётган ўқувчининг индивидуал сифатларини, ривожлантирилиши ёки шакллантирилиши лозим бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги (бошланғич) даражаси ва ўқув жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини ўрганишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик – педагогик диагностика предмети сифатида авваламбор ўқувчининг таълим жараёнида (масалан, билим даражаси) ва

тарбия жараёнида (характер хусусиятлари) шакллантириладиган сифатларини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, педагог ўқув жараёнининг самарадорлигига бевосита таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар (ўқув — чининг тафаккур хусусиятлари, хотираси, диққати), тарбия жараёнида ҳисобга олинмиши лозим бўлган хусусиятлари (хулқ — атвора мотивлари, ўқувчининг эҳтиёжлари ва қизиқишлари)ни ўрғанади. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностика фаолияти ҳам кўп қиррали ва ўзгарувчан хусусиятга эгадир.

Фан тарихига назар ташласак, 20—30 йилларда психология, педагогика ва бошқа фанлар соҳасида тўпланган тежриба ва билимларни умумлаштириш, улардан таълим — тарбия жараёнида унумли фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Бу борада шу йилларда “умумий ва универсал фан” сифатида ривожлантирила бошланган “ПЕДОЛОГИЯ” “юлдузларидан” П.П.Блонский, Л.С.Виготскийлар томонидан педагогик психодиагностика соҳасида амалга оширган ишлари, ишлаб чиқилган назарий билимлар, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Аммо 1936 йилда педологиянинг қаттиқ танқид қилиниши оқибатида педология ва педологик қарашлар бутунлай йўққа чиқарилди. Бу эса психология (аниқроғи шу даврдаги “Психотехника”) ва педагогика фанларининг ҳам ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатди. Фақат 50—60 — йиллардагина психодиагностика, педагогик психодиагностика бирозгина жонланди. Аммо педагогикада, шу жумладан, ҳозирги замон педагогикасида ҳам махсус равишда тестлар, сўровлар ўтказилиши кам учрайдиган ҳол бўлиб, асосий тадқиқотлар психодиагностика соҳасида олиб борилганлиги маълум. Ҳозирги вақтда ҳам психодиагностик тадқиқотлар орасида педагогик диагностика ишлари кенг, етарли даражада, атрофияча ва чуқур олиб бориламоқда.

Собиқ иттифокда “педагогик диагностика” термини 50—60 — йилларда А.С.Белкин томонидан турли журналлардаги мақолаларда киритилди. Педагогик диагностиканинг атамалари ва методологияси у томонидан 1979 йилда “Ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги” номли ўқув қўлланмасида бетафсил баён қилинди (1).

Таҳдидлар шунини кўрсатадики, 80—йилларгача “Педагогик диагностика” атамаси асосан мақолаларда, турли тезислар ёки кам тиражли тўпламларда учрайди. 80—йиллардан бошлаб эса, шу вақтгача педагогика ва психология фанларининг ҳамкорлик соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган, кўпчилик

алоҳида билим ва тажриба соҳаси, деб қарамаётган, бу соҳа энг долзарб соҳалардан бирига айланмоқда.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин:

1987 йилда А.И.Кочетов таҳрири остида "Мактабда педагогик диагностика", 1988 йилда Н.К.Голубевнинг "Тарбия жараёнини диагностика ва прогноз қилиш" асарлари босмадан чиқди. 1990 йилда, Тошкентда К.З.Зариповнинг "Ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимида педагогик диагностика", 1992 йилда, Екатеринбургда Е.А.Михайличевнинг "Педагогик диагностиканинг назарий асослари" мавзусидаги докторлик ишлари қимоя қилинди.

Чет элларда бу соҳада олиб борилган ва рус тилига таржима қилиниб, ўзбек мутахассислари ҳам танишиш имкониятига эга бўлган ишлардан К.Ингенкампнинг 1991 йилда босмадан чиққан "Педагогик диагностика" (муаллифнинг ёзишича "педагогик диагностика атамаси у томонидан 1968 й. таклиф қилинган ва киритилган) ва Э.Стоунснинг "Психопедагогика". Таълимнинг психологик назарияси ва амалиёти" (1984), бир гуруҳ немис психодиагностлари томонидан тайёрланган "Психодиагностика: назария ва амалиёт" (1986) каби асарларини кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида билимларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиши, таълим жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан, тест методининг билимларни баҳолаш усули сифатида кенг қўлланилиши, турли психологик методикаларга, айниқса, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларнинг ошиши Республикамизда педагогик ва психологик – педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига катта туртки берди. Психологик – педагогик диагностика бутунги кунда мактаб, боғча ва бошқа турли типдаги ўқув билим юрлари психологлари ва педагоглари олдига турган муҳим вазифалар, уларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланимоқда ва ривожланимоқда.

Психологик – педагогик диагностиканинг ривожланиб келаётган фан тармоғи эканлигини, унинг амалий ва долзарблиги билан бир вақтда бу соҳанинг аниқ чегаралари, бошқа фанлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳозирча тўлиқ таркиб тошмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун биз психологик – педагогик диагностиканинг баъзи томонларигагина қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шундай томонлардан бири, яъни шаклланиб келаётган фан соҳасининг асосий объектлари, қандай йўналишларда иш олиб берилишига тўхталиб ўтмоқчимиз.

### Назорат саволлари:

1. Психологик – педагогик диагностика курсининг асосий вазифаларига нималар киради?:

а) Талабаларни психологик педагогик диагностикасининг назарий асослари йўналишлари, босқичлари ва тамойиллари билан таништиринг?

б) Шахс психологиясида, хулқ – атворда юз берадиган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усуларини шарҳлаб беринг?

в) Психологик – педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?

### ПСИХОЛОГИК–ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Психологик – педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари педагогик амалиётнинг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланимоқда. Шу сабабли ҳам унинг йўналишларини, бу йўналишларнинг моҳиятини психологик – педагогик диагностика педагогик амалиётнинг қайси соҳаларида қўлланилишини кўрсатмасдан туриб, уларни тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Биз қуйида психологик – педагогик диагностика қўлланилиши жуда катта амалий аҳамиятта эга бўлган соҳалардан бир нечасини шартли равишда (ҳаётда эса улар умумий, битта педагогик жараённинг ажралмас қисмларидир) ажратиб олдик. Улар қуйидагилар:

1. Таълим – тарбия назарияси ва методикаси.
2. Бошқариш ва амалиёт.
3. Дидактика ва хусусий методика.
4. Педагогик социология.
5. Ижтимоий психология.
6. Педагогик психология.

Бу соҳаларнинг асосий вазифалари, предмети педагогик ва психологик адабиётларда, ўқув қўланмаларида жуда кенг ёритилганлигини ҳисобга олиб, уларга батафсил тўхталиб ўтмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар бир соҳада психолог ёки шу соҳаларга қизиқувчи мутахассислар маълум диагностик ишларни амалга оширадилар. Мана шу ишлар мажмуаси психологик –

педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Ҳар бир соҳада ўзига хос диагностика ишлар олиб борилади ва бу ишларнинг мазмуни психологик – педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади.

Бу йўналишларга қуйидагилар киради (Михайличев Е.А., 1997)

1. Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш.
2. Ташкилий – методик диагностика.
3. Дидактик диагностика.
4. Ижтимоий – педагогик диагностика.
5. Ижтимоий психологик – педагогик диагностика
6. Педагогик психодиагностика.

Йўналишларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз:

**ТАРБИЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ** – бу йўналиш ўқувчиларнинг тарбияланганлигини, уларнинг хулқ – аъводини, одоб – ахлоқини, тарбияланувчанлиги (тарбиявий таъсирларга берилиши)ни ўрганишдан иборатдир.

**ТАШКИЛИЙ – МЕТОДИК ДИАГНОСТИКА** – педагогларнинг квалификациясини, ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик даражасини баҳолашдир.

**ДИДАКТИК ДИАГНОСТИКА** – педагогик жараёни такомиллаштириш учун хизмат қилишдир (ўқув жараёнининг ташкилий методик томонларидан ташқари). Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини, жавоблардаги типик хатоларини, уларнинг сабабларини, ўқув фаолиятидаги салбий ўзгаришларини, уларда ўқув, меҳнат малака ва кўникмаларининг ривожланганлик даражасини, таълим олишга нисбатан мойилликларини диагностика қилади.

**ИЖТИМОИЙ – ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА** – ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги, мослашганлик даражаси, тарбияси оғир болаларни диагностика қилишда ижтимоий омилларни ҳисобга олувчи йўналишдир. Диагностика педагоглар томонидан мактабдан, ўқув юртидан ташқарида олиб борилади. Шу сабабли диагностика жараёнида оила социологияси ва иқтисоди, ҳуқуқ социологияси, дам олиш социологияси, иқтисодий социология каби соҳаларда қўлланиладиган методикалар ва кўрсаткичлардан фойдаланишни тақозо қилади.

**ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК – ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА** – бу йўналиш социология, ижтимоий психология, педагогикани ўз ичига қамраб олган бўлиб, ўқувчилар, педагоглар, ота – оналар гуруҳларини, ўқувчиларга оммавий коммуникация воситаларининг (радио, телевидение, газеталар ва ҳоказо) таъсирини, уларнинг бурч ва ҳуқуқлари, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилгандир.

**ПЕДАГОГИК ПСИХОДИАГНОСТИКА** — психологик — педагогик диагностиканинг энг яхши ривожланган ва муҳим йўналишларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш, ўз — ўзини баҳолаши, психологик “ҳимоя усуллари”ни, у ўзининг психик ҳолатларини, характерининг асосий сифатларини ва бошқа индивидуал — психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилгандир.

## **ПСИХОЛОГИК — ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛАРИ**

Албатта, ҳар қандай фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ва уларга мос келадиган тадқиқот ёки амалий ўрганиш методларига, ўз тамойилларига эгадир. Психологик — педагогик диагностикада қўлланиладиган методлар ва тамойиллар ҳозирги замон психология фани ва педагогика фанида ортирилган илмий, амалий тажрибалар, шакланган тамойиллар асосида шаклланимқда. Шу билан бирга ўз хусусиятларига эга ҳамдир. Бунинг сабаби психологик — педагогик диагностика қўлланиладиган методлар ва тамойиллар фанда бирор янгилик очишдан кўра кўпроқ мавжуд билимлар, методлар, тамойилларнинг амалда самарали қўлланилишига хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик — педагогик диагностиканинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Диагностика назарияси ва методикаларининг илмий асосланганлиги. Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижалар ва уларнинг интерпретациясининг ишончлилиги, аниқлигини, валидлигини нухта ишлаб чиқилган методологик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик тамойили қўлланилаётган методикаларнинг этник, ижтимоий муҳитга, шу жумладан, диагностика ўтказилаётган ўқув юрти ва ўқув гуруҳига мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагогик — диагностикаларни турли хил енчил, “кўзига яхши кўрилган” ёки “кўзига тушиб қолган” методикаларни билиб — биламай қўлашдан сақлайди.

2. Диагностиканинг изчиллиги ва аниқ йўналганлиги. Психологик — педагогик диагностика бошқа психодиагностик, педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объектга ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий хулосалар,

абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга (масалан, ўқувчи), аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериши лозим.

3. Диагностика шакл ва методларининг оптималлиги. Қўл — ланилаётган методикалар, ўқувчига ёндашиш усуллари амалий психолог, педагог ёки педагог — диагностика кам куч ва вақт сарфлаб, у ҳақида муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон бериши. Диагностика шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун педагогикада ва психологияда кўп йиллар давомида қўлланилиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш ва қўллаш зарур.

4. Ўрганиш объекти ҳақидаги фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишнинг бириги. Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган ўқувчига ёки ўқув — тарбия жараёнида такомиллаштиришда, камчиликларни бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик, педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, қўллаб — қувватлаш функцияларининг биргаликда олиб борилиши.

5. Диагностиканинг кетма — кетлилиги ва узлуксизлиги — диагностиканинг босқичма — босқич амалга ошира бориб, ўқув жараёнига, ўқувчининг ўзлаштиришига ҳалақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижалардан кейинги босқичларда, ўқув — тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. Диагностика методлари ва жараёнларининг қулайлиги ва оммобоплиги. Диагностика методларининг оддийлиги, педагоглар, амалий психологлар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда диагностикага нисбатан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойил.

7. Диагностиканинг ҳар томонламалиги (комплекслиги). Бу тамойил ўқувчи шахсини, унинг индивидуал — психологик хусусиятларини, руҳий жараёнларнинг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар уни бир бутун ҳолда, ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндашиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностика методикалар бир — бири билан боғлиқ бўлиши, бир — бирини тўлдирish — бу тамойилнинг асосий талабларидан биридир.

8. Диагностика ўқувчи ривожланишининг келажагини, оқибатларини оддидан кўра олиш (прогноз қилиш) имкониятини

бера олиши. Ҳар қандай психологик – педагогик диагностика ўқувчининг кечаги ёки бутунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилинганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Диагностик жараёнда ўрганилаётган объектининг "келажаги", эртанги куни ҳам, тараққиёт тенденциялари ҳам маълум омилар таъсирининг оқибатлари очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина, прогноз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим – тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, ўқувчи тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик – педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

#### Назорат саволлари:

1. Психологик – педагогик диагностиканинг қўлланиши?
2. Диагностика қўлланишида аҳамиятга эга бўлган соҳалар?
  - а) таълим тарбия назарияси методикаси.
  - б) бошқариш назарияси ва амалиёти.
  - в) ижтимоий психология
  - г) педагогик психология ва ҳоказо...
3. Психологик – педагогик йўналишларига асосан нималар киради?
  - а) тарбияланганлик даражасини аниқлаш.
  - б) ижтимоий педагогик – психологик диагностика ва ҳоказо...
4. Психологик – педагогик диагностиканинг асосий тамойилларини кўрсатиб ўтинг?

## ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА МЕТОДЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

### Психологик-педагогик диагностиканинг методлари Тестлаштириш ақлий ривожланишни баҳолаш методи сифатида

Тестлаштириш индивидуал фарқларни таҳлил қилишнинг объектив методи сифатида XX асрнинг бошларида вужудга келган.

"Тест" тушунчаси биринчи бўлиб у ёки бу руҳий жараёнларни ва шахс хусусиятларининг ривожланганлик даражасини объектив ўлчашга қаратилган қисқа стандартлаштирилган вазифалар (саволлар), топшириқлар тизими сифатида инглиз психологи Ф.Гальтон томонидан киритилган. Инсон психик хусусиятларининг ирсиятга асосланганлиги ҳақидаги ғояга таянган ҳолда Гальтон сенсомотор сифатларни, сингалувчиларнинг турли хил сезувчанлик хислатларини ўлчаш ишларини олиб боради.

Гальтон ғоялари кейинчалик америкалик психолог Д.Кэттел тадқиқотларида ривожлантирилади.

Тестлаштириш ривожланишидаги кейинги қадам тест методининг оддий сенсомотор сифатларини ва хотирани текширишдан, "ақл", "интеллект", терминлари билан белгиланувчи олий психик функцияларни ўлчашга ўтиши бўлди. Бу қадам таниқли психологлар А.Бине билан Г.Симоннинг ҳамкорлигида қўйилди.

Назарий негиз сифатида ўша вақтда ҳукмрон мавқеда функционал психологиянинг назарияси танлаб олинган бўлиб, унда психик ривожланиш бир қатор туғма функцияларнинг сон жиҳатидан ўсиши тушунилар эди.

Бу концепцияга кўра, Бине шунақанги вазифаларни танлашга ҳаракат қиладикки, уларни ечиш таълимга, яъни олинган битимларга асосланган бўлмасин, ҳар бир ёш даври учун шундай тестларнинг сериясини топиш керакки, уларнинг ечилиши шу ёшдаги болаларга хос, мўътадил хусусиятли ҳисоблансин. Тестлар мактаб билимларига нисбатан мустақил бўлсин, бу, яъни синовларнинг натижаси боланинг ҳақиқий ақлий қобилиятларининг кўрсаткичи вазифасини бажарсин: улар хулосага охириги натижаларни берсинки, буни биз сингалувчининг умумий ақлий истеъдоди сифатида қабул қилайлик.

Боланинг интеллекти ҳар қандай вазифани бажаришда намойи бўлади, деган ғоядан келиб чиққан ҳолда Бине, ўзи

танлаётган тест топшириқларини назарий асослаш зарур, деб билмади ва тестларни тузишда асосан интуицияга таянди. Биннинг бу масалага нисбатан муносабати унинг қуйидаги мулоҳазаларида аниқ кўрсатиб берилган: "фарқ йўқ, қандай матнлар бўлишидан қатъи назар, энг асосийси улар кўл бўлсин".

Бине ва Симон 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврларда диққат, хотира, тафаккурни ўрганишга қаратилган бир қатор экспериментларни ўтказганлар. Статистик методлар ёрдамида ишлаб чиқилган натижалар ҳар бир ёш гуруҳи учун норма, яъни мезоний ўлчов, деб қабул қилинди. Бу билан индивидуал фарқ белгилаш ўзига-ўзи эмас, балки боланинг ёшига нисбатан олиниб, унинг ривожланишини кўрсатувчи нормативларга йўл очилди.

Агарда бола ўз тенгдошларининг кўпчилиги бажарган масалаларни бажара олса, бу норма деб белгиланган. Бироқ бундай масалалар бола учун жуда ҳам енгил ёки аксинча жуда ҳам қийин бўлиши мумкин. Шунга кўра, "ақлий ёш" (*Mental age* (MA) тушунчаси киритилиб, у боланинг хронологик ёшига (*chronological Age* (CA) мос, келиши ёки ундан фарқ қилиши эҳтимол. Уларнинг мос келмаслиги ёки ақлий қоқоқликни (MA CA дан орқада қоляпти), ёки ундан илгарилаб кетиши (истеъод (MA CA дан илгарилаб кетиши)нинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Бине ўз ҳаётининг сўнгги йилларида жатимой таъсирнинг, авваламбор таълимнинг бола интеллектуал ривожланишидаги аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтган.

20-йилларда тестлар бутун дунёда кенг тарқала бошланди.

Бироқ тез орада матншунослар ўртасида интеллектуал тестлар нимани ўлчаши керак ва интеллектнинг ўзи нима? деган савол муаммо юзасидан келишмовчиликлар юзага келади.

1921 йил "Таълим психологияси" журнали саҳифаларида баҳс-мунозара уюшტიрилди, бунда йирик Америка психологлари иштирок этдилар. Уларнинг ҳар бирдан интеллекта таъриф бериш ва интеллектни аниқлашнинг энг маъқул методини таҳлил қилиш сўралди.

Интеллектни ўлчашнинг (баҳолашнинг) энг маъқул услуби сифатида деярли катта олимлар тестни танлашди, бироқ уларнинг интеллекта берган таърифи парадоксал тарзда бир-бирини инкор қилар даражада эди.

Интеллект "абстракт тафаккур қилиш қобилияти" сифатида белгиланади (А.Термен);

"Ростгўйлик, ҳақиқат мезони бўйича яхши жавоблар бериш жинояти" (Э.Торндайк);

"Муҳитга мослашиш имкониятини таъминловчи билимларнинг йиғиндиси ёки таълим олувчанлик қобилияти" (С.Колвин);

"Нерв системасининг модификацияларга нисбатан ҳоби-лияти" (Р.Пинтер) ва бошқалар.

Ч.Спирмен 20 га яқин интеллектга берилган қатор ҳолларда бир-бирларини инкор қилувчи таърифларни тўпласа — да, лекин ҳамма таърифларда тестлар ҳақиқатдан ҳам аниқ бир сифатларни ўлчамаслигини исботлайди.

Шундай вазият вужудга келдики, бунда ҳар бир матншунос қандайдир психик функция ёки унинг йиғиндисини текшириб кейин уни интеллектнинг тадқиқ этилиши, деб эълон қила бошладилар.

Айнан бир субъект интеллектни диагностикасида турли хил тестлардан фойдаланиш, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи маълумотларнинг олиниши мана шу ҳолат билан тушунтирилади.

Ҳозирги даврда ҳам тестология назариясида тахминан 20 — 40 — йиллардаги ҳол сақланиб қолган.

Англиялик психолог Г.Айзенк эса инсон интеллектини ақлий жараёнларнинг кечиши тезлигига тенглаштириб қўяди.

Америкалик психологлар Р.Кэттел ва Д.Карл интеллектни ташкил қилувчи 2 та таркибни ажралиб кўрсатадилар.

"Флюидли" ва "Кристаллашган".

Интеллектнинг "Ф" таркиби билан ирсий аломат белгиланган ва инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади ҳамда ўзининг юқори даражасига илк болалик ёшида ўсиб ўтгандан кейин эришади.

Интеллектнинг "К" таркиби шахснинг ҳаёти давомида ортирилган кўникма ва малакаларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу моделда "К" интеллект бутунлай ирсий детерминацияга эга, деган тушунчадан узоқлашганлигини билдиради.

IQ — *Intellect* лар *quotient* — интеллект коэффициентини хронологияга нисбатан ақлий ёшнинг ўзида мужассамлаштиради.

Ҳозирги даврда тестологларнинг ўзлари турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш нотўғри эканлигини тан олмақдалар.

Ю.Гутке: "Турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш қийин нарсадир, чунки ҳар хил тестларнинг асосида турли интеллект концепциялари ётади ва тестларга, эса функциялар киритилади".

Ҳозирги тестологияда янги системадаги тестларнинг "валид"лигини асослаш учун уларни мумтоз тизимга таққослайдилар. "Эски" ва "янги" тестлар бир гуруҳдаги кишиларга тавсия қилинади ва агар улар тестлардаги натижалар ҳар хил синалувчига мос келса, тушганлиги аниқланса, бундай "янги" тест валидикка эга, деб қабул қилинади. Қадимги тестлар сифатида одатда Бине тестларидан фойдаланилади.

Ҳозирги даврга келиб, бутун интеллектуал тестлаш тизимида кризис юзага келди.

Тестология ва психология ўртасида чуқурлашиб бораётган ўзаро инкор сабабларини таҳлил қилиш жараёнида 30-йиллар психологиясидаги Л.С.Виготский сўзи билан айтганда "психологик кризисни босиб ўтиши мақсадга мувофиқдир."

Кризис сабаби – амалий психологиянинг ривожланиши ва бутун методологиянинг амалиёт принципи асосида қайта қурилиши билан, яъни унинг табиий фанга айланиши билан боғлиқдир.

"Бу принцип психологияга тайзиқ ўтказиб ва уни 2 қисмга бўлинишига мажбур қилади" – деб ёзади у, ўз ишларида. Технологиядаги кризис оқибатида монхометриянинг мустақил амалий тадқиқот соҳасига ажратиб чиқиши содир бўлади.

Айрим тестологлар тестдан ўтказиш процедурасини юқори даражага кўтаришга ҳаракат қиладилар, бунда улар математик ва статистик методлардан нафақат тест системаларини ташкил қилишда, балки шу билан бирга бу тестлар асосида ётувчи интеллект моделидан ишлаб чиқишда ундан кенг фойдаланишга интиладилар.

Шундай қилиб, тестлаштиришда, интеллектни тушунтиришда ва баҳолашда факторли анализ методидан фойдаланадиган йўналиш кенг ривож топди.

Бу йўналишнинг намояндалари Спирменнинг ишларига таянадилар.

Факторли (анализ намояндалари) тестологияда шундай кузатишларга асосланадиларки, натижада айрим шахслар бир хил тестларни яши бажарсалар – да, лекин бошқаларини ечишда муваффақиятсиз ҳаракат қиладилар.

Демак, турли тестларни бажаришда интеллектнинг ҳар хил жабҳалари иштирок этади. Шундай қилиб, интеллектнинг ҳар бир таркиби ёки фактор, "тест ёки маълум турдаги вазифани бажаришга зарур бўлган ўзига хос такрорланмас қобилият бўлиб" ва ҳар бир "фактор шундай хусусиятлари билан характерланадики, натижада улар у ёки бу ҳилдаги тестлар учун умумий бўлиб ҳисобланади". Бу ҳолдаги интеллект

факторларининг тушунилиши уни аниқлаш усулларидан келиб чиқади.

Синалувчилар гуруҳига бир қатор тестлар берилади. Бундан кейин турли тестларни бажариш натижалари ўртасидаги боғлиқлик (корреляция) коэффициенти ҳисоблаб чиқилади. Агарда бунда бир нечта тестлар ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик мавжуд бўлса, бу тестларни бажаришда ягона фактор қобилият иштирок этганилиги ҳақида фикр билдирилади. Бундан кейин эса ажратиб кўрсатилган факторга маълум ном берилади.

Агарда бир нечта факторлар ўзаро юқори корреляцион боғлиқликка эга бўлса, у ҳолда уларни иккинчи бор факторли анализга қўйишади. Олинган "иккинчи қатор фактори" деб аталувчи Спирменнинг генерал факторига тўғри келади.

Ҳозирги даврда Гильфорд томонидан юқорида берилган усул ёрдами билан экспериментал тарзда интеллектнинг 120 дан 90 фактори ажратиб кўрсатилган.

Синалувчининг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги маълумотни олиш Гильфорд бўйича, интеллектни ташкил қилувчи ҳамма факторлар шакланганлик даражасини аниқлаш лозим. Бунинг учун уларга бир қатор тестлар ҳавола қилиниб, уларнинг ҳар қайси факторлардан биттаси ривожланганлик даражасини ўлчаш учун белгиланган.

Гильфорднинг интеллект характеристикаси ва уни ўлчашга ёндашишни таҳлил қилган, кўпгина тадқиқотчилар унинг позитив томонларини таъкидлаганлар. Л.И. Андиферова кўрсатгандек, "факторли анализ интеллектуал фаолиятнинг янги томонларини илгари суради, бу эса олдин шакланган тушунчаларга психологик тадқиқотлар доирасида яна ҳам чуқурроқ ёндашишга имкон беради.

Бундан ташқари, Гильфорд ишлари ҳозирги тестологиядаги, инсон интеллектни моделини яратувчи унчали кўп бўлмаган қийинчиликлардан бири ҳисобланиб, интеллектуал тестларни яратишда асос сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга, бу интеллект анализи ва диагностикаси методини ташкил қилувчи компонентларининг кўпгина заиф томонлари мавжуддир.

Аввало, Гильфорд ёндашишининг эмпиризминини таъкидлаш жоиз. Интеллектни факторларга ажратиб туриб, Гильфорд синалувчиларнинг турли хил интеллектуал тестлар бажариши натижаларининг корреляциясига асосланади. Бунга эса Небилидин таъкидлаганидек, субъективизм муқаррардир, у

бошланғич тестларни танлашда ҳам, олинган нәтижаларни таҳлил қилишда ҳам намоён бўлади.

Бунинг исботи сифатида тестологиядаги факторли ёндашишнинг йирик намоёндаси А.Терстоуннинг тадқиқотлари хизмат қилиши мумкин.

Терстоун Гильфорд фойдаланган математик методлардан фойдаланган ҳолда интеллектнинг моделини яратди. У Гильфордагаддек 120 та эмас, балки 7 фактордан иборатдир:

1. Фазовий қобилият.
2. Идрокнинг тезлиги.
3. Сонли материални ўзлаштириш енгиллиги.
4. Сўзларни тушуниш.
5. Ассоциатив хотира.
6. Нутқнинг ўйноқлиги.
7. Тушуниш ёки мулоҳаза қилиш.

Шундай қилиб, Гильфорд тузган интеллектнинг модели кўп жиҳатдан ихтиёрий хусусиятга эга.

Ҳатто шунини Гильфордининг ўзи тан оладики, "образли элементларни билиш" деб ажратилган фактор аслини олганда ўзига хос 3 хусусиятдан ташкил топган: кинестетик формаларни таниш, товуш образларини идрок қилиш, таниш образларни қайта таниш.

Бошқа томондан, Гильфорд ажратган факторлар амалда битта қобилиятни намоён қилиши мумкин.

Гильфордининг тафаккур "фактор" ларини ўлчаш учун яратган тестлари ҳам кўп даражада субъектив характерга эгадир, чунки инсон интеллектининг яққол ажратилмаган характеристикасини ўлчайди. Ҳақиқатдан Гильфорда тестлари дивергент тафаккурга Торансон ва Джексонлар томонидан ишлаб чиқилган шу каби тестлар билан жуда суст корреляцияга эга.

Шундай қилиб, Гильфорда ёндашишидаги асосий кенглик, бу ўз "интеллект структурасини" математик ҳисоблаш ёрдамида аниқланган, ташқи корреляциялар асосида қурилган бўлиб, топилган интеллект "фактор"ларнинг ўзига хослиги, моҳиятини, унинг ички психологик боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилмайди.

Шундай қилиб, факторли ёндашиш тестологияда кўп учрайдиган камчиликларни бартараф қила олмайди, чунки уларда энг асосий интеллект тушунчасининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги бунга имкон бермайди.

Кўпгина ғарбнинг прогрессив психологлари тест тузишнинг статистик методларини яхшилаш ва уларни ишлаб чиқишнинг методларини мукамаллаштириш билан чекланиб қолмасдан,

балки тестларнинг назарий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақлиф қиладилар.

Бу ўринда М. Коул ва С. Скрибнерларнинг ишлари катта қизиқиш уйғотади. Турли маданий шароитларда яшаётган одамларни билиш фаолиятининг ўзига хослигини ўргана туриб, муамлифлар билиш қобилиятларини баҳолашда тестлардан фойдаланмасликни маъқул кўрадилар.

Улар аynи бир хил масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши, сигналувчилар яшаётган реал шароитта боғлиқ эканлигини кўрсатиб берадилар. Авторлар у ёки бу масала ечилишнинг натижасини эмас, балки уни ечиш жараёнининг ўзини субъектнинг муаммо ҳал қилиш жараёнида қўлайдиган усулларни ўрганиш муҳим, деб билишлари принципиал жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тестологияни қамраб олган кризис унинг асосида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Аввало когнитив позиция доирасида вужудга келган йўналишни айтиб ўтиш керакки, унинг намояндалари (Р.Глейзер, Дж.Кэррол, С.Лансберг, Д.Р.Пелигрино, Н.Фрост, Э.Хант, В.Эстес ва бошқалар.) интеллектуал тестларнинг ҳар бири индивиднинг қобилияти ва билимига қўядиган талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар.

Бу билан тестнинг ҳақиқий валидлиги, унинг диагностика қилишга қаратилган мазмунини аниқланади. Бу йўналиш намоян — дларининг таъкидлашича, ишнинг муваффақиятли кетишида бу каби изланишларда психометрик худосаларнинг табиатини ўзгартириш имкони туғилади. Статистик баҳоларнинг ўрнига коррекцион амаллар қилиш борасида муайян талаблар илгари сурилади. Шу вақтгача бир қанча тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда бир қатор интеллектуал тестларнинг асосида ётувчи қобилиятларнинг машқлар асосида рўёбга чиқиши мумкинлиги кўрсатилган:

Бу ишлар интеллектуал тестологиянинг критериял — ориентир (мезоний мўлжал)ни қайта қуришда биринчи қадам бўлиб ҳисобланади. Бу типдаги тестлашнинг фарқ қилувчи томони шундаки, бунда қандайдир муҳим мазмунли соҳа (билимлар ва кўникмалар) ва тест тузиламаси тиклаб олинади, ундаги вазифаларнинг ҳар бири — бу мазмунли соҳанинг маълум томонини диагностика қилишга йўналтирилганлигидир.

Критериял — ориентирланган тестлаш индивиднинг билимларни ўлаштириш даражасини аниқлашга қаратилган педагогик тестаarda кенг қўлланилади.

Критериал – ориентир ёндашиш асосида яратилган тест индивид ақлий даражаси билан бошқа одамлар орасида қандай ўрин эгаллаганини кўрсатибгина қолмасдан, балки индивид ақлий ривожланиши ҳақида аҳамиятга молик тушунча бериши мумкин.

Тестологиядаги янги бир йўналиш қизиқарли ва келажаги порлоқ, деб қараладики, уларнинг намоёндалари интеллектуал тестлар системасини ақлий ривожланишнинг онтогенездаги психологик назариясига асосланган ҳолда яратишга ҳаракат қиладилар. Бунда Ж.Пиаже назарияси асос қилиб олинади. Олдиндан шуни айтиш керакки, бу ҳаракатлар муваффақиятсизлик билан тугаланди.

Жумладан, америкалик тадқиқотчи Р.Тадденхем Ж.Пиаженинг операциягача бўлган интеллекдан конкрет операциялар даражасига ўтишдаги бир қанча вазифаларни стандартлантириш бўйича иш олиб борди ва уларни бажариш болаларга ҳавола қилинди. Олинган натижаларни баҳолаш жараёнида у қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўта қарама – қаршилиқ, ёнги вазифалар ўртасидаги мустақилликни кўриб, биз жуда ҳайрон қолдик... бу вазифаларнинг ҳаммаси ривожланиш учун берилган босқичга қабул қилинган бўлса – да, лекин улар ўртасида боғлиқликнинг йўқлиги қонун сифатида қаралар эди. Вазифаларнинг формал тафаккурда ишлатилганлиги бу хилдаги натижалар Британия интелект мактабида ва бир қанча бошқа тадқиқотларда ҳам олинган.

Горизонтал деколяр фактларини анализ қила туриб, Тадденхем фикрича, улар “ақлий ёшга хос, ягона ривожланиш босқичида турган ҳар бир болани қараб чиқиш ва унинг кўрсаткичлари асосида ҳар қандай вазифанинг ечилишини олдиндан айтиб бериш ҳақидаги ўйларни лучга чиқарадилар.

Биз юқорида айтиб ўтган ҳамма тестологиянинг ривож – ланишидаги ҳозирги замон йўналишлари ижобий хусусиятга эгадир, чунки улар у ёки бу даражада тестологияга хос бўлган эмпиризмдан интеллектуал ривожланган, маъноли, сифатли психологик таъдирга ўтганлиги билан тавсифланади.

Бироқ санаб ўтилган ижобий тенденциялар билан бир қаторда, унга қарама – қарши бўлганлари ҳам борки, уларнинг намоёндалари аслини олганда тестология билан психологияни бутунлай яккига ажратишга чақирадилар. Бундай тенденциянинг йirik намоёндаларидан бири – Г.Айзенқдир. Унинг позицияси қуйидагилардан иборат:

Индивид ақлий ривожланиш даражасининг 80% и генетик жиҳатдан ва фақатгина 20% и таълим ва тарбия билан белгиланади.

Генетик жиҳатдан берилган одамлар орасидаги интеллектуал фарқлар фикрий жараёнларнинг тезлигини ифодалайди:

“Оддий IQ – тест билан талаб қилинадиган одамлар ўртасидаги билим ва малакалар миқдорининг фарқи, уларнинг ташқи дунёдан информация олиш ва фойдаланиш тезлиги фарқи билан тушунтирилади”.

Г.Айзенк бир қатор тадқиқотларни кўрсатадики, уларда индивид ЭЭГ потенциали унинг интеллект ривожланиши даражаси билан тушунтиришга ҳаракат қилинади. Жумладан, Ф.Чалке ва Дж.Эртли тадқиқотларида кўриш стимули юзага келтирган латент даври (ақлий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, латент даври шунчалик қисқа) ва сингалувчиларнинг ақлий даражаси ўртасида боғлиқлик аниқланган.

Худди шу каби натижалар Д.Хендриксон тадқиқотларида эпитиш стимулларида фойдаланилганда олинган: бундан ташқари, кутилмаган стимулга юзага келган амплитуданинг интеллект ривожланиш даражаси билан ижобий боғлиқлиги мавжуд эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, Айзенк шуни таъмин олишга мажбурки, бошқа тадқиқотларда (Э.Бекс, Р.Дастмен, Р.Инжел, А.Роудес, Н.Хендерсон ва бошқалар) ўзгача натижалар олинганки, айримлари юқоридагиларга бутунлай қарама – қаршидир. Бироқ у ёки бу натижаларни экспериментал тадқиқотларнинг енги – елци ўтказилганлиги натижаси деб таҳлил қилган ҳолда ташлаб юборади.

Ақлий ривожланиш даражаси ва юзага келган потенциал тасдиқловчи ҳамда бу боғлиқликни нейрон механизмлари даражасида тушунтирувчи 3 та концепция диққатни жалб қилади. Э.Шафер концепцияси қуйидагилардан иборатдир:

Атроф – муҳит стимулига “жавоб” беришда кўп бўлмаган нейронлар ҳаракатга келадики, бунда стимул таниш бўлса, аксарият нейронлар ҳаракатга келади. Шундай қилиб, “адаптацияга юқори нейронли қобилиятли” индивид (ва бундан юқори интеллектга эга) кутилган стимулга юзага келган потенциалнинг нисбатан кам амплитудаси ва кутилмаган стимулга юзага келган потенциалнинг одатдагидек амплитудасини беради.

Психологик – педагогик диагностиканинг ўзига хос, хусусий методлари ҳозирги босқичда унчалик шакланмаган.

Бунинг асосий сабаби педагог—диагност, ўзининг амалий психологик диагностика фаолиятида шу вақтгача психологияда қўлланиб келаётган психодиагностик методлардан ва педагогиканинг тадқиқот ва ўқувчиларни ўрганиш методларидан фойдаланилади. Ижтимоий муҳит, ижтимоий омиларни ўрганишда эса социологияда, иқтисодиётда мавжуд бир қанча методлардан фойдаланиш мумкин. Кейинги йилларда психологик—педагогик диагностика фойдаланиши мумкин бўлган метод ва методикалар сони кўлаймоқда, шу билан бирга унинг ўзига хос махсус методлари ҳам шаклланмоқда. Бунга мисол қилиб "Психологик—педагогик консилиум" методикасини келтириш мумкин (бу методикани ҳозирги вақтгача методикада қўлланилиб келаётган педагогик консилиум билан алмаштирмаслик лозим).

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз психологик—педагогик диагностиканинг методларига батафсил тўхталиб ўтмаймиз, фақат уларнинг баъзиларининг номларини кўрсатиб ўтиш билан чекланамиз. Уларга қуйидагилар киради:

1) турли режа, дастур, мақсад ва мезонларга эга бўлган кузатиш методлари гуруҳи;

2) диагностика суҳбатлар;

3) диагностика суроқномалар;

4) диагностика интервью;

5) барча типдаги анкеталар;

6) турли психодиагностик тестлар;

7) ўқув гуруҳининг хусусиятларини ўрганиш методлари;

8) педагогик тестлар, шу жумладан, дидактик тестлар;

9) ўқув ҳужжатларини таҳлил қилиш, шу жумладан,

контент—анализ методи;

10) турли хилдаги жамоатчилик фикрини ўрганишга мўлжалланган методлар ва ҳоказо.

Ҳаётининг амалий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилиб, ўз ишларининг амалий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Бунда иш услубининг асосий камчилиги шундаки, баъзида жуда мукамал, ўта илмий, амалий асосланган методикалар аниқ педагогик фаолиятнинг мақсад ва вазифаларига мос келмаслиги, улардан йироқлиги сабабли кутилган натижа бермайди. Педагогнинг диагностика фаолиятининг самарадорлиги,

муваффақияти танланган ва қўлланилган методиканинг "ноёблиги" билан эмас, балки бу методиканинг шу муҳитга, шу даврда ўрганилаётган аниқ мақсадга, вазифага мослиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай диагностика фаолият нимани ёки кимни, қайси мақсадларда ўрганиш, олинган натижалардан қандай фойдаланишимизни англашдан бошланиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностика фаолияти қуйида кўрсатилган босқичларда, кетма-кет олиб борилиши керак.

### Педагогнинг диагностика фаолияти босқичлари

1. Диагностика фаолият объекти, мақсади ва вазифаларини аниқлаш.

2. Диагностика объектини ўрганишнинг мезонлари ва кўрсаткичлари (индикаторлари)ни белгилаш.

3. Диагностика фаолият вазифасини бажариш учун зарур бўлган методикалар танлаш.

4. Танланган методикалар ёрдамида информациялар йиғиш (тадқиқот ўтказиш).

5. Олинган натижаларни сифат ва миқдор жиҳатдан қайта ишлаш.

6. Педагогик диагноз ишлаб чиқиш ва хулосалар чиқариш.

7. Педагог прогноз ишлаб чиқиш (Кутиладиган натижаларни олдиндан тахмин қилиш)

8. Тузатиш ва ёрдам бериш йўллари, усуллари ва режасини яратиш.

Психологик – педагогик диагностика педагогик жараённинг барча соҳаларида қўлланилади, унинг тармоқлари, соҳалари, қўллаш методлари турли – тумандир. Шу сабабли кичик ҳажмдаги қўлланмада унинг барча томонларини қамраб олишнинг имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда биз психологик – педагогик диагностиканинг масалаларидан бири, ўқувчиларнинг меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалаларига тўхталиб ўтамиз.

### Назорат саволлари:

1. XIX – XX асрларда психодиагностика фанининг ривожланиши?

а) Гальтон, Кэттел ва Бинеларнинг психодиагностикага қўшган ҳиссалари.

б) "Ақл ёши" ва "Хронологик ёш" бир — биридан қандай фарқланади.

в) Факторли анализ интеллектуал фаолиятнинг янги томонларини ўрганишдаги ролини айтинг.

г) Терстоун илгари сурган етти факторга нималар киради.

2. Ақлий ривожланиш даражасини аниқлашнинг ҳозирги замон методларини шарҳланг?

3. Педагогик диагностик фаолиятнинг босқичларига нималарни киритиш мумкин?

### МЕҲНАТ МАЛАКАЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Кўп йиллик кузатишлар ва педагогик тажрибалар, илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчининг ақлий ривожланиш даражасини пастлиги ёки уларда маълум ўқув малакаларининг ривожланмаганлиги, паст ўзлаштиришга, унинг касбга, илмга қизиқишининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ўқувчининг интеллектуал ривожланиш даражасини, уларда мавжуд ўқув малакаларини ўрганиш, камчиликларни тузатиш, махсус ўқув ва меҳнат малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган ишлар ўқув — тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади. Ҳозирги вақтда педагоглар ва педагогик психология мутахассислари олдидан иккита ўзаро узвий боғлиқ муаммо — ўқувчининг таълим олишга бўлган қобилиятини ва ўзлаштиришнинг пастлиги сабабларини, улар орасидаги боғлиқлик ўрганиш долзарб бўлиб турибди.

Агар ўқувчининг таълим олишга бўлган қобилиятини алоҳида ўқув фанлари бўйича ўқув материали асосида тузилган методика ёрдамида аниқланса, унинг фақат шу ўқув предмети (физика, геометрия, чет тили) бўйича таълим олишга бўлган қобилияти аниқланади. Масалан, вазифаларнинг барчаси математика фанидан тузилса, ўқувчининг математика фанидан қандай билимга эгалигини, эҳтимол унда қанчалик шу фанни ўзлаштиришга имконият ва билим борлигини кўриш мумкин. Бундай методикаларнинг қўлланилиш соҳалари, чегаралари ва қўлланилиш муддатлари чекланган. Диагностиканинг асосий вазифаси фақатгина бир фандан эмас, балки бир қанча фанлардан ўзлаштиришини, ёмон ўзлаштириш сабабларини (агар шундай ҳол рўй берган бўлса) топишдангина иборат эмас. Педагог учун ўқувчининг ҳаққоний ўқув имкониятларининг барча қирраларини иложи борича тўлиқ очиб беришга хизмат

қилувчи, ҳар қандай шароитда, қайси предметдан қандай мавзу ўтилганидан қатъи назар қўллаш мумкин бўлган методикалар зарур.

Таълим олишга бўлган қобилиятни ўрганиш методларида учрайдиган бир камчиликлардан яна бири, кўпчилик мавжуд методикалар ўқувчиларнинг мазкур қобилиятини ўрганиш учун уларнинг барчаси бир хил даражадаги дастлабки, бошланғич билим даражасига эга бўлишини тақозо қилади.

Аммо ҳаётда барча ўқувчилар бир хил билимга эга эмас, улар турли тайёргарлик даражасига эга ва бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли берилган материални билмаслик паст ўзлаштиришнинг аса сабабини кўрсатмаслиги мумкин. Бу борадаги муаммоларни ечиш бевосита бизнинг вазифамизга кирмаса ҳам уларга бир оз тўхталиб ўтиш лозим.

Маълумки, кўпчилик педагоглар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини баҳолашда қийналадилар ва бунинг оқибатида уларнинг иш фаолиятида таълим жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим омил гўеки четда қолиб кетади.

Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси улардаги назарий ёки амалий билим олишга бўлган қобилият ёки билимнинг мавжудлиги билангина аниқланмайди. Ўқувчининг ақлий ривожланиш даражаси тафаккур жараёнларининг ривожланганлиги, ўқув материалининг муҳим ва асосийларни ажрата олиши, олган билим ёки ҳосил қилинган, ўзлаштирилган кўникмани бошқа фаолиятга кўчира олиши, турли назарий билимларни амалда қўллай олиши, мустақил фикрлаши, хулоса чиқара олиши, техник вазифаларни еча олиши (техник тафаккур) каби бир қанча белгилар билан аниқланади. Шу сабабли педагоглар ўқувчининг ўрганаётган касби, қайси ўқув предметининг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда уни баҳолашлари осонроқ бўлади. Масалан, ўқувчининг техник тафаккурини баҳолашда унинг тафаккурининг образли компонентлари, предмет ва вазифаларни фазода идрок қила олиши, турли чизма, графиклар ва схемаларни тасаввурда тиклаш, ва реал ҳаётда қандай кўринишга, қандай ишлашини тушуниши кўч аҳамиятга эгаллигига эътибор бериш керак. Техник тафаккурнинг асосий компонентлари тушунчалар, образлар, образли — ҳаракатли ва абстракт (мавҳум) тафаккурдир. Бошқача қилиб айтганда, педагог ўқувчининг ўқув малакаларни ўрганишда ўз фаниниг хусусиятларидан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга улар психология фанида қўлланилиб келаётган оддий, аммо самарали

методлардан фойдаланишлари жуда юқори натижа беради. Қуйида шундан методикалардан бир гуруҳига тўхталиб ўтамиз.

## **Ўқувчининг ўқув ва меҳнат кўникмаларини ўрганиш**

Ўқувчининг ўқув ва меҳнат кўникмалари ўз ичига унинг ўз ишини режалаштира олиши, ўз фаолиятини ўзи назорат қила олиши, фаолият суръатини бошқара олишини олади.

Ўқувчининг ақлий ривожланиш даражасини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- а) тафаккур жараёнларининг ривожланганлик даражаси;
- б) тафаккурнинг техник фаолиятида юзага чиқадиган махсус хусусиятлари;
- в) ўз фаолиятини режалаштириши ва бошқара олиши;
- г) техник вазифаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги.

Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси, меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш учун қўллаш мумкин бўлган оддий методикаларга қуйидагилар киради:

### **1. ОРТИҚЧА ПРЕДМЕТНИ ТОПИШ ( ВА ОЛИБ ТАШЛАШ ).**

Бу методика ўқувчи тафаккурининг аналитик – синтетик хусусиятларини, таҳлил қилинаётган материални умумлаштира олиш малакасининг мавжудлик даражасини ўрганишга мўлжалланган. Методикани ўрганиш учун махсус равишда тузилган расмлар мажмуасидан фойдаланилади. Расмлар мажмуасини педагогнинг ўзи ҳам ўз предметга мослаб тайёрлаши мумкин. Расмда тўртта предмет (масалан, соат, торози, кўзойнак, термометр) акс эттирилаган. Текширилувчининг вазифаси акс эттирилган предметларнинг энг муҳим белгиларини топиш ва шунинг асосида "ортиқча", бошқаларга мос келмайдиган предметни топиш, қолган уч предметга эса умумий ном беришдан иборат. Бизнинг мисолимизда "ортиқча" предмет – кўз ойнак. Қолганлари эса ўлчаш асбоблари.

### **2. ОРТИҚЧА ТУШУНЧАНИ ТОПИШ.**

Бу методика юқорида кўрсатилган методиканинг вербал (сўзлар ёрдамида ифодаланадиган) варианты бўлиб, ўқувчининг мавҳум ва сўз – мағзиқ тафаккурини, абстракт материалларни умумлаштира олиш малакасини ўрганишда қўлланилади.

Ўқувчига бир қанча сўзлар мажмуаси берилади. Сўзлар абстракт сўзлар бўлиши мумкин. Масалан: олийжаноблик, тўғрисўзлик, камтарлик, кўролмаслик, ботирлик. Шунингдек, вазифа нарса ва ҳодисаларнинг номларидан иборат бўлиши ҳам мумкин (соат, барометр, самолёт, термометр, секундомер). Педагогнинг ўзи ҳам ўз предметига оид сўزلардан вазифалар тузиши мумкин. Бу ҳолда фанга оид терминлар, фанда учрайдиган энг муҳим предмет, деталларнинг номидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Текширилувчининг вазифаси берилган бешта сўз орасидан бошқаларга тўғри келмайдиган "ортиқча" сўзни топиш, қолган сўзларга умумий ном беришдан иборат. Вазифани тўғри бажариш учун ўқувчи берилган тушунчаларнинг энг муҳим ва умумий белгиларини топиши, шу белгилар асосида уларни умумлаштириши ва уларга умумий ном бериши лозим. Шундан кейингина ўқувчи ажратилган (топилган) муҳим белгига эга бўлмаган, яъни "ортиқча" сўзни топади.

### **Ортиқча тушунчаларни топиш бўйича мисоллар ва унинг баёни.**

Сизга бешта сўз берилган. Уларнинг тўрттаси умумий белгилари билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга тўғри келмайди. Уни топиб тагига чизиш керак. Фақат битта сўз ортиқ бўлиши мумкин холос.

Мисол.

А) тарелка, б) пиёла, в) стол, г) кастрюлка, д) чойнак.

Учинчи сўз эса мебелни билдиради, шунинг учун тагига чизилади.

Кейинги мисол.

А) юрмоқ, б) сакрамоқ, в) ўйнаш, г) ўтириш, д) югуриш.

Тўртта сўз ҳаракатни билдиради. "ўтириш" эса тинчлик ҳолатини билдиргани учун тагига чизилади.

Топшириқлар тўплами:

1. а) олд қўшимча, б) предлог, в) суффикс, г) қўшимча, д) илдиш.

2. а) тўғри чизиқ, б) ромб, в) тўғри бурчак, г) квадрат, д) учбурчак.

3. а) барометр, б) флюгер, в) термометр, г) компас, д) азимут.

4. а) қулдор, б) қул, в) деҳқон, г) ишчи, д) косиб.

5. а) мақол, б) шеър, в) поэма, г) ҳикоя, д) повесть.

6. а) цитоплазма, б) овқат, в) ўсиш, г) таъсирланиш, д) кўдайиш.

7. а) ёмғир, б) қор, в), қиров, г) дўл.

8. а) учбурчак, б) бўлак, в) узунлик, г) квадрат, д) айлана.  
 9. а) пейзаж, б) мозаика, в) бут (икона), г) фреска (деворга солинган расм), д) мўйқалам.  
 10. а) очерк, б) роман, в) ҳикоя, г) сюжет, д) повесть.  
 11. а) параллель, б) карта, в) меридиан, г) экватор, д) кутб.  
 12. а) адабиёт, б) фан, в) рассомлик, г) меъморчилик, д) бадий ҳунармандчилик.  
 13. а) узунлик, б) метр, в) вазн, г) ҳажм, д) тезлик.  
 14. а) карбонад ангидрид гази, б) ёруғлик, в) сув, г) крахмал, д) хлорофил.  
 15. а) кириш, б) кульминация, в) информация, г) яқун, д) хотима.  
 16. а) тезлик, б) тебраниш, в) куч, г) оғирлик, д) зичлик.  
 17. а) Куба, б) Япония, в) Вьетнам, г) Буюк Британия, д) Исландия.  
 18. а) товар, б) шаҳар, в) ярмарка, г) натурал хўжалик, д) пул.  
 19. а) тасвир, б) таққослаш, в) характеристика, г) эртақ, д) кесатиш.  
 20. а) аорта, б) вена, в) юрак, г) артерия, д) капилляр.

#### Топшириқлар тўпламининг калити

1-б	5-а	9-д	13-б	17-в
2-в	6-а	10-г	14-г	18-г
3-д	7-в	11-б	15-в	19-г
4-а	8-в	12-б	16-б	20-в

Ўқувчининг ўқув материални яхши тушуниши ва ўзлаштириши тафаккурни таққослаш жараёнининг ривожланганлигига ҳам боғлиқ. Уй вазифаларини мустақил равишда муваффақиятли бажарилишида анализ, умумлаштиришдан ташқари, тафаккурни таққослаш жараёни ҳам катта аҳамиятга эга. Таққослаш предмет ва нарсалар орасидаги ўхшашликлар ва фарқларни топишни тақозо қилади. Шу сабабли педагог ўқувчида таққослаш жараёнининг қанчалик даражада ривожланганлигини ўрганиши лозим. Бунинг учун қуйидаги оддий методикалардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

### 3. ТУШУНЧАЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ

Бу методика ўқувчидаги элементар фикрлаш кўникмасининг мавжудлигини аниқлаш имконини берадиган содда методикадир. Методика таққослаш орқали берилаётган сўзлардаги ўхшашлик ва фикрларни аниқлашга йўналтирилган. Ўқувчига бир қанча таққослаш имконияти бор сўзлар берилади. Сўзлар мажмуасининг орасида таққослаш мумкин бўлмаган, яъни умумий белгига эга бўлмаганлари ҳам қўшилади. Масалан: "кўл – дарё", "дарахт – ёғоч", "ручка – қалам", "қайиқ – кўприк", "темир – суг". Ўқувчининг вазифаси берилган сўзларнинг умумий, ўхшаш томонларини ва улар нимаси билан бир – биридан фарқ қилишини кўрсатиш.

1. Топпириқ бўйича мисоллар ва унинг баёни. Топпириқлар савол характеридаги гаплардан иборат. Уларнинг ҳар бирида биттадан сўз етишмайди. Сиз тавсия этилган бош сўздан берилган гапга мос келадиганнинг тагини чизишингиз керак. Фақат битта сўзнинг тагига чизилади.

Мисол.

Мазмун жиҳатдан "биография" сўзи билан қайси сўз бир хил?

а) тасодиф, б) қаҳрамонлик, в) таржимаи ҳол, г) китоб, д) ёзувчи.

Бу ерда "таржимаи ҳол" сўзи тўғри ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг тагига чизилади.

Яна мисол.

"саабий" сўзига қайси сўз тескари (зида)?

а) муваффақатсиз, б) баҳоли, в) муҳим, г) тасодифий, д) ижобий.

Бу ўринда тўғри жавоб "ижобий" сўзи булгани учун унинг тагига чизилади.

1 "а" топпириқлар тўлами?

1. Исм ва шарифнинг бош ҳарфлари нима дейилади?

а) тўғри, б) инициал, в) дасхат, г) индекс, д) анаграмма.

2. Инсонпарвар дегани бу:

а) жамоатчи, б) одамийлик, в) юксак касби, г) тажовузкорлик, д) калондимоғлик.

3. Табиат ва жамият ҳақидаги қарашлар тизими нима дейилади?

а) орзу, б) баҳолаш, в) дунёқараш, г) савия, д) иллюзия (алданиш)

4. Мазмун жиҳатдан "демократия" сўзи билан қайси сўз бир хил.

а) бош — бошдоқлик, б) якка ҳокимиятчилик, в) халқ ҳокимияти, г) сулола, д) синфлар.

5. Энг яхши ҳайвон зоти ва ўсимликлар навини яратадиган фан нима дейилади?

а) бионика, б) химия, в) селекция, г) ботаника, д) физиология.

6. Китоб, маъруза, нутқни қисқача баён этиш, ёзиб олиш нима дейилади?

а) абзац, б) цитата, в) руқн, г) парча, д) конспект.

7. Ўқимишли, чуқур ва кенг билимли нима дейилади?

а) эиёлилик, б) тажрибалилик, в) билимдонлик, г) талантлик, д) ўзини ақлли ҳисоблаш.

8. Борликқа қизиқишнинг йўқлиги унга аралашмаслик нима дейилади?

а) мулоҳазакорлик, б) сустанк, в) киборлик, г) зидлик, д) шавқатсизлик.

9. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг бирон — бир соҳасига тааллуқли қонулар мажмуаси нима дейилади?

а) революция, б) қарор, в) традиция, г) кодекс, д) лойиҳа.

10. "Иккиюзламачи" тушунчасига қарама — қарши бўлган сўз бу:

а) самимийлик, б) зид, в) сохта, г) хушмуомала, д) қатъиятчи.

11. Агар баҳс бир — бирига ён бериш билан тутаса, уни нима дейилади?

а) компромисс, б) мулоқот, в) бирлашиш, г) музокара, д) зид фикр.

12. Ижтимоий онгда руҳий ҳодисани акс этилиши нима?

а) психика, б) ахлоқ, в) табиат, г) жамият, д) санъат.

13. "Бирдай" тушунчасига қайси сўз тесқари?

а) бир хил, б) ягона, в) салобатли, г) ҳар хил, д) ажратилган.

14. Қарамликдан, хурофотдан қутилиш, ҳуқуқга тенглашиш нима дейилади?

а) қонун, б) муҳожирлик, в) маслак, г) ҳаракат, д) озодлик.

15. "Оппозиция" дегани:

а) қарши ҳаракат, б) келишиш, в) фақр, г) сиёсат, д) қарор.

16. "Цивилизация" дегани бу:

а) формация, б) ибтидоий, в) ишлаб чиқариш, г) маданият, д) мулоқот.

17. Мазмун жиҳатдан етакчилик сўзи билан қайси сўз бир хил?

а) ихтиро қилиш, б) ғоя, в) танлаш, г) биринчилик, д) раҳбарлик.

18. Коалиция дегани бу:

а) рақобат, б) сиёсат, в) душманлик, г) муносабатни узиш, д) бирлашиш.

19. Мазмун жиҳатдан "альтуризм" сўзи (бошқаларга ғамхўрлик кўрсатувчи киши)

а) инсонпарварлик, б) ўзаро алоқа, в) ҳушмуомалалик, г) худбинлик, д) одоблилик.

20. Тараққиётга ишончсизлилик билан қарайдиган одам нима дейилади?

а) демократик, б) радикал, в) консерватив, г) либерал, д) анархист.

### 1-топшириқлар тўпламининг калити

1-б	6-д	11-а	16-г
2-б	7-в	12-б	17-д
3-в	8-б	13-г	18-д
4-в	9-г	14-д	19-а
5-в	10-а	15-а	20-в

### 2-топшириқ мисоллар ва унинг баёни

Бланканинг чап томонида турган сўзга тавсия этилган тўртта сўздан мазмун жиҳатдан мос келадиганини, яъни синоним сўзини топинг. Унинг тагига чизиқингиз керак. Фақат битта сўзни танаши мумкин.

Мисол.

Аср — а) тарих, б) юз йиллик, в) воқеа, г) жараён.

Тўғри жавоб "юз йиллик". Шунинг учун унинг тагига чизилади.

Яна мисол.

Олдиндан айтиш — топшириқлар тўплами.

1. Прогрессив — а) зукко, б) илғор, в) чаққон, г) қониқтириш.

2. Аннуляция а) имзолаш, б) бекор қилиш, в) хабар (аннуляция) г) кечиктириш.

3. Идеал — а) фантазия, б) келажак, в) донолик, г) мукаммаллик.

4. Аргумент — а) далил, б) келишиб олиш, в) баҳс, г) жумла.

5. Миф — а) ибтидо, б) ижод, в) ривоят, г) фан.

6. Аморал — а) барқарор, б) мураккаб, в) ёқимсиз, г) ахлоқсиз.

7. Анализ — а) фактлар, б) таҳлил, в) танқид, г) маҳорат.

8. Эталон — а) нусха, б) шакл, в) асос, г) намуна.

9. Сферик — а) узунчоқ, б) шарга ўхшаш, в) бўм — бўш, г) ҳажмий.

10. Социал – а) ёқимли, б) озода, в) режалаштирилган, г) ижтимоий.

11. Гравитация – а) тортиш, б) итариш, в) вазнсизлик, г) кўтариш.

12. Сентиментал – а) шоирона, б) таъсирчан, в) қувноқлик, г) галати.

13. Экспорт – а) сотиш, б) товарлар, в) четта чиқариш, в) савдо.

14. Самарадорли а) зарур, б) таъсирли, в) қатъиятли, г) ўткир.

15. Одоб – а) этика, б) тараққиёт, в) қобилият, г) ҳуқуқ.

16. Модификациялаш – а) ишлаш, б) кузатиш, в) ўрганиш,

г) ўзгартириш.

17. Радикал – а) табдан, б) жавобан, в) охири, г) қолақ.

18. Негатив – а) муваффақиятсиз, б) ёлгон, в) салбий, г) эҳтиётсиз.

19. Субъектив – а) амалий, б) иқтисодий, в) шахсий, г) яширин.

20. Аграр – а) маҳаллий, б) хўжалик, в) шахсий, г) деҳқонларга оид.

#### 2- топшириқлар тўпламининг калити

1-б            6-г            11-а            16-г

2-б            7-б            12-б            17-а

3-г            8-г            13-в            18-в

4-в            9-б            14-б            19-в

5-в            10-г            15-г            20-в

#### 3- топшириқлар бўйича мисоллар ва унинг баёни

Сизга учта сўз тавсия этилади. Биринчи ва иккинчи сўз ўртасида маълум боғланиш мавжуд. Учинчи сўз билан тавсия этилаётган беш сўзнинг биттасида ҳам худди шундай боғланиш мавжуд. Ана шу сўзнинг тагини чизишингиз керак.

Мисол. Қўшиқ – : композитор – самолёт.

а) аэропорт, б) учини, в) конструктор, г) ёқилги, д) истеъмолчи.

Тўғри жавоб “конструктор” сўзи. Шунинг учун шу сўзнинг тагига чизилади.

11 Кейинги мисол.

Яхшилик: ёмонлик — кун?

а) куёш, б) тун, в) ҳафта, г) чоршанба, д) кеча — кундуз.

Бу ерда тўғри жавоб "тун" бўлиб, шу боис унинг тагига чизилади.

3 "а" — тошшириқлар тўплами.

1. Феъл: тусламоқ — от?

а) ўзгартирмоқ, б) яратмоқ, в) қўлланмоқ, г) турламоқ, д) ёзма.

2. Совуқ: иссиқ — ҳаракат?

а) инерция, б) осойишталик, в) молекула, г) ҳаво, д) ўзаро таъсир.

3. Колумб: саёҳат — zilzila?

а) кашшов, б) тоғларни ҳосил бўлиши, в) вулканининг отилиши, г) қурбонлар, д) табиий ҳодиса.

4. Қўшилувчи: йиғинди — кўнвайтирувчилар?

а) фарқи, б) бўлувчи, в) кўпайтма, г) рақам.

5. Қолдиқлар: буржуазия — қуллар?

а) қулдорлар тизими, б) буржуазия, в) қулдорлар, г) ёлланма ишлар, д) асирлар.

6. Қирққулоқ: споралар (қулсиз ўсимликларнинг урчиш органи) қарагай?

а) шишка, б) тунгул, в) ўсимлик, г) уруғ, д) қорақарагай.

7. Шеър: поэзия — ҳикоя?

а) китоб, б) ёзувчи, в) қисса, г) гап, д) проза.

8. Тоғлар: чўққи — иқлим?

а) рельеф, б) температура, в) табиат, г) география, д) тенглик  
е) ўсимликлар.

9. Ўсимлик: поя — ҳужайра?

а) ядро, б) хромосома, в) оқсил, г) фаерман, д) бўлиниш.

10. Войлик: камбағал — крепостной қарамлик?

а) крепостной деҳқонлар, б) шахсий эркинлик, в) тенгсизлик,  
г) ҳусусий мулк, д) феодал тизим.

11. Старт: финиш — муқаддима?

а) сарлавҳа, б) кириш, в) кульминация, г) ҳаракат, д) хотима.

12. Чақмоқ: ёруғлик — тортиқиш ҳодисаси?

а) тош, б) ҳаракат, в) оғирлик кучи, г) оғирлик, д) ер.

13. Ибтидоий жамоа тузуми: қулдорлик тизими?

а) социализм, б) капитализм, в) қулдорлик, г) давлат, д) феодализм.

14. Роман: бўлим — шеър?

а) поэма, б) қофия, в) банд, г) ритм, д) жанр.

15. Иссиқлик: тирик организм фаолияти — кислород?  
а) газ, б) сув, в) ўсимлик, г) тараққиёт, д) нафас олиш.

16. Фигура: учбурчак — моддалар ҳолати?

а) сувоқлик, б) ҳаракат, в) температура, г) сув, д) молекула.

17. Атиргул: гул — капиталистлар?

а) эксплуатация, б) ишчилар, в) капитализм, г) синф, д) фабрика.

18. Атмосфера босимининг камайиши: ёгингарчилик — антициклон?

а) очик, б) циклон, в) иқлим, г) намгарчилик, д) хизмат.

19. Тўғри бурчак: текислик! — куб?

а) бўшлиқ, б) қирра, в) баландлик, г) учбурчак, д) томонлар.

20. Уруш: ўлим — хусусий мулк?

а) феодаллар, б) капитализм, в) тадбиркорлик, г) қуллар, д) крепостной деҳқонлар.

21. Сон: миқдор — феъъл?

а) юрмоқ, б) ҳаракат, в) сифатдош, г) нутқ, бўлаги, д) тусламоқ.

22. Шимол: жануб ёгингарчилик?

а) саҳро, б) қутб, в) ёмғир, г) қурғоқчилик, д) иқлим.

23. Диаметр: радиус — доира?

а) ёй, б) сегмент, в) бўлак, г) чизик, д) айлана.

24. Эпителий: (организм сиртидан қоплаб турувчи тўдима): — сорта?

а) юрак, б) ички орган, в) артерия, г) вена, д) қон.

25. Болға: қоқиш — генератор?

а) боғланиш, б) ишлаб чиқариш, в) уламоқ, г) ўзгартирамоқ, д) иситиш.

3 "а" — топшириқлар тўпламининг каанти

1-г            6-г            11-а            16-а            21-б

2-б            7-а            12-в            17-г            22-г

3-а            8-б            13-а            18-а            23-а

4-в            9-а            14-в            19-а            24-в

5-а            10-б            15-а            20-в            25-б

5-топшириқ бўйича мисоллар ва унинг баёни

Сизга иккита сўз тавсия этилади. Улар ўртасида қандай умумийлик борлигини аниқлаш керак. Ҳар бир мисолда умумий

сўзларнинг энг муҳим умумий белгиларини топишга ҳаракат қилинг. Берилган жуфт сўзларнинг ёнига ўзингизнинг жавобингизни ёзинг.

#### **Мисол**

Қорақарагай – қарагай.

Тўғри жавоб “игнабаргли дарахтлар” бўлади. Шу сўзни берилган жуфт сўзлар ёнига ёзиш керак.

#### **Кейинги мисол**

Ёмғир – дўл.

Тўғри жавоб “ёғингарчилик бўлади.” Шу сўзни ёзиш керак.

#### **5“а” – топшириқлар тўплами**

- 1.Осиё – Африка.
- 2.Ботаника – Зоология.
- 3.Феодализм – Капитализм.
- 4.Эртак – Достон.
- 5.Газ – суюқлик.
- 6.Юрак – артерия.
- 7.Копенгаген – Магапура.
- 8.Атом – молекула.
- 9.Ёғлар – оқсиллар.
- 10.Фан – санъат.
- 11.Барқарорлик – мардлик.
- 12.Ампер – вольт.
- 13.Канал – сув омбори.
- 14.Мазаика – (бут) Икона.
- 15.Булутли – ёғингарчилик.
- 16.Йиғинди – асар.
- 17.Кесатик – таъриф.
- 18.Классицизм – реализм.
- 19.Цунами – бўрон.

#### **5“а” – топшириқлар тўпламининг калити**

- 1.Осиё – Африка, қитъа.
- 2.Ботаника – Зоология. Тирик табиат ҳақидаги фан, «биология».
- 3.Феодализм – Капитализм, тузум.
- 4.Эртак – достон. Халқ оғзаки ижоди, адабиётшунослик.
- 5.Газ – суюқлик, модда.
- 6.Юрак – артерия. Қон айланиш органлари.
- 7.Копенгаген – Магапура. пойтахтлар.
- 8.Атом – молекула, зарра.
- 9.Ёғлар – оқсиллар. Органик моддалар.
- 10.Фан – санъат, маданият.

11. Барқарорлик — мардик. Хусусият.
12. Ампер — Вольт. электр ўлчами.
13. Канал — сув омбори. Сув ҳавзаси
14. Мозайка — икона. Тасвирий санъат
15. Булутга ёғингарчилик. иқлим.
16. Йиғинди — асар математик фазолият натижаси.
17. Кесатиқ — таъриф тақдослаш.
18. Классицизм — реализм. давр.
19. Цунами — бўрон. табиий офатлар.

#### 6-топшириқлар бўйича мисоллар ва унинг баёни

Сизга маълум қойдаларга кўра тартиб билан берилган қатор рақамларни тавсия қиламиз. Сизнинг вазифангиз, мазкур қаторнинг давоми бўладиган рақамни аниқлаб, уни ёзишингиз керак. Айрим топшириқлардаги ёзилиш тартиб қойдасини топишингиз учун кўпайтириш, бўлиш ва бошқа амаллардан фойдаланишингизга тўғри келади.

#### Мисол

2, 4, 6, 8, 10 . . .

Бу қатордаги ҳар бир рақам олдингисидан 2 га ортиқ. Шунинг учун кейинги рақам 12 бўлади. Уни ёзиш керак.

#### Кейинги мисол

9, 7, 10, 8, 11, 9, 12 . . .

Бу қаторда навбати билан икки айирilib, 3 қўшилади. Кейинги рақам 10 бўлиши керак. Уни ёзишингиз зарур.

#### 6 "а" — топшириқлар тўплами

1! 6	9	12	15	18	21
2! 9	1	7	1	5	1
3! 2	3	5	6	8	9
4! 10	12	9	11	8	10
5! 1	3	6	8	16	18
6! 3	4	6	9	13	18
7! 15	13	16	12	17	11
8! 1	2	4	8	16	32
9! 11	2	5	10	17	26
10! 1	4	9	16	25	36
11! 1	2	6	15	31	56
12! 31	24	18	13	9	6
13! 17	171	57	54	18	15
14! 54	19	18	14	6	9
15! 301	294	49	44	11	8

## 6"а"—топшириқлар тўпламининг калити

- 1 ! 24 — бунда сонлар кетма кетликда ҳар бир сон бошланғич сонга 3 сонини қўшиш билан ортиб боради
- 2 ! 3 — бу кетма — кетликда бошланғич сондан ундан олдинги жуфт сонини айриб ва бу жуфт сонга олдинги жуфт сон қўшилади.
- 3 ! 11 — бу сонлар кетма — кетликда сонга аввал 1 қўшилади, кейин ҳосил бўлган сонга 2 қўшилади.
- 4 ! 7 — бу кетма — кетликда аввал 2 сони қўшилади ва ҳосил бўлган сондан 3 сони айрилади.
- 5 ! 36 — бу сонлар кетма — кетликда аввал бошланғич сонга 2 қўшилади ва чиққан натижага 2 кўпайтирилади.
- 6 ! 24 — бу сонлар кетма — кетликда бошланғич сондан бошлаб, аввал 1, кейин 2 ва ҳоказо кетма — кетликда сонлар қўшилади.
- 7 ! 18 — бу сонлар кетма — кетликда жуфт сонлар кетма — кетлиги айрилиб тоқ сонлар қўшилиб боради.
- 8 ! 64 — бу сонлар кетма — кетликда ҳар бир сон 2 га кўпайтирилиб бормоқда.
- 9 ! 37 — бу сонлар кетма — кетликда ҳар бир сонга кейинги тоқ сон навбатма — навбат қўшилиб бормоқда.
- 10 ! 49 — Аввал 3. Кейин 5, 7, 9 . . . тоқ сонлар навбатма — навбат қўшилади.
- 11 ! 92 — Аввал  $1^2$  кейин  $2^2$  ва  $3^2$  навбатма — навбат сонларнинг квадрати қўшилади.
- 12 ! 4 — бу сонлар кетма — кетликда аввал 7 кейин 6, кейин 5, 4, 3, 2, 1 сонлари кетма — кет айрилиб бормоқда.
- 13 ! 5 — Аввал 3 сони айрилиб, чиққан натижа 3 га бўлинади ва шундай давом этади.
- 14 ! 2 — интерпретация Сизга ҳавола қилинди.
- 15 ! 4 — бу кетма — кетликда 7 тоқ сони айрилиб 6 жуфт сонга бўлинади, кейин 5 айрилиб, кейин 4 га бўлинади.

Ўқувчининг мантикий фикрлаши ва таққослашнинг ўрганиш учун эса қуйидаги "Мураккаб аналогия" методикаси қўлланилади.

### Назорат саволлари:

1. Ўқувчининг таълим олишга бўлган қобилиятини ва ўзлаштиришининг дастлаги сабабларини ва улар орасидаги боғлиқликларни қандай ўрганилади?

а) ақлий ривожланиш даражасини аниқлашда нималарга эътибор бериш лозим.

б) тафаккурнинг аналитик – синтетик хусусиятларини таҳлил қилишда ортиқча предметни топиш ёки олиб ташлаш методи.

в) ортиқча тушунчани топиш ва тушунчаларни таққослаш ва ҳоказо методлар.

### 4. МУРАККАБ АНАЛОГИЯ

Бу методика нарсалар ва ҳодисалар орасидаги мураккаб мантиқий боғланишлар ва муносабатларни тушуниш даражасини аниқлашга йўналтирилган. Методикада бир – бири билан маълум муносабатда бўлган сўзлар жуфтлиги қўлланилади. Масалан: "ёруғлик – қоронғулик", "қўрқиш – қочиш", "душман – рақиб" ва ҳоказолар. Барча вазифалар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ – мисол тариқасида жуфтликлар. Иккинчи гуруҳ эса – текширилувчи баҳолаши лозим бўлган жуфтликлардан иборатдир, улар биринчи гуруҳдаги жуфтликлардаги муносабатларни ўзида акс эттиради. Иш қуйидаги тартибда олиб борилади:

Иш бошида экспериментатор (педагог) ўқувчи билан биргаликда биринчи гуруҳдаги жуфтликлар орасидаги боғланишларни таҳлил қиладилар. Масалан: "ёруғлик – қоронғулик" – қарама – қарши тушунчалар, "қўрқиш – қочиш" – сабаб оқибат боғланишига эга, "душман – рақиб" – синонимлар ва ҳ.к. Вазифа тушунарли бўлгач, ўқувчига иккинчи гуруҳ жуфтликлар берилди. Ўқувчи берилган иккинчи жуфтликлар биринчи гуруҳдаги жуфтликларнинг қайси бирига мос келишини кўрсатиш ва тушунтириши лозим. Масалан: "иссиқ – совуқ", "яхши – ёмон", "узун – кафта" қарама – қаршилиқ хусусиятига эга жуфтликлар бўлиб, "ёруғлик – қоронғулик" жуфтлигига мос келади, "душман – рақиб" жуфтлигига эса "жуфт – иккита" кабилар киради. Агар текширилувчи вазифаларни қийналмай еча олса, у нарса ва ҳодисалар орасидаги мураккаб боғланишларни топа олади.

### 5. ОДДИЙ АНАЛОГИЯ

Методика олдиндан берилган (кўрсатилган) фикрлаш усулидан фойдаланиб тушунчалар орасидаги мантиқий боғланишларни топишга йўналтирилган.

Методика қуйдаги тоифадаги вазифалардан иборат бўлиши мумкин:

электр токи

буг

сим

қозон, боғланиш, сув, қувур, қайнаш

Текширилувчи чапта берилган тушунчалар орасидаги боғланишни топиши ва шу асосда ўнг томонда, юқори қаторда берилган тушунчага наstdан мос келадиганини топиши лозим.

Бизнинг мисолимизда вазифанинг тўғри ечими қуйдаги кўринишга эга бўлади;

электр токи

буг

сим

қувур

Қуйдаги методиканинг намунасини келтирамыз.

Текширилувчига кўрсатма: Чап томонда иккита сўз берилган – қулоқ ва эшитмоқ. Бу сўзлар орасида қандай боғлиқлик бор. Эшитмоқ – қулоқнинг асосий функцияси. Энди ўнг томондаги қаторга қаранг. Чизиқнинг устида битта сўз бор (тиш), остида эса бешта сўз берилган. Сизнинг вазифангиз шу берилган бешта сўздан шундайини таянганки, бу сўз “эшитмоқ” сўзи “қулоқ” сўзи билан қандай боғланишда бўлса “тиш” сўзи билан шундай боғланишда бўлсин, яъни тишнинг асосий функциясини кўрсатсин. Тўғри жавоб “чайнаш”. Кейинги вазифалар ечишда ҳам худди шу тартибда чапта берилган жуфтликларни таҳлил қилинг ва топилган қонуният (боғланиш) асосида ўнгда берилган вазифаларнинг ечинг.

Вазифа	Жавоб	Тушунтириш
Қулоқ	Тиш	Эшитмоқ – қулоқнинг асосий функцияси, чайнаш – тишнинг.
Эшитмоқ	Кўриш, даволаш, чайнаш, оғриш, оғиз	
Газлама	Ёроч	
Қайчи	стол, ўсимлик, арра, ўрмон, кесинч	
От	Сигир	

тойчоқ	ўтлоқ, шох, сут, бузоқ пишлоқ
Мақтаб	Касалхона
ўқитиш	доктор, ўқувчи, касал, ташкilot, даволаш
Ашула	Сурат
кар	рассом, чўлоқ, кўр, расм, гузаллик
Ўсимлик	Қуш
уруф	дон, булбул, сайраш, тухум, қанот

Бу методиканинг асосий хусусиятааридан бири, у ўқувчи олдидан эгаллаган билимини амалда, ўқув жараёнида қўллай олишини диагностика қилиш имконини беради. Ўқуш жараёнида баъзи ўқувчилар бир хил турдаги ечимга эга бўлган масалаларни яхши еча оладилар, аммо масаланинг шартда, ечимда бироз ўзгариш бўлса олдинги олган билим ва ечиш усулларини янгисига кўчира олмайдилар ва масалани ечишда қийналадилар. Педагог ўқувчининг тафаккуридаги бундай бир томонликни, стереотип фикрлашини билган ҳолда, турли вазифалар бериши, масала шартини, ечиш усуллари ўзгартириб олган билимлардан турли шароитларда, турли тоифадаги масалаларни ечишда фойдаланишга ўргатиши лозим. Юқорида берилган методикада тафаккур жараёни (фасоляти) қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) ўқувчи чақда берилган икки тушунча орасидаги мантиқий боғланишни англайди;

2) ўнгда берилган вазифани орттирилган тажриба, очилган боғланиш асосида таҳлил қилиш ва шу мантиқий боғланишга эга бўлган жуфтликни ажратиш;

3) танланган жавобни исбот ва далиллар билан тушунтириш.

Охириги босқич ўқувчи қанчалик вазифани тушуниб еганини кўрсатади, бу жараён тафаккурини ва нутқини ривожлантиришга хизмат қилади.

## 6. ЎҚУВЧИНИНГ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИДАГИ МУҲИМ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРНИ АЖРАТА ОЛИШИ

Ўқувчининг ўқув материалдаги муҳим ва асосий белгиларни ажрата олиш малакаси қуйидаги усул ёрдамида аниқланади:

Текширилувчига маълум сўзлар қатори берилади, масалан:

ШАХАР (автомобил, бино, одам, кўча, велосипед);

КУБ (бурчаклар, чизма, томонлар, тош, ёғоч);

БЎЛИШ (синф, бўлинувчи, қалам, бўлувчи, қоғоз);

ЎЙИН (ўйинчилар, жарима, қонда, жазо, ўйингоҳ).

Ўқувчининг вазифаси қавс ичида берилган бешта сўزلардан қавс ташқарисидаги катта ҳарфлар билан ёзилган тушунчанинг энг муҳим, ажралмас хусусиятини ақс эттирувчи иккитасини топишдан иборатдир.

## 7. ЎҚУВЧИНИНГ ЎҚУВ МАЛАКАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ўқувчиларнинг ўқув малакаларини ўрганиш қуйидаги усуллардан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин:

а) "Ўқув материалга сарлавҳа қўйиш ва асосий маъносини қисқача тушунтириб бериш;

б) "Матнни ўрганиб унга режа тузиш";

в) "Оғзаки жавоб режасини яратиш";

г) "Аниқ меҳнат фаолиятини режалаштириш".

Биз юқорида тўхталиб ўтган барча методикалар бир – бирини тўлдирувчи методикалар бўлиб, уларни кетма – кет ёки алмаштирган ҳолда қўллаб борилса, улар бир вақтнинг ўзида ҳам диагностик инструмент, ҳам ўқувчининг тафаккурини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

### Назорат саволлари:

1. Мураккаб мантиқий борланишлар ва муносабатларни тушуниш даражасини аниқлашга нималар киради?

2. Оддий аналогия нима?

3. Оддий ва мураккаб аналогия методда тафаккур жараёнининг асосан қайси босқичлари амалга оширилади?

**"ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИКА  
ҚИЛИШ УСУЛАРИ"**  
**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИКА  
ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

Мактаб таълим жараёнини психодиагностика қилиш у ерда таълим олаётган болалар ва ўсмирларнинг ривожланиши, билим даражаси, ақлий қобилиятлари, шахсий хусусиятлари ва ҳ.к.лар ҳақида уларнинг ижтимоий нормаларга мос келиш – келмаслиги ҳақида бирмунча тўлароқ хулосалар чиқаришга ва шу хулосалар ёрдамида ёш даврлар турли гуруҳларнинг таълим ва тарбия жараёнини керакли оқимга йўналтириш имконини беради. Олинган психологик маълумотлар педагогик жараённинг самарали бўлишига олиб келади. Психодиагностик методларни қўллаш, маълумки, алоҳида психологик тайёргарликни тақозо этади. Лекин баъзи ҳолларда уларни махсус тайёргарликдан ўтган педагоглар томонидан ҳам қўлланиши мумкин. Психологлар ва педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги мактаб амалиётидаги психодиагностик муаммоларнинг тез ва юқори малакада тадқиқ этилишига имкон яратади.

Мактаб педагогик, психологик диагностикасида қуйидаги масалаларни асосийлари сифатида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

а) болалар ва ўсмирлар ривожланиши, йўналиши ва даражасини баҳолаш, уларнинг ўқув дастурларини ўзлаштиришлари ва тарбиясига йўналгандир.

б) педагог ва психологларни мактабдаги психодиагностик фаолиятлари бутунлигича педагогик жараёнга йўналган бўлмоғи лозим ва у жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган аълосини тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган бўлиши керак;

в) психолог ва педагогларнинг биринчи вазифаси ўқувчилар ривожланишининг констант даражасини тадқиқ қилиш бўлибгина қолмай, ўқувчилар ёки синф жамоалари ҳақида турли психологик маълумотлар олинмоғи керакки, буларга кўра ривожланишга тўртки берувчи педагогик ташкилий ишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Таълим жараёнининг анализи психологик диагностика йўналишларини аниқлаб беради. Биз психологик диагностика қўлланиши лозим бўлган тўртта асосий муаммони ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

## ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ДИАГНОСТИКАСИ

Маълум бир предметдан дарс берувчи ўқитувчи ўқув жараёнини доимо режалаштириб, амалга ошириб ва баҳолаб турмоғи лозим. Алоҳида ўқувчиларнинг у ёки бу предметта бўлган қизиқишлари, синфдаги таълим олишга нисбатан шарт-шароитлар, йўналиши, интилишлари ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж сезади. Мана шу маълумотларга эга бўлмай туриб, дифференциаллашган педагогик жараёни танқиллаштира олмайди. Бу талаблар таълим жараёни самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу масalani Г.Вицлак ўқув стратегиясининг диагноз модели (К.Каунер ва Д.Рутенберг) ва ўзлаштиришнинг диагностика контрол модели билан (Г. Шальц) ҳал қилишни таклиф этади.

### ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ

Синф раҳбари вақти-вақти билан ўқувчиларнинг ривожланганлик даражасини баҳолаб турмоғи лозим. Ҳар ўқув йилининг охирида ўқувчиларга умумий ёзма баҳолар тузиб чиқади ва уларга бир мактабдан иккинчисига ўтишда характеристикалар тузади. Бунда педагог психологнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Шунингдек, кўп сонли болалар мавжудки, уларни ривожланишнинг турли босқичларида психологик диагностика қилиш лозим бўлади. Масалан, мактабга қабул қилишда ёки кейинги таълим йўналишини танлашда ва ҳоказо.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни таҳлил қилиш учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз. Собиқ ГДР қонунларида шундай дейилади: «Мажбурий таълим (10 йил) 1 сентябрдан 31 майгача 6 ёшга тўлган болалардан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, демак, мактабга бориши лозим бўлган бола 6,3 (6 ёш 3 ой) дан 7,3 (7 ёш 3 ой) оралиқдаги ёшдадир. "Истисно ҳолатларда мактабга бориши лозим бўлган болалар ўзининг жисмоний ва ақлий ривожланиши билан таълим олишга қодир бўлмасалар ва мактабга қабул қилинмасалар, уларнинг ривожланиши учун алоҳида педагогик усуллар тайинланади. Кучли ривожланган болалар мактабга бир йил олдин қабул қилиниши мумкин, бу ерда 1-сентябргача фақат 6 ёшга тўлган (31 майдан ) кейин) болалар назарда тутилмоқда. Боланинг мактабга қабул қилинмаслиги ҳақида қарор махсус тиббиёт экспертизаси ва руҳий ривожланиш даражасининг чуқур таҳлили асосланмоғи лозим. Психик ривожланишни аниқлаш бевосита

махсус методикалар ёрдамсиз амалга ошмайди. Шу сабабли собиқ ГДР да мактабга тайёргарликни текширувчи кўплаб методикалар ишлаб чиқилган эди. Болаларни махсус мактабларга йўллаш (олдидан) психодиагностик текширув асосида бўлади. Бу ҳолат уларга кейинги ривожланишларида индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда максимал шарт—шароитлар яратиш имконини беради.

Психодиагностик методларни яратиш ва қўллаш қобилиятли болаларни махсус мактабларга қабул қилиш, Олий ва ўрта ҳунар таълим ўқув масканларига қабул қилиш муаммоларини ечишга ёрдам беради.

### **РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА ҚОЛИШНИНГ ТУРАИ ШАКАЛ ДИАГНОСТИКАСИ ВА УЛАРНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

Биз 2 турли ортда қолишни фарқлаймиз: нерв системасининг органик бузилиши натижасида ортда қолиш; (уларга клиник — психологик ва тиббий диагностика ва терапия лозим бўлади) ҳамда вақтинча ортда қолиш ва ноадекват хатти — ҳаракат (улар асосан соғлом болаларда ривожланишнинг номутаносиб ички ва ташқи шарт — шароитлар асосида юзага келадилар).

Психодиагностика нуқтаи назарига кўра, бу ерда иккита масалани ҳал қилмоқ лозим;

а) ортда қолишни бартараф этиш мақсадида уни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи номутаносиблик шарт — шароитларини ўз вақтида диагноз қилиш;

б) кўрилган чораларга қарамай, ноадекват хатти — ҳаракатни сақлаб қолишга бўлган тенденция устувланқ қилувчи ўқувчиларга, педагогик чоралар кўриш мақсадидаги диагностика;

Коррекцион чоралар кўриш учун асосий шарт — шароит ноадекват хатти — ҳаракатнинг туб сабабларини психодиагностик очиб бериш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида ўзгаришларни ўрганиш учун психодиагностик методлар ишлаб чиқишмоғи лозим.

### **ЎҚУВ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

Педагогик жараёни бошқариш, ўқув дастурини амалга оширилиши ва ўзлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилади. Бу хил маълумотлар мактаб директорига, методистларга, ўқув жараёнини бошқараётган педагогларга жуда зарурдир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини таққослаш имконини берувчи стандартлашган усулларни қўллаш психологлар ва педагоглар биргаликда очиши муҳим бўлган масалалардир.

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Таълим жараёнининг психодиагностикаси юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини, интилишларини, қизиқишларини, интеллект коэффициентини аниқ – лашга ёрдам берар экан, бу ўз навбатида у ёки бу жараённи сифатли, ишончли ҳамда мураккаб методикалардан фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчилар ҳақида максимал даражада аниқ маълумотларни олиш учун тадқиқот методикаларига бир қатор талаблар қўйилади. Қуйида биз ана шу талаблар ҳақида фикр юритамиз.

### **1. Текширув объектини аниқлаш**

Психологик, педагогик талаблардан келиб чиққан ҳолда қандай психодиагностик маълумотлар олинишини аниқ белгилаш мумкин. Диагностик методларни ишлаб чиқаришдаги кўпгина камчиликлар диагностика предметининг етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги натижаси сифатида тушунтирилади.

### **2. Текширув методини аниқлаш**

Диагностика қилувчи хусусият аниқлангандан сўнг, шундай фаолият турларини танлаш лозимки, булар текшириладиган хусусият ҳақида маълумотлар бериш имконини берсин.

### **3. Методни таҳлил қилиш**

Диагностик методларни адекват ишлаб чиқиш учун эксперимент ўтказиш шароитларини ва унинг натижалари таҳлилини максимал даражада стандартлаштириш лозим бўлади. Эксперимент шартларини стандартлаштиришга қуйидагилар киради:

Экспериментни ўтказиш, асосан инструкция, масала, тездаштириш жараёнининг тасвири.

Маълумотларни қайд қилиш, яъни эксперимент давомида унинг бориши ва натижаларини протоколаштириш ва қайд қилиш.

Маълумотларни таҳлил қилиш, масалан, вербал маълумотларни классификациялаш ёки ўлчов натижаларини солиштириш.

Маълумотларни синтез қилиш, маълумки, қайд қилинган дастлабки маълумотларда фақат ноаниқ психодиагностик ахборотларни олиш мумкин. Психометрик жараёнлар ёрдамида уларни бирлаштириш, гуруҳлаштириш лозимки, улар ёрдамида психодиагностик нуқтани назарга кўра, уларни интерпретация қилиш мумкин бўлсин.

#### 4. Маълумотлар интерпретацияси

Метод асосида ётувчи назарий концепция асосида психодиагностик маълумотларни таҳлил қилиш ётади.

#### 5. Методнинг сифатлилик мезонларини аниқлаш

Диагностик маълумотларнинг ишончлилиги ва сифати маълум даражада текширув методи сифатига боғлиқ бўлади. Улар мос келувчи техник текширув ёрдамида, аввало, коррекцион статистик методлар ёрдамида аниқланади. Методларнинг бир мунча асосий мезонлари ҳақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Методнинг объективлиги, яъни олинган маълумотлар ва уларнинг психодиагностик интерпретациясини экспериментаторга боғлиқ эмаслиги.

Г.Видлак қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: тест ўтказишнинг объективлиги, таҳлилнинг объективлиги, олинган маълумотлар интерпретациясининг объективлиги. Маълумки, турли эксперименторлар бир – биридан мустақил ҳолатда айни психологик метод билан, бир хил экспериментал шароитда фойдаланадилар. Олинган натижалар солиштирилиб методнинг объективлик коэффициенти чиқарилади. Аммо методнинг объективлигини амалий жиҳатдан текширишда бир мунча қийинчиликлар вужудга келади, чунки бир хил экспериментал шароитларни вужудга келтириш жуда қийиндир.

Методнинг валидлиги – психодиагностик методнинг натижалари айни ўрганилаётган объект хусусиятларига мос келишидир. Валидлик тушунчасининг ишончлилиги тушунчасидан фарқини ўрганилаётган тадқиқотнинг "объекти" ва "предмети" тафовутини ажратиш билан тушунтириш қулайдир. Ишончлилиги – бу жараённинг объектларга нисбатан барқарорлигидир. Ишончлилиги ҳар доим ҳам валидликни ифодаламайди. Кўпгина психологлар шундай хатога йўл қўйишадикки, улар, аввало, текширишнинг маълум бир процедурасини таклиф этиб, объектларни барқарор фарқ қила олишга бўлган ишончлилиги кўрсатилади – ю, аммо валидлик ҳақидаги масала очиқ қолаверади. Агар сенсор психофизикада

ўрганилаётган сезги хусусиятлари оддий жисмоний стимуллар билан бир хил детерминациялашгани учун валидлик даражаси сезиларли аҳамият касб этмаса, дифференциал психометрикада валидлик муаммосининг аҳамияти кескин ошиб кетади.

### Валидлик ишончлилиги

Бу тест валидлиги унинг ишончлилигидан ошиб кетмаслигини тушутиради (А.Г.Шмельев "Основи психодиагностики").

Маълумки, валидликнинг бир нечта турлари мавжуд. Мактаб психодиагностикасида улар ўқув предметни ўзлаштиришга бўлган муваффақиятни текширишда тест масалаларининг айди шу предмет хусусиятларига мос келишини синаб кўришда қўланилади.

Конструктив валидлик — уни баҳолаш тездаштириш объектини психологик аъализ қилишни тақозо этади. Яъни тест натижалари назарий ажратилган хусусиятни қай тарзда текширишни ўрганади. Масалан, ўзлаштиришнинг диагностика контролида мужассам бўлмаган индикаторлар ҳақиқатдан ҳам ўқув жараёнининг шарт-шароитларини намоён қиладими ёки йўқми ва ҳоказо.

а) Критериал валидлик — тест натижалари ёрдамида, индивиднинг бизни қизиқтираётган хатти-ҳаракат аспектининг ҳозирги вақтдаги ва келажақдаги ҳолати ҳақида ҳукм чиқариш мумкинми ёки йўқми, деган масалани аниқлаш имконини беради. Буни аниқлаш учун тест натижалари ташқи мезонлар, масалан, мактаб баҳолари билан солиштирилади ёки турли тестлар натижалари таққосланади.

в) Прогностик валидлик — бунда ташқи мезонлар сифатида ўзлаштириш ва ўқувчининг ҳуққ — атвори прогнози келиб чиқади.

Методнинг ишончлилиги — "бу текширилаётган маълум бир шахсий белги ва хатти-ҳаракат хусусиятини текширилишнинг аниқлик даражаси". Бошқача айтганда, тестнинг бир хил шароит-ларда олинган натижалари таққосланиб, ишончлилиги коэффициенти аниқланади.

Психодиагностик методнинг ишончлилиги даражаси унга шартга боғлиқдир.

- а) методнинг объективлиги;
- б) тест мисолларининг бир хиллиги;
- в) текширилаётган шахс хусусиятларининг стабиллиги.

### Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини психодиагностика қилишнинг асосий вазифалари?
2. Педагогик жараён диагностикаси?
  - а) Г.Вицлак модели.
  - б) К.Каунер ва Д.Руженберг ўзлаштиришни диагноз қилиш модели ва ҳоказо...
3. Таълим жараёнининг индивидуал хусусиятларининг диагностикаси?
4. Ривожланишда орқада қолишнинг турли формалари диагностикаси ва уларнинг коррекцияси?
5. Ўқув жараёни самарадорлигини психодиагностика қилиш?
6. Таълим жараёнини психодиагностик тадқиқ қилишга қўйилган талаблар.
7. Методларнинг сифатлилик мезонларини аниқлаш?
  - а) методнинг валиддрилиги.
  - б) валиддик, ишончлилик (А.Г.Шмельев).
  - в) конструктив валиддрилилик.
  - г) критериял валиддрилилик.
  - д) прогностик валиддрилилик.
8. Методларнинг ишончлилигини текшириш.

### Психодиагностиканинг психометрик асослари

#### Тест нормаларининг репрезентативлиги

Умуман статистик процентал шкала (ўлчам)лардан ташқари дифференциал психометрикада кўпинча фойдаланиладиган яна икки шкала (ўлчамни) ва ҳар иккисига татбиқ этувчи 2-тест нормаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар биринчидан, шартли равишда "абсолют тест нормалари" деб номлаш мумкин - ташхис чиқаришда "ҳом" очколар амалда бўлади, иккинчидан, "критериял тест нормалари" бу нормаларни татбиқ этиш икки ҳолда асосли, тўғри ўзини оқлаган ҳисобланади. 1-тестнинг "ҳом" шкаласи (ўлчами)нинг ўзи амалий аҳамиятга эга бўлганда (масалан, чет тилини ўрганаётган талаба ўрганаётган тилидан имкони борича кўпроқ сўз билиши керак ва лексик тестнинг "ҳом" кўрсаткичи амалий аҳамиятга эга бўлади). 2-критериял тест нормалари татбиқ этилаётганда: эмпирик тадқиқот натижалари тести билан аниқланган "ҳом" балл қандайдир амалий фаолиятнинг беришга натижа бериши имконияти билан боғланади ("Критериял" фаолият натижа бериш имконияти, юқорида келтирилган фикрга кўра, 30 минут давомда монологик синхрон таржима қила олиши мисол бўлиши мумкин).

Шкала (ўлчам)ни потенциал нормаллаштириш.

1. Пунктларни нормаллаштириш. Берилган пункт учун ечим (калит) нормал модель базасида аниқланади (тузатилади). Агар норматив таъланма орасида берилган топшириқни сигналнинг 10 таситина бажарса, «қийинчилик» интервали шкаласида (ўлчамда) берилган пунктка (параметрлари  $M=0$  ва  $O=1$  бўлган нормал модель қабул қилинган шароитдагина)  $+1$  қийматга мос келади, {А.Анастасийнинг график иллюстрациясига қаранг. Китоб: «Психологическое тестирование». М. 1982—181б}. Агар 75 фоиз сигналувчилар бажарса, сигма шкала (ўлчам)да пункт балли  $-0,67$  га тенг. Пунктлар бўйича баллар йиғилиши натижасида, яъни тузатилган нормаллаштириш натижасида йиғинди баллар нормал тақсимотга яқинлашадилар.

2. Йиғинди баллар тақсимотини нормаллаштириш (ёки интервал нормаллаштириш). Бу ҳолда нормал тақсимот жадвали бўйича (нормал интервал бўйича) потенциал шкала (ўлчам)дан сигма шкала (ўлчам)га ўтиш амалга оширилади: интервалликка тесқари, функциядан фойдаланилади — нормал тақсимотнинг ординатасидан абсциссага ўтиш амалга оширилади.

I—жадвалда интервал нормаллаштиришга мисол келтирамиз. X қатори хом (нормаллаштирилмаган) очколарни ифодаласин. Бу очколар тўғри жавобларни оддий санаш (тест бўйича) олинган бўлсин. P қаторда 62 та сигналиётанлар танланмасида хом баллар учраши кўп — камлигини ифодаласин. F қаторда кумулятив назарда тутати.

Шунингдек, инсон (ҳайвонот) организми биологик харак — теристикаси жузъий ўзгаришларни тадқиқ этишда нормал тақсимотнинг вужудга келиши генотип турғун фактор ва фенотип ўзгарувчан тасодифий факторлари ўзаро таъсири мавжудлиги билан боғланади, шунингдек, индивидлараро психологик ҳяма хилликнинг келиб чиқиши нормал эгри чизик ўқида индивид ўрнини гўё олдиндан белгиловчи сифатидаги генотип код билан боғланади. Амалда эса кўпинча махсус статистик мураккаб жараёнда амалий ишда эришилладиган вужудга келадиган нормал эгри чизикни ирсият механизми амал қилишга нисбатан бериш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Унга таъсир этувчи сунъий тадбирларсиз катта танлов нормал тақсимотни олишга эришган ҳолларимиз ҳам яна генетика аралашувини билдирмайди. Нормал тақсимот қонуни ҳар сафар ўлчанаётган хусусият (индивид лаёқатининг маълум бир ривожланиши даражаси шаклланиши) га бир — бирига боғлиқ бўлмаган йўналиши ва кучига кўра факторлар таъсир қилаётганда қайта намоён бўлади. Субъект ўзида ҳис қилувчи,

унинг тириклик давридаги воқелик таъсирлари тарихи худди ўзаро боғлиқ бўлмаган турли-туман воқеа ҳодисалар кетма-кетлиги кабилар: айрим факторлар ижобий, бошқалар салбий йўналиш бўйича таъсир этади. Натижада улар таъсирининг ўзаро ютиб юборилиши, йўққа чиқарилиши уларнинг муайян бир йўналишга (кўпроқ ижобий ёки салбий) эга бўлишига қараганда кўпроқ бўлади, яъни нормал тақсимот вужудга келади. Оммавий изланишлар шуни кўрсатадики, ўрта оммавий факторлардан (масалан, ота-онанинг маълумоти даражаси) бири устидан назоратнинг киритилиши нормал тақсимот эгри чизигининг табақалашувига олиб келади. Танланма эгри чизиклар бир-бирига нисбатан силжиган бўлади. Бу натижалар статистик диагностик нормаларнинг ижтимоий маданий келиб чиқишини ёрқин исботи бўлиб хизмат қилади. Шундай оммавийлик (популяция) ларни бир турли дейиш мумкинми, уларга нисбатан бир хил танланма механизми таъсир этади: Тестни вужудга келтириш (стандартлаштириш) ва уни диагностик татбиқ этиш вазиятларида. Бу ерда "нормал ихтиёрийлик" феномени каби "шахс" ларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Агар стандартизация танланмаси ўз ихтиёри билан розилик берган талабаларда шакллантирилса ва агар тестлар аралаш танланмада (маъмурий йўл билан) ўтказиш мўлжалланган бўлса, унда диагностик ҳукмларда маълум бир хатоликларга йўл қўйиш хавфидан холи бўлмайди, чунки кўнгилининг психологик портрети маъмурий мажбурлаш билан рози бўлган синалув-чиникидан фарқ қилади.

### Параметрларни ҳисоблаш ва тақсимот типларини баҳолаш методлари

Танланма тақсимотининг баёни учун, қондага кўра, қуйидаги маълум параметрлардан фойдаланилади.

1. Ўртача арифметик қиймат:

$$x = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i = \sum_{i=1}^m P_i Y_i \quad (3.1.1.)$$

$x_i$  қ синалувчи  $i$  нинг баллари.

$Y_i$  қ баллар ортиб бориши тартиби бўйича кўрсатинг.

$P_i$  қ  $i$  баллари учрашини тақрорланиш.

$n$  қ сайланмада синалувчиларнинг сони.

$m$  шкала бўлинмалари сони (баллар сони) кўпайи ёки

камайи:

$$F_i = \sum_{j=1}^i P_j$$

F қатордаги кумулятив (йинилган) баллар;

$$F'_i = F_i - \frac{1}{2} P_i$$

PR қаторда — процент даража (ранг) лари.

$$PR_i \cdot F'_i \cdot 100 F_n$$

Б қаторда жадвалларга мос келувчи потенциал даража (ранг) лардан олиниб нормаллаштирилган баллар берилган. Б — баҳолар чет эл адабиётларида Z — баҳолар, деб ҳам юритилади.

X	3	4	5	6	7	8	9	10	
P	2	18	13	8	10	6	4	1	п қ 62
F	2	20	33	41	51	57	61	62	
F'	1	11	26.5	37.0	46	54	59	61.5	
PR	1.6	17.7	42.7	59.7	74.2	87.1	95.2	99.2	W қ 100
Б	-2.1	-0.9	-0.2	0.2	0.6	1.1	1.7	2.4	M қ 0 Б қ 0

Интервал нормаллаштиришдан фойдаланишни бошлаган тадқиқотчилар дуч келувчи қийинчиликлар шундан иборатки, одатдаги статистик жадваллар психометрикага мос келган эмас; потенциал даража (ранг) ифодасини (қийматини) жадвал ичидан мос келувчи сигма — баҳони чеккасидан излаб топиш керак бўлади. Мўлжални (ориентация) енгиллаштириш учун PR мос келувчи, б ва стянга мос келувчи жадвал кўринишидан намуна келтирамиз.

### 2-жадвал.

PR	99	95	90	85	80	75	70	65	50	55	
б	2,33	1,64	1,28	1,04	0,84	0,68	0,52	0,39	0,25	0,13	
стен	10	10	9	8	8	7	6,5	6,5	6	6	
PR	50	45	40	35	30	25	20	15	10	5	1
б	0,0	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
стен	5,5	0,13	0,25	0,39	0,52	0,68	0,84	1,04	1,28	1,64	2,33
		5	5	4,5	4	4	3	3	2	1	1

Одатдаги жадвалларда империя мулоҳазасидан келиб чиқиб, маълумот фақат  $PR > 50$  ифодаси учунгина берилган  $PR < 50$  учун мос келувчи қиймати ўша жадвалларнинг ўзидан  $\delta = -\Psi^{-1}(1 - PR/100)$  ни ҳисобга олган ҳолда келтириб чиқарилади. Масалан,  $PR_{35}$  учун  $1 - PR/100 = 1 - 0,35 = 0,65$  ни топамиз, кейин жадвал бўйича,  $\Psi^{-1} = 0,39$  эканлигини аниқлаймиз ва бу ифодани манфий ишора билан оламиз  $-0,39$  натижада нормаллаштириш график методдан фойдаланиш учун қулайлик юзага келади (нормал қороз, стандарт  $S$  шаклидаги эгри чизик ва ҳ.к.)

### Нормал қонунни онтологиялаштиришнинг ноҳунунийлиги

1) Анъанавий психометрикада нормал тақсимот берилган маълумотлар билан ишлашни енгиллаштирувчи воситачи тушунча сифатида намоён бўлади. Лекин бу нормал тақсимотнинг сунъий вужудга келтирилганини ёддан чиқариш мумкин, дегани сўз эмас, албатта Ф.Гальтон асос солган Ғарб тестологияси анъаналари, психометрика ва биометрика назарий тушунчалари, тасаввурларининг ўхшашлигини, бир хиллигини ўрганади.

2) Ўртача квадрат (стандарт) оғиш:

$$S = \sqrt{\frac{\sum(x - \bar{x})^2}{n}} \approx \sqrt{\frac{\sum x^2 - (\sum x)^2/n}{n-1}}$$

$\sum x^2 - n$  синалувчилар учун тест баллари квадрати йиғиндис.

3) Асимметрия:

$$As = \frac{1}{s^3} (0 - 3c \frac{2}{x} + 2 \bar{x}^3)$$

$x$  — ўртача арифметик

$S$  — стандарт оғиш

$O$  — ўртача кублик;  $O = \sqrt[3]{\frac{1}{n} \sum x^3}$

$C$  — ўртача квадратлик;  $C = \sqrt{\frac{1}{n} \sum x^2}$

4) Эқсцесс:

$$\sum x^4 = \frac{1}{s^4} (a^4 - 4\theta^2 \bar{x} + 6c^2 \bar{x}^2 - 3\bar{x}^4) - 3$$

Q – тўртинчи даражанинг ўртача кўрсаткичи

$$Q = \sqrt[4]{\frac{1}{n} \sum x^4}$$

Ўртача арифметик (математик кутилманинг **натижаси**) стандарт хатоси қуйидаги формула орқали баҳоланади:

$$s_n = \frac{s}{\sqrt{n}}$$

Математик кутилманинг **натижаси** хатоси асосида ишончлилик интервали қурилади:

$$(\bar{x} - 2s_n, \bar{x} + 2s_n)$$

қайсидир синалувчининг тест балли агарда ишончлилик интервалининг чегарасига тўғри келиб қолса, у ҳолда синалувчи статистик маълумотнинг берилган даражаси бўйича ўлчанаётган хусусиятнинг юқори (ёки паст) кўрсаткичга эга, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бўлинма (шкала)ни стандартлаштириш психометрикада стандартлаштиришнинг икки шаклини фарқлаш лозим. Тестни стандартлаштириш деганида, биринчи навбатда инструкциялар ўтказиш, банклар, рўйхатта олиш усули, шартлари ва ҳоказолар тушунилади.

Тестларни стандартлаштиришсиз тест балларини норматив тақсимлашга, бинобарин, тестнинг нормалари бўйича тақсимотига эришиб бўлмайди.

Шкала (бўлинма)ни стандартлаштириш дейилганда, нормал (ёки сунъий нормаллаштирилган) бўлинманинг масштабини тармоқли ўзгартирилиши тушунилади. Умумий ҳолда стандартлаштириш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$Z_i = \delta \frac{x_i - \bar{x}}{S} + M \quad (3.113)$$

$x_i$  – "хом" бўлинмадаги бошланғич балл, унинг тақсимот нормаллиги тасдиқланган.

$\bar{x}$  – "хом" тақсимот бўйича ўртача арифметик қиймат.

$S$  – "хом" стандарт оғиш.

$M$  – танланган стандарт бўлинмаси бўйича математик кутилма

$\delta$  – стандарт бўлинма бўйича стандарт оғишда, агарда бўлинма олдидан интервалларни сунъий нормаллаштиришга солинган бўлса, унда формула соддалашади.

$$Z_i = \delta Z_i + M$$

энг кенг тарқалган стандарт бўлиналари параметрларини келтирамиз:

1) Маккал Т-бўлиналари (тест саволлар ММР ва бошқа тестлар):

$$M=50 \text{ ва } \delta=10$$

2) бўлиналари IQ:  $M=100$  ва  $\delta=15$

3) "стэн" бўлиналари (1 дан 9 гача бутун сонлар ифодасидаги стандарт тўққизлик);

$$M=5,0 \text{ ва } \delta=2$$

4) "стэнлар" бўлиналари (стандарт ўнлик, Кэттелнинг 16 PF):  $M=5,5$  ва  $\delta=2$

Интервалларни новербал, нормаллаштириш ва тармоқли стандартлаштириш ёрдамида олинган стандарт балларни фарқлаш учун Р.Кэттел "S-стэнлар" ва "n-стэнлар" тушунчаларини киритди. "n-стэнлар" табиийки, эмпирик нормал тақсимот критериясини аниқроқ акс эттиради. Кўргазма учун 16 PF тест саволномасидан А фактор учун шундай жадвал намунасини келтирамиз.

"Хом" очко 0-4, 5-6 7 8-9 10-12 13 14-15 16 17-18  
19-20

(стэн) 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

стандарт шкала бўлиналарини татбиқ этиш амалда тест баллари тақсимотини анча яқинлаштирилган содда усулларига мурожаат этишни тақозо қилади. Масалан, стэнларга ўтказиш билан процентал нормаллаштириш ва стэнларга ўтказиш билан тармоқли нормаллаштириш (3.1.13) формула бўйича ҳар бир V учун стандартнинг мос келувчи бутун қийматини берса, бу шунинг билдирадигани, тақсимот "стандарт ўнлик" гача аниқ нормалликка эга бўлади.

Стандарт бўлиналари (шкала) ларни татбиқ этиш турли тестлар натижаларининг ўзаро муносабатда бўлиши, тестлар батареяси бўйича "диагностик профиллар" қуриш ва шу каби мақсадлар учун зарурдир.

### Тақсимот барқарорлигини текшириш

Тақсимот барқарорлигини текшириш умумий логикий индуктив мулоҳаза юриғишга асосланади: агар "ярим" (сайланма ярми бўйича олинган) тақсимот бутун тақсимот конфигурациясини яхши моделлаштирилса (моделни ифодаласа), бу бутун тақсимот, шунингдек, бутун асосий мажмуа тақсимотини ҳам яхши моделлайди, деб таҳлил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, тақсимот барқарорлигини исботлаш тест нормаларининг репрезентативлиги исботлашни билдиради. Барқарорлигини исботлашнинг анъанавий усули эмпирик тақсимотни қандайдир назарий тақсимотга яхшироқ яқинлаштиришни тушуниб етишга олиб келади. Лекин эмпирик тақсимотга назарий тақсимоти яқинлашмаса, сайланмалар миқдорининг сезиларли ортиб боришига қарамай, умумийроқ бўлган индуктив методга муурожаат этишга тўғри келади.

Унинг энг содда варианты бутун сайланма натижалар бўйича нормаллаштирилган шкалага "ҳом" (ишланмаган) очколарни ўтказиш жадвалини олишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Кейин бу жадвали танланма ярмидаги ҳар бир синалувчига татбиқ этиш мумкин; агар танланма ярмидаги нормаллаштирилган баллар тақсимоти нормалликка яхши яқинлашса, демак, нормаллаштириш жадвалида берилган тест нормаллари барқарордир. Нормал тақсимотга яқинлик Колмогоров мезони (ўлчови) ёрдамида аниқланади ( $n < 200$  бўлганда кучлироқ мезонлар "хи - квадрат" ёки "олига - квадрат" лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир)

Бундай танланманинг "ярми", деганда тасодифий ярим тушунилади, унга синалувчилар тасодифий шаклда, усулда қабул қилинади, яъни тасодифий кетма-кетлик ёки қуръа ташлашнинг бир мазмунда ёки бир хилда эканлигини текширишнинг тургун ва анча тўғри методи яна Колмогоров мезонидан фойдаланиш билан боғлиқ. Бунинг учун жадвал маълумоти билан қуйидаги миқдор таққосланади.

$$ke = \max(F_{i1} - F_{i2}) \sqrt{n/4} \quad (3.1.15)$$

$F_{i1}$  — танланманинг биринчи ярми бўйича шкаланинг  $i$  — интервали учун йиғинди (кумулятив) нисбий частота.

$F_{i2}$  — иккинчи ярим учун шундай частота

$n$  — тўла танланма миқдори.

$Ke$  — Колмогоров статистикаси эмпирик миқдори.

Тест балларини тақсимлаш, анализ қилиш, тест нормаларини тузиш ва улар репрезентативлигини текшириш бўйича операциялар:

1. Тестни татбиқ этиш мўлжалланаётган омилидан стандарт — лаштириш айланмасини шакллантириш (қандайдир параметри бўйича тасодифий ёки бошланишга эга), ҳар бир синалувчида тестларни қисқа муддатда ўтказиш.

2. Танланган квантлаш (тенг маънолик интервали) интервалини ҳисобга олган ҳолда "ишланмаган" ("ҳом")

балларни гуруҳлаш. Интервал  $WF_m$  катталиқ билан аниқланади. Бунда  $W_{qх}$  тах — хт:п — тебраниш: п — тенг маънолик интерваллари миқдори.

3. Тест баллари частотаси тақсимотини тузиш жадвал кўри — нишида ва мос келувчи частограмма ҳамда кумулят графиклари кўринишида бўлади.

4. Компьютер ёрдамида ўртача ва стандарт оғиш, шунингдек, асимметрик ва эксцелл ҳисобини чиқариш, текшириш натижаларини тақсимот эгри чизиқларини визуал анализ қилиш билан таққослаш.

5. Колмогоров мезони ёрдамида тақсимотлардан бирининг нормаллигини текшириш ( $n < 200$  бўлганда кучлироқ мезонлар ёрдами билан) ёки стандарт шкалага ўтказиш билан процентал нормаллаштиришни амалга ошириш, шунингдек, тармоқли стандартлаштиришни амалга ошириш ва улар натижаларини таққослаш (стандарт очколарнинг бутун ифодасигача аниқлик билан)

6. Мос келиш бўлмаса, яъни нормаллик инкор қилинса, унда тақсимот турғунлиги танлангани икки тасодифий бўлимларга ажратиб текшириш керак.

Бутун сайланма ва унинг ярми учун нормаллаштирилган баллар мос келса нормаллаштирилган шкала барқарор деб ҳисобланади.

7. Колмогоров мезони бўйича тақсимот бир жинслилигини берилган оммавий белги вариантлаштирилишига нисбатан (жинс, ихтисос ва ҳ.к) текшириш.

Бирга қўшилган координатларда тўла ёки ярим танланмалар учун частограмма ва кумулят графикларини тузиш. Фарқланишларда танлангани турли кичик танланмаларга ажратиш.

8. Процентал ва нормаллаштирилган тест нормалари жадвалларини тузиш (ҳар бир "ишланмаган" баллар тенг маънолиги интервал учун). Турли маънодаги кичик сайланмалар мавжуд бўлганда уларнинг ҳар бири учун алоҳида жадвал бўлиши керак.

9. Ўртача миқдорни аниқлашдаги стандарт хатоларни ҳисобга олиб, ишончли интерваллар учун ( $P < 0,01$  даражада) критик нуқталарни (энг юқори ва қуйи) аниқлаш.

10. У ёки бу тест ечимининг мўлжалланаётган механизмини ҳисобга олган ҳолда олинган тақсимот конфигурациясини муҳокама қилиш.

11. Негатив натижа намоён бўлганда шкаланинг босқичлари сони бўйича барқарор нормалар йўқ бўлганда (мезонли фаолият

прогнозининг буюрилган (аниқлиги бўйича) – каттароқ тавлангани текширишни амалга ошириш ёки мазкур тестдан фойдаланиш режасидан воз кечиш керак.

#### Назорат саволлари:

1. Тест нормаларининг репрезентативлиги деганда нималарни тушунасиз?
2. Анастазининг график иллюстрациясини шарҳланг?
3. Параметрларни ҳисоблаш ва тақсимот типларини тушунтиринг?
4. Нормал қонунни онтологиялаштиришнинг ноқонунийлиги нима?
5. Тақсимот барқарорлигини текшириш усуллари?
6. Тест балларини тақсимлаш, анализ қилиш, тест нормаларини тузиш ва улар репрезентативлигини текшириш бўйича операциялар?

#### Векслер методи ва унинг мослаштирилган варианты.

##### Мавзу: Интеллект ва уни ўлчаш

Интеллект тушунчаси собиқ совет психологиясида умумтан олинган эмас. Лекин С.А.Рубинштейн (1973й) фуқаролик ҳуқуқларини шу термин орқали тушунтирган. Унинг мазмуни ҳам турлича қабул қилинади. Баъзилар учун бу шахснинг умумий иқтидорлик эквиваленти бўлса (Рубинштейн, Спирмен), бошқалар учун Янги амалий ва назарий билимларни эгаллаш рамзи (А.Бине, Д.Векслер, Л.Термен, Э.Торндайк) ва учинчилар учун барча даражалардаги ҳаракатларнинг умумий регулятори (Ж.Пиаже).

Интеллект тушунишда Б.Г.Ананьев томонидан оригинал ёндашув таклиф қилинган. Б.Г.Ананьев инсон ривожланиш потенциалларининг умумий йиғиндисидан институтга алоҳида аҳамият берган. Интеллектни у, билиш кучларининг кўлдаражали ташкилланиши сифатида кўрган. Бу эса психофизиологик процессларни, шахс ҳолатлари ва хусусиятларини ўз ичига олади.

Биз томондан ўрганилган ақлий ҳаракатлар йиғиндисини ўргатиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган интеллектуал фаолият самарадорлигини аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ўрганиш анъанавий тарзда психологияда ментиметрик йўналишлар билан боғлиқ ва конкретроқ А.Бине, Л.Термен, Д.Векслер номлари билан боғлиқ. Бу методикалар нафақат психодиагностик аҳамиятга, балки ўлчаш техникасининг таққосий портативлигига ҳам эга. Буни дала шароитларида кенг қўллаш мумкин ва ўз навбатида методикани ажратиб олишда

кўзга кўринарли роль ўйнайди. Интеллекта методика тавлашда асосий мезон бўлиб, ишончлили ва Д.Векслер (1955) методикасининг валиддиги. Бу методик экспериментал маълумотларга таққосланиш билан исботланган. Маълумотлар бошқа каттароқ методикалар ва текширилувчиларимизни Олий ўқув юртида ўқишлари давомида давомий кузатишлар орқали бизнинг комплекс тадқиқотлардан олинган.

Интеллекта стандартлаштирилган Векслернинг методикаси 11 та турли хил вазифалардан иборат, улардан ҳар бири алоҳида методикани ифодалайди ва илгаридан собиқ совет ва чет эл психологиясида қўлланилиб келинган, охириги пайтда эса муҳандислик ва меҳнат психологиясида кенг қўлланилмоқда.

Векслер методикаси катта ёшдагиларни бутун катталиқ даври (15 ёшдан 16 ёшгача) мобайнида интеллект хусусиятларини ва ўзгаришларини аниқлаш учун белгиланган.

Векслер умумий интеллектни икки гуруҳда мавжудлигини тап олади: Вербал – 6 ва новербал – 5.

#### **Вербал мактаб**

##### **1. Умумий хабардорлик субтести**

Бу ерда нисбатан содда маълумотлар ва билимлар захираси ўрганилади, бунга мувофиқ эсда сақлаб қолишнинг тўғрилиги, турғунлиги. Маълум даражада мазкур субтест саволлари ёрдамида қизиқишларни аниқлаш мумкин. Экспириментал маълумотлар шуни кўрсатадики, умумий хабардорлик ёки ўтиши билан сусайиши қийин бўлар экан. Ҳаммаси бўлиб 29 та савол тақлиф этилади. Тўғри жавоб учун 1 – балл.

Мисоллар:

- Резина нимадан қилинади?
- Нимага, қуёшда тўқ кийимда оч кийимга нисбатан иссиқ бўлади?
- Гносеология нима?

Функция:

Материални узоқ вақт давомида хотирада сақлаб туриш Ассоциациялар ва малака ташкилланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданий муҳит, қизиқишлар.

##### **2. Умумий тушунишликнинг субтести.**

Субтест ифодалар маъносини тушуниш қобилиятини, фикр – мулоҳаза юритиш қобилиятини, "соғлом фикрни" ўлчайди. Яна ижтимоий, маънавий нормаларни тушуниш даражаси ифодаланади. Текширилувчидан берилган ҳолатни бир неча гаплар билан адекват ечилиши талаб этилади. Векслер "соғлом фикр" мукамал комплексли функция ва бу ерда нафақат

интеллектуал, балки эмоционал факторлар ҳам иштирок этади. Ёш ўтиши билан бу субтестга кўра аҳамиятли натижалар ўзгариши кузатилмайдди, 14 та савол таклиф этилади. Баҳо жавобнинг туғрилигига кўра қўйилади: 0,1,2.

Мисоллар:

- “Темирни иссиғида бос” қандай маънони биладиради?
- Нимага кар бўлиб туғилган одам гаширолмайдди?

Функция:

Абстракт тафаккур. Билимлар ташкилланиши. Тушунчалар шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Реал ҳолатларга реакция. Диққат қажми.

3. Арифметик субтест.

Бу субтестда арифметик вазифалар сериясини оғзаки ечиш талаб этилади. Вазифаларни ечишига қараб диққатни концентрациялаш қобилияти, сонли материални қўллашнинг енгиллиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Арифметик операцияларни мияда бажариш қобилияти ёш ўтиши билан кескин ёмонлашмайди. Баҳолашда фақат жавобнинг аниқлигига қарамайди, вазифани ечиш учун сарфланган вақтга ҳам аҳамият берилади.

Мисоллар:

– Олма консерваланган иккита банканинг нархи 310 сўм. 12 та банканинг нархи қанча бўлади?

– Саккизта одам ишни 6 кунда бажара олади. Ишни ярим кунда бажариш учун нечта одам керак бўлади?

Функция:

Хотирада (арифметик операцияларни) сақлавиб қолиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Асосий арифметик операцияларни эгаллаш имконияти

4. Ўхшашлик ўрнатиш субтести.

Текширилувчининг вазифаси — бир қатор тушунчалар умумийлигини ўрнатиш. Тушунчаларни шакллантириш қобилиятига қараб баҳоланади. Идрок этилган материални классификациялаш, тартиблаш, абстрактлаш, таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни ажратиш қобилияти кўринади. Бу субтест натижалари, вақт чегараланмаганлигига қарамай, ёш ўтиши билан пасаяди. Баҳо 0 ва 2 баллар орасида тавсифланади ва текширилувчининг ташқи таққосланмайдиган тушунчаларни бирлаштирувчи умумийликни қанчалик яхши топиллишига боғлиқ. Жавобларнинг қуйидаги даражалари ажратилади: конкрет, функционал ва конституционал. Масалан: “либос — пальто”

жуфтлиги ўртасида умумийликни ўргатишда қуйидаги жавоблар бўлиши мумкин:

1. Бир хил матодан қилинган ва тутмали.
2. Биз уларни кийиб юрамиз, иссиқлик беради.
3. Устки кийим.

Жавобларнинг бундай вариантлари юқорида берилган 3 та даражаларга мувофиқ, тушунчаларнинг 13 та жуфтлиги таклиф этилади.

Мисоллар:

— апельсин — банан; ҳаво — сув.

Функция:

Алоқа ва ўзаро боғлиқликларнинг анализи.  
Вербал тушунча шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятга ёндашишнинг минимал имкониятлари.

5. Соли қаторларни қайтариш субтести.

Диққатни ва оператив хотирани тадқиқот қилиш учун мўл — жалаанган бўлиб, икки қисмдан иборат: сонларни тескари ва тўғри тартибда қайтариш. Геромми кўрсатишча, сонларни тўғри тартибда қайта тиклаш ёш ўтиши билан сусаяди. Сонларни тескари тартибда қайта тиклаш нисбатан яққолроқ кўринади. Эксперимент текширилувчи сонли қаторларни хатосиз тиклай олишнинг сусайишига қадар давом этади. Биринчи серияда максимал балл — 9. Иккинчи серияда максимал балл — 8.

Тўғри тартибда эслаб қолинадиган сонлар:

6439 42731 619473 5917423 58192647

7286 75836 392487 4179387 38295174.

Тескари тартибда эслаб қолинадаган сонлар:

283 3279 15286 539418 8122936

415 4968 61943 724856 4739128.

Функция:

Тезкорлик билан қайта тиклаш. Эшитув образлари. Баъзан кўрув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Диққат ҳажми.

6. Луғавий субтест.

Сўзлар рўйхати, улар маъносини тушунтириш вазифаси билан таклиф қилинади. Бу субтестда сўз бойлиги баҳоланади. Сўз бойлиги олинган таълим даражасига боғлиқ. Ҳаммаси бўлиб 40 та сўз бор, биринчи 10 та сўзлар кенг тарқалган, ҳар куни ишлатиладиганлар, иккинчи ўнгаллик — ўртача қийинчиликка эга бўлган сўзлар, уларни адекват трактовка қилиш учун маълум даражада маълумотли бўлиши шарт бўлади, ва ниҳоят мукамал

сўзлар, уларнинг маъносини англайтиш учун чуқур билимга эга бўлиши керак. Субтест натижалари қарши жараёнда оз миқдорда ўзгаради. Баҳолаш у ёки бу сўзни аниқ тушунтиришга нисбатан баҳоланади, 0 дан 2 гача бўлади.

Мисоллар:

- 1 гуруҳ сўзлари: олма, стол, нонушта, қиш.
- 2 гуруҳ сўзлари: ҳукм, микроскоп, ибодатхона.
- 3 гуруҳ сўзлари: уруш, геода, балласт.

Функция:

Тил ривожланиши. Тушунчалар шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятта ўргатиш имкониятлари.

Новербал мактаб.

### 7. Сонлар шифровкаси (6) субтести.

Сонларнинг бир неча қатори берилади, ҳар бир соннинг тагида унга мувофиқ символни чегараланган муддат давомида ёзиб чиқмоқ керак. Кўрув ҳаракат малакаларни ўзлаштириш даражаси, кўрув ҳаракатли стимуллارни интеграциялашга бўлган қобилият тадқиқот қилинади. Субтестни муваффақиятли бажариш 40 ёшдан бошлаб сусайиб боради. Баҳо белгилашган вақт ичида тўғри шифрланган сонлар миқдорига мувофиқ.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	Баҳо
—		J	L	V	O		X	қ	

Функция:

Такрор тарзда қайта тиклаш. Визуал—моторли интеграция. Кўрув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ҳаракатли фасоллик даражаси.

### 8. Етишмаётган қисмларни тониш субтести.

Тестли вазифа 21 та суръатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида қандайдир қисми етмайди ёки мувофиқсизлик мавжуд. Кўрув идрокнинг хусусиятлари кузатувчанлик муҳимлардан аҳамиятсиз қисмларни ажрата билиш қобилияти ўрганилади. 20 секунд вақт давомида берилган тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади.

Функция:

Кўрув идрок: анализ. Кўрув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ўраб турган агроф—муҳитни идрок этиш малакаси. Баъзан кўриш ўткирлиги.

### 9. Косс кубиклари субтести.

Субтестдаги вазифа — 10 та расмларни кетма — кетликда ҳар хил рангли тахта кубиклардан (ҳар бир кубик диагонал бўйича иккита рангга бўлинган: оқ ва қизил) қайта тиклаш. Бу ерда авваломбор мотор — сенсорли координация, материални осонлик билан манипуляция қилиш, қисмлардан бутунни синтез қилиш қобилияти ўрганилади. Вақт ҳар бир вазифага кўра чегараланади. Баҳо бажаришнинг аниқлиги ва сарф этилган вақтга боғлиқ.

Функция:

Шакли идрок этиш. Кўрув идроки: синтез.

Визуал моторли интеграция.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ҳаракатли фаолликнинг даражаси. Рангли кўрувнинг минимал даражаси.

10. Кетма — кет расмлар субтести.

Расмларнинг 8 та серияси тақдим этилади, уларнинг ҳар бири сюжет билан бирлаштирилган ва текширилувчи намойиш этмаётган ҳодисаларни уларнинг даврий кетма — кетлигига мувофиқ тарзда тартибга солиш керак. Фрагментларни мантиқий бутунликка келтириш қобилияти ўрганилади. Ситуацияларни тушуниш қобилияти. Векслернинг таъкидлашича, тақдим этиладиган ситуацияларни тушуниш учун ҳазилкашлик бўлиши керак. Баҳо илгариги субтестдек тўғри бажарилиши ва сарфланган вақтга боғлиқ. Алоҳида вазифаларга баҳо ҳар хил 4 балдан 6 баллагача. Вазифалар борган сари мураккаблашади.

Функция:

Муносабатларнинг кўрув идроки (визуал интуиция, муносабатга киришиш).

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятга киришишнинг минимал имкониятлари. Баъзан кўрув ўткирлиги.

11. Фигураларни тузиш субтести.

Текширилувчига маълум кетма — кетликда тўртта фигуранинг қисмлари тақдим этилади. ("Инсон", "профиль", "қўл", "фил") қисмлардан нималарни тузиш. Косснинг кубиклар субтестига ўрганиладиган факторлар ўрганилади. Авваломбор, кўрув моторли координация. Субтест вазифаларини муваффақиятли бажариш ёки ўтиш билан кўринарли сусаяди, лекин илгари келтирилган 3 та субтест сингари эмас. (Косснинг "кубиклари етишмаётган қисмлар" ва "кетма — кет расмлар"). Баҳолашда сарфланган вақт ва тўғри бажарилганлик инobatта олинади.

Функция:  
Кўрув идрок: синтез.  
Визуал моторли интеграция.

Натижага таъсир этувчи факторлар:  
Ҳаракат фаолиқнинг даражаси.  
Ҳаракатли фаолиқнинг аниқлиги, яққоллиги.

**Назорат саволлари:**

1. Интеллект ва уни ўлчаш (С.А.Рубинштейн)?
2. Векслер методи бўйича интеллектни ўлчаш?  
а) вербал ва новербал метод.
3. Умумий хабардорлик субтести?
4. Умумий тушунишнинг субтести ва ҳоказолар?
5. Векслер методи бўйича интеллектни ўлчашда функция, натижага таъсир этувчи факторлар деганда, нималарни эътиборга оласиз?

## Олий мактабда таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш.

Тажриба кўрсатадики, шу вақтгача қўлаб келинаётган ва анъанавий ўқитиш усуллари машғулотларни самарали қилавермайди.

Машғулотларда таълимнинг фаол усуллариининг кенг қўлланилиши тингловчиларни ўз билим ва тажрибаси билан ўртоқлашиш учун интилишни етарли равишда юзага келтиради.

Билим эслаб қолиш орқалигина эмас, балки фикрлаш ёрдами билан қабул қилингандагина, мустақкам ўзлаштирилади. Талабаларда машғулотлар давомида сўзамоллик, нотиклик, ақлий ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш эса ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Таълимнинг фаол усуллари сифатида эса қуйидагилар: муаммоли таълим, суҳбат, мунозара, семинар, ишбилармонлик ўйинлари, роли ўйинлар, ўйин орқали режалаштириш (тренинглардан фойдаланиш мумкин. «Машғулотни ташкил қилишнинг психологик таҳлил қилиш» номи ишбилармонлик ўйини эса шулар жумласидандир).

Ўйиннинг мақсади: 1) Машғулотни ташкил этишни психологик таҳлил қилишга ўргатиш, тажриба алмашиш; 2) мустақил, тез, чуқур фикрлаш қобилиятини ривожлантириш; 3) нотиклик, сўзамоллик, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олиш санъатини, мунозара юритиш услубини шакллантириш.

Ўйин иштирокчилари гуруҳларга бўлинадилар ва гуруҳ аъзолари стол атрофида давра қуриб ўтирадилар, ҳар бир гуруҳ ва гуруҳ аъзосининг тартиб рақами билан белгиланади, машғулот иштирокчиларига ўйин қатнашчисининг варақаси ва машғулотнинг функционал тузилиши» номи варақа тарқатилади.

1—босқич. Ўйин бошловчиси ўйин шarti билан иштирокчиларни таништиради: «фараз қилинг, эртага ўтадиган 80 минутлик маърузага тайёрланаяпсиз ва унинг функционал тузилишини таҳлил қилаяпсиз. Қўлингиздаги маърузанинг функционал тузилишини етти таркибий қисми берилган. Улар билан яхшилаб танишиб чиқинг ва ҳар бирининг машғулот самарадорлигини оширишда эгалаган ўрнини баҳолаш нуқтаи назаридан балл беринг. Машғулотдаги миқдорлар йиғиндиси 100 баллга тенг бўлиши керак. Балларни варақангиздаги индивидуал ҳукм деган бўлимига қўясиз».

2—босқич. Ўйин иштирокчилари ўзлари қўйган балларни гуруҳ аъзоларига изоҳлаб берадилар. Ўзаро мунозара ва

маслаҳатдан сўнг ягона вариантдаги қарорга келиб, берилган балларни варақадаги «гуруҳий ҳукм» деган бўлимига қўйиб чиқадилар. Гуруҳий ҳукм имкони борича бир хил бўлиши керак. Гуруҳ ҳукм доскадаги жадвалга ёзилади.

3—босқич. Гуруҳлараро мунозара ташкил қилинади. Ҳар бир шахс ўзининг гуруҳ қарорини изоҳлайди ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Бошқа гуруҳларга улар савол беришлари ёки эътироз билдиришлари мумкин. Мунозарадан сўнг гуруҳлар ўзлари қўйган балларини ўзгартиришлари мумкин.

4—босқич. Машгулотлар тузилишини ҳар бир таркибий қисми бўйича гуруҳлар томонидан берилган балларнинг ўртача арифметик қиймати топилиб, уни варақадаги «баҳолар салмоғининг ўртачаси» деган бўлимига ёзиш лозим ва унга нисбатан индивидуал ва гуруҳий фарқ топилади. Бу фарқлар доскадаги жадвалга туширилиб борилади.

5—босқич. Методиканинг тузилишидаги кетма-кетлик белгилаб чиқилади. Ҳар бир ўйин иштирокчиси мустақил фикрлаган ҳолда назарини «индивидуал ҳукм» деган бўлимига туширади.

6—босқич. Ҳар бир гуруҳ ўз аъзолари билан маслаҳатлашиб, мунозара юритиб гуруҳни қабул қиладилар. Гуруҳий ҳукм имкони борича бир хил бўлиши керак.

7—босқич. Гуруҳлараро мунозара ташкил қилинади. Ҳар бир гуруҳ ўз гуруҳий ҳукмини ҳимоя қилади, асослайди.

8—босқич. Методика тузилишидаги кетма-кетлик бўйича эталон берилади. Ўйин иштирокчилари бу эталонга нисбатан ўзлари индивидуал ёки гуруҳ билан биргаликда белгиланган белгиларнинг фарқини топадилар. Бу фарқлар ҳам доскадаги жадвалга туширилиб борилади.

9—босқич. Ўйин натижаларининг таҳлили. Хатолар миқдорига қараб ўйин голиби белгиланади. Ушбу ишбилармонлик ўйини учун зарур бўлган варақа ва жадваллар илова қилинади.

«Иш» ўйинининг қатнашчисининг бланкаси.

Методиканинг функционал тузилиши.	Баҳолар салмоғи		Ваҳо— салмоғи ўртача	Хатолар салмоғи		Методика тузишдаги кетма— кета.		Эта- лон.	Кетма кетликни тузишдаги хато.	
	Инд	груп		груп	инд	инд	груп		инд	груп
1.Таълим мақсадларига мувофиқ равишда ўқув материал мазмунини таҳлил қилиш.										
2.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини олдиндан кўра билиш.										
3.Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, кўникма ва малака ҳамда билимини ўзлаштириш жа- раёнини бошқариш.										
4.Ўқувчиларнинг машғулотдаги фаолиятини ташкил қилиш.										
5.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятига таъсир этиш.										
6.Билим, кўникма ва малакалари ҳамда ақлий ривожланиш даражасини назорат қилиш.										
7.Машғулотнинг туғаланиши босқичини ташкил этиш.										

100 100

Ҳамма балларнинг умумий  
йиғиндиси 100 чиқиши шарт

Машғулот методикасини тузишда (ишлаб чиқишда) лозим  
бўладиган ўқитувчи фаолиятининг функционал таркиби.

1. Ўқув материали мазмунининг таҳлили:
  - машғулот мақсадининг қўйилиши;
  - асосий билим, малака ва кўникмаларни ажратилиш;

2. Ўқувчилар билиш фаолиятини олдиндан кўра билиш:
  - билим, малака ва кўникмалари даражаси;
  - шахснинг ақлий ривожланиш характеристикаси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни ҳамда ақлий ривожланиш, ўзлаштириш жараёнларини бошқариш:
  - таълимнинг актив методларидан фойдаланиш;
  - ўқув ўйин вазиятларини қўллаш;
  - имитацион ўйинлардан фойдаланиш.
4. Ўқувчиларнинг машғулотдаги фаолиятини ташкил этиш.
  - талабаларнинг машғулотдаги иш шакallarини тавлаш, индивидуал, группавий, бирлашган;
  - ТТВ, ТНВ, ЭҲМлардан фойдаланиш.
5. Ўқувчиларнинг машғулотдаги билиш активлигига таъсир этиши (рағбатлантирилиши):
  - мақсадни тушунтириш;
  - қизиқарли муаммоли саволлар қўйиш;
  - ҳар хил одамлар фикрини солиштириши;
  - қизиқарли амалий ҳал қилиниши (ечилиши).
6. Билим, малака ва кўникмалар ҳамда ақлий ривожланиш даражасини назорат қилиш.
  - оғзаки, ёзма, савол қорғозчалари;
  - мунозарадан фойдаланиш;
  - ТНВ, машинали савол – жавобдан фойдаланиш.
7. Машғулотнинг тугалланиш босқичини ташкил этиши.
  - берилган машғулот мазмунини умумлаштириш;
  - ҳар бир ўқувчининг машғулотдаги билиб олган нарсасини баҳолаш;
  - ҳар бир талабанинг индивидуал баҳоси;
  - машғулот ҳақида хулоса чиқариши.

Таълимда фаол усулларни қўллашнинг психологик асослари.

«МАМУ» (Материални аудиторияда мустақил ўрганиш) иш ўйини.

Ўйиннинг мақсади: 1) таълимнинг фаол усуллари ҳақидаги bilimларни бойитиш, тажриба алмашишни ташкил қилиш;

2) мустақил, тез, чуқур, фикрлаш қобилиятини, материални мустақил ўзлаштириш кўникмасини ривожлантириш; 3) нотижалик, сўзамоллик ўз нуқтаи назарини асослаб бера олиш уқувини, мунозара юритиш услубини шакллантириш.

Ўйинни бориши. Ўйин қатнашчилари учта гуруҳга бўлинишади ва гуруҳ аъзолари стол атрофида давра қуриб ўтирадилар ўйин қатнашчиларига матн ва баҳолар варақаси тарқатилади.

1 – босқич. Ўйин иштирокчилари қўлларидаги матн мазмуни билан танишадилар ва уни тушуниб оладилар.

2 – босқич. Ҳар бир гуруҳ ўз гуруҳи учун 2 варақ қоғоз олади. Матн бўйича учта савол тузиб, сўнг вараққа ёзишади. Саволлар қисқа, мазмунли ва мантиқий бўлиб, матн асосида бўлиши шарт.

3 – босқич. Гуруҳлар томонидан тузилган саволлар қўшни гуруҳларга узатиб юборилади. Бунда 1 – чи гуруҳ 2 – чи гуруҳга,

2 – чи гуруҳ 3 – чи гуруҳга, 3 – чи гуруҳ 1 – чи гуруҳга саволларини узатишади. Ҳар бир гуруҳ қўшни гуруҳ саволларини 4 балли баҳо (2,3,4,5) тизимида баҳолаб, сўнг уларни кейин баҳолар варақасига қўядилар. Гуруҳлар саволларни баҳолаб бўлгач, уларга жавоб ёзадилар.

4 – босқич. Гуруҳлар қўлларидаги савол ва жавобни бояги тартибда қўшни гуруҳларга узатиб юборадилар. Ҳар бир гуруҳ қўлидаги жавобларни баҳолаб, сўнг изоҳлаш учун тақриз кўринишида жавобнинг тагига ёзади.

5 – босқич. Гуруҳлар қўлларидаги саволларни, жавобини ва тақризини қўшни гуруҳларга яна ўша тартибда узатадилар. Ҳар бир гуруҳнинг ўзи тузган саволи ўзига қайтиб келади. Гуруҳ аъзолари жавоб ва тақриз билан танишиб, сўнг тақризчини баҳолайдилар ва уни баҳолар варақасига қўядилар.

6 – босқич. Гуруҳлараро мунозара ташкил қилинган бўлса, оғзаки савол – жавоб ҳам шундай ташкил қилинади. Оғзаки савол – жавоб вақтида ўйин бошловчиси, баҳоларни коррекция қилиб боради. Савол – жавоб тутагач, йиғилган очколар миқдорига қараб ўйин ғолиби белгиланади. Ўйин синов

тақриқасида ўтказилса, ҳар бир тингловчига қўйиладиган баҳо куйидагича аниқланади.

Биринчи ўринни эгаллаган гуруҳ 4х. 1,1қ

бунда х гуруҳ аъзоларининг сони 4 балли баҳо 1,1; 0,9; 0,8  
коэффицент.

Иккинчи ўринни эгаллаган гуруҳ: 4х.0,9қ

Учинчи ўринни эгаллаган гуруҳ: 4х.0,8қ

## **«Жамоада жамоат ишини ташкил қилиш» НОМЛИ ИШ ЎЙИНИ**

Ўйиннинг мақсади: жамоада психологик иқлимни ва ундаги сардорларни аниқлаш.

Ўйинда жамоани ўрганишнинг 10 хил йўли ва муваффақиятга эҳтиёжни ўлчови Орлов тести билан тингловчилар амалий таништирилади, ўйин натижаларини психологик таҳлил қилишга ўргатилади. Ўйинда мустақил ишлаш, мунозара ва тестлар билан ишлаш босқичлари мавжуд.

1 – босқич. Тингловчилар ўзлари ёқтирган одамлари билан гуруҳга бўлиниб, давра қуриб ўтирадилар, уларга ўйин қатнаш – чисининг варақаси тарқатилиб, ўйин шарти билан таништирилади.

2 – босқич. Ҳар бир ўйин қатнашчиси варақадаги жамоани урганишнинг 10 хил усули ичидан энг самаралисини белгилайди.

3 – босқич. Гуруҳ аъзолари ўзаро келишиб, танланган самарали усуллар ичидан энг самаралисини танлайдилар. Бунда гуруҳ қарорининг бир хил бўлишига ҳаракат қилишлари керак, агар бунинг имкони бўлмаса, гуруҳ қарори 2 хил, 3 хил бўлиши ҳам мумкин. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз фикрини гуруҳ ҳукми сифатида ўтказишга ҳаракат қилиши керак. Тингловчиларнинг шахсий ва гуруҳ ҳукмлари доскадаги жадвалга туширилади.

4 – босқич. Гуруҳлараро мунозара ташкил қилиниб, ҳар бир гуруҳ ўз гуруҳининг ҳукмини ҳимоя қилади ва уни бошқа гуруҳларга ўтказишга, уларнинг фикрларини ўзгартиришга интилади. Гуруҳлараро савол – жавоб ташкил қилинади.

5 – босқич. Қатнашчи варақасида берилган «Характернинг иш хусусиятлари» деб номланувчи тест ўтказилади ва натижалари доскадаги жадвалга тушириб юборилади.

6 – босқич. Курс тингловчилари муваффақиятга эҳтиёжни ўлчови Орлов тестидан ўтказиладилар. Тест натижалари ҳам доскадаги жадвалга тушириб борилади.

7 – босқич. Ўйин бошловчиси доскадаги натижалар ва ўйин натижаларининг боришини таққослаб, ўйин иштирокчиларининг психологик хусусиятларини таҳлил қилиб беради.

Ўйин қатнашчисининг варақаси илова қилинади.

Гуруҳ № -----  
қатнашчи -----

**«ЖАМОАДА ЖАМОАТ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ»  
ИШ ЎЙИНИ ҚАТНАШЧИСИНИНГ ВАРАҚАСИ**

№	Ҳаракатлар номи	Характерингизнинг хусусиятлари
1.	Жамоа ҳар бир аъзоси билан шахсан танишиш	Мустақиллик Ишга ижодий ёндашиш
2.	Жамоадаги қизиқтирган шахслар тўғрисидаги маълумотларни кадрлар бўлимида таҳлил қилиш	Ташаббускорлик Ақлий қобилиятлилик Тажрибали
3.	Шахсий анкета саволларини тузиш ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан тўлдиришини ташкил этиш	Билимлайлик Тиришқоқлик Саранжомлик Диққат – эътиборлилик
4.	Жамоат ишларига тавсия этилган номзодларни муҳокама қилиш учун йиғилиш ўтказиш	Ижро этувчанлик Интизомлилик Катъиятлилик
5.	Жамоанинг ҳар бир аъзоси феъл – аъворини яққол намоён қиладиган вазиятни вужудга келтириш	Виждонийлилик Меҳнатсеварлилик Эпчилик Сабр – тоқатлилик
6.	Жамоат ишларига тавсия қилинган номзодларни жамоанинг ҳар бир аъзоси билан муҳокама қилиш	Ишчанлилик Масъулиятлилик Ташкилотчилик
7.	Жамоат ишига бўлган муносабатни аниқлаш учун топшириқ беришни ташкил қилиш	
8.	Жамоанинг ҳар бир аъзосидаги ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш учун иш ўйинини ўтказиш	
9.	Жамоат ишларини қандай олиб боришни шахсан ўзи намуна тарзида кўрсатиб бериш	
10.	Жамоат ишларида қатнашишга ишонч ҳосил қилдирадиган суҳбат ўтқизиш	

## Шахсга хос хусусиятларини ўрганувчи

### САВОЛНОМА

(Г.Ю.Айзенк услубининг мослаштирилган варианты)

Сизга баъзи бир шахсий хусусиятларингизни аниқлашга ёрдам берувчи бир қатор саволлар тавсия этилади. Бу ерда тўғри ёки хато жавоблар бўлиши мумкин эмас. Чунки одамлар бир – бирига ўхшамаган бўлиб, улар шахсий хусусиятлари ривожланиши, дунёқарashi билан бир – биридан фарқ қилади ва ўз нуқтаи назарига эга бўлади. Шунинг учун саволларга аниқ, очиқ кўнгиллилик билан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Саволларга жавоб беришда сизнинг қарашларингиз ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизга мос келадиган «ҳа» ёки «Йўқ», жавобларини танлашингиз мумкин. Жавоб бериш тартиби қуйидагича бўлади: бланкада ҳар бир саволнинг тартиб рақами ёнида иккитадан бўш катак берилган (чап катаги «ҳа», ўнг катаги эса «Йўқ» жавоби учун). Жавобингизга мос катакка «х» белгисини қўйиш лозим.

Саволларга жавоб беришда қуйидагиларни ёдингизда тутинг:

1. Жавобларни ўйлашга кўп вақт сарфламанг, хаёлингизга биринчи келган жавобни беринг. Саволдан кўпчилилик ҳолларда қисқача баён этилган. Бунда савол мазмунига мос келадиган ўртача, тез-тез учрайдиган вазиятни назарда тутиб жавоб беринг. Имкон борича аниқроқ жавоб беринг, лекин вақтни чўзиб юборманг. Ҳамма саволларга 30 дақиқа ичида жавоб беришингиз лозим.

2. Саволлар кетма – кетлигига амал қилган ҳолда, қолдирмасдан жавоб беринг.

3. Саволларга ҳаққоний ва самимий жавоб беринг.

Баъзи саволлар фақат сизнинг шахсингизга ҳосдек туюлиши мумкин. Лекин жавобларингиз ҳеч эълон қилинмайди. Уларнинг тарқалиб кетмаслигига шубҳа қилмаслигингиз мумкин. Лекин жавобларингиз тадқиқотчи қўлида бўлган махсус «калит» ёрдамида ўқилиши мумкин. Бу ерда тадқиқотчини кўпроқ ҳар бир саволнинг жавоби эмас, умумлашган кўрсаткичлар қизиқтиради. Жавобларингиз орқали ўзингиз ҳақингизда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилманг, улар ҳақиқатга мос бўлиши шарт. Фақат шундагина Сиз ўзингизни яхшироқ билишингиз ва бизнинг ишимизга ёрдам беришингиз мумкин.

Ёрдамингиз учун сизга илгаридан миннатдорчилик билдирамиз.

Фамилиянгни ва бошқа маълумотларни жавоб варағингизнинг юқори қисмига ёзинг.

Саволномани ўзига ҳеч нарса ёзмаг ва чизмаг.

### Ю.Айзенк тести саволномаси.

1. Янги таассуротларга интилиш сизда тез – тез сезиладими?
2. Сизни тушунадиган ва қўлаб – қувватлайдиган дўст керакми ҳис қиласизми?
3. Сиз ўзингизни ташвиш йўқ одам деб ҳисоблайсизми?
4. Ўйлаган нарсангиздан қийинчиликсиз воз кеча оласизми?
5. Бир иш қилишдан олдин шоямдан, ўйлаб иш тутасизми?
6. Ҳатто сизга фойдаси бўлмаса ҳам ваъдангизда турасизми?
7. Руҳингиз тез тушиб, тез кўтариладими?
8. Кўп ўйламай тез иш юрита оласизми?
9. Жиддий сабаб бўлмаса ҳам ўзингизни бахтсиз деб ҳисоблаган вазиятлар бўлганми?
10. Ишингиз ўнгидан келиб турса ҳар қандай ишга қўлаб уришингиз тўғрими?
11. Сизга ёққан қарама – қарши жинсли киши билан танишини истасангиз, тортинасизми?
12. Жаҳлингиз чиққанда ўзингизни йўқотасизми?
13. Кўпинча ўйламасдан шароитга қараб иш тутасизми?
14. Гапирмасам бўлар эди, шу ишни қилмасам бўлар эди, деган ҳаёл сизни тез – тез безовта қиладими?
15. Сизга одамлар билан учрашишга нисбатан хитоб ўқилиш афзалми?
16. Сизнинг шахсиятингизга тегиш осонлиги тўғрими?
17. Дўстлар даврасида тез – тез бўлишни ёқтирасизми?
18. Бировлар билишни истамаган сирларингиз борми?
19. Баъзан ғайратингиз жўшиб қадамингиздан ўт чақнайди, баъзан эса ҳамма ишдан ҳафсалангиз пир бўлиб, лоқайд бўлишингиз ҳақиқатми?
20. Дўстларингиз даврасини энг яқин дўстларингиз билан чегараланишни истайсизми?
21. Сиз кўп нарсани орзу қиласизми?
22. Сизга бақириб гапиришса, сиз ҳам шундай жавоб қайтара оласизми?
23. Баъзан ўзингизни бирон нарсада айбдор деб ҳис қиласизми?

24. Ўз ҳисларингизга эрк бериб, дўстлар даврасида ўзингизни беташвиш ҳис қиласизми?

25. Сиз ўз одатларингизни яхши эканлигига ишонасизми?

26. Асабингиз таранг бўлган пайтлар кўп бўлганми?

27. Сизни хушчақчақ ва тийрак одам деб ҳисоблашадими?

28. Бирор ишни бажариб бўлгандан кейин, шу ишни бундан ҳам яхшироқ бажаришингиз мумкинлиги ҳақида ўйлайсизми?

29. Катта давраларда ўзингизни хотиржам ҳис қиласизми?

30. Сиз гийбат қиласизми?

31. Миянгизга ҳар хил ҳаёллар келиб, сизга уйқу бермайдиган вақт бўладими?

32. Сиз бирор нарсани билишни истасангиз, дўстларингиздан сўраб – суриштиришга нисбатан тезроқ китобдан қидириб топишни маъқул кўрасизми?

33. Сизни юрагингиз тез – тез ўйнаб турадими?

34. Диққат – эътиборни бир жойга тортадиган иш сизга ёқадими?

35. Сизни қалтироқ тутадими?

36. Сиз доим ҳақ гапирасизми?

37. Бир – бирини камситадиган даврада ўзингизни хотиржам ҳис қиласизми?

38. Сержаҳдмисиз?

39. Сизга тез ҳаракатларни талаб қиладиган иш ёқадими?

40. Ҳаммаси яхшилик билан тутаган, лекин аввалига ноҳуш фикрларга сабаб бўлган ҳаёллар безовта қиладими?

41. Ҳаракатингиз секин, чаққон эмаслиги ҳақиқатми?

42. Сиз ишга ёки биров билан учрашувга кечикканмисиз?

43. Беъмани тушларни тез – тез кўрасизми?

44. Сиз гаплашишни севганингиз учун, нотаниш одамни кўрганингизда пайтни бой бермасдан у билан гаплашишга ҳаракат қиласизми?

45. Сизни бирор оғриқ безовта қиладими?

46. Узоқ вақт одамлар билан суҳбатлашиш имкониятидан маҳрумсиз, ўзингизни жуда ҳам бахтсиз киши деб ҳисоблайсизми?

47. Ўзингизни асаби ёмон киши, деб ҳисоблайсизми?

48. Сизнинг танишларингиз орасида ўзингизга ёқмайдигани ҳам борми?

49. Сиз ўзингизни ишонган одам, деб ҳисоблайсизми?

50. Сизнинг камчиликларингизни танқид қилишса шахсиятингизга тегадими (ишингиздаги камчиликларингизни)?

51. Давраларда, кечаларда қатнашиб, қониқиш олаш қийин деб ҳисоблайсизми?

52. Сизни бошқалардан нима биландир ёмонман деган фикр безовта қиладими?

53. Зерикарли даврани қизиқтира оласизми?

54. Ўзингиз тушунмаган нарсалар ҳақида гапирган вақтингиз бўладими?

55. Ўз соғлигингиз ҳақида қайғурасизми?

56. Бировлар устидан ҳазил қилишни ёқтирасизми?

57. Уйқусизликка дучор эмасмисиз?

Исми-шарифи \_\_\_\_\_

Туғилган йили \_\_\_\_\_

Гуруҳи \_\_\_\_\_

Мутахассислиги \_\_\_\_\_

№	ҳа	Йўқ	№	ҳа	Йўқ	№	ҳа	Йўқ
1			20			39		
2			21			40		
3			22			41		
4			23			42		
5			24			43		
6			25			44		
7			26			45		
8			27			46		
9			28			47		
10			29			48		
11			30			49		
12			31			50		
13			32			51		
14			33			52		
15			34			53		
16			35			54		
17			36			55		
18			37			56		
19			38			57		

### ТЕСТ КАЛИТИ

№	ха	Иўқ	№	ха	Иўқ	№	ха	Иўқ
1	Э		20		Э	39	Э	
2	Н		21	Н		40	Н	
3	Э		22	Э		41		Э
4	Н		23	Н		42		Л
5		Э	24	Л		43	Н	
6	Л		25	Э		44	Э	
7	Н		26	Н		45	Н	
8	Э		27	Э		46	Э	
9	Н		28	Н		47	Н	
10	Э		29		Э	48		Л
11	Н		30		Л	49	Э	
12		Л	31	Н		50	Н	
13	Э		32		Э	51		Э
14	Н		33	Н		52	Н	
15		Э	34		Э	53	Э	
16	Н		35	Н		54		Л
17	Э		36	Л		55	Н	
18		Л	37		Э	56	Э	
19	Н		38	Н		57	Н	

## Ҳиссий турғунлик

### Меланхолик

ғамгин, ташвишли, қўрқоқ, ювош, мулоҳаза юритишга мойил, келажакка ишончи йўқ, умидсиз, оғир, вазмин, босиқ, мулоқатта кириша олмайдиган, индамас.

### *Интроверсив*

0

12

### Флегматик

Пассив, суст, эҳтиёткор, мулоҳаза юритувчан, ақли, ўйлаб иш қиладиган, тинчликни, осойишталикни севади. Бошқарувчан, ишонувчан, назорат қилувчан, вазмин, бир текисда ҳаракат қилади, хотиржам.

### Ҳисссий турғунлик

0

24

Холерик Сезгир, тиниб – тинчимас, агрессив, ўзгаларга ҳукм ўтказувчи шахс. Таъсирчан, ташқи таъсирга берилувчан, ўзгарувчан, умид – ишончли, ҳаракатчан.

### *Экстраверсив*

24

### Сангвиник

Мулоқотта киришувчан, сергап, раҳмдил, кўнгилачан, дадил ҳаракат қилади. Хушчақчақ, лекин кўпчи – ликни, шовқинни ёқтирмайди. Ҳамма жойда лидер сардор бўлишга, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади.

## Натижаларнинг таҳлили ва интерпретацияси

Тадқиқотчи шахсни ўрганувчи Г.Ю.Айзенк сўровномасининг тўлдирилган жавоблар бланкининг йиғиб олгандан сўнг ҳар бир текширилувчининг жавобларини тест калити кўрсаткичлари билан таққослаши лозим. Масалан: агар текширилувчи биринчи саволга «ҳа», деб жавоб берган бўлса, жавоб ёнида «Э» ҳарфи қўйилади (калитга қаранг). Агар текширилувчи «Йўқ» жавобини берган бўлса, жавоб калитга мос келмаганлиги учун, ҳеч қандай белги қўйилмайди.

Калитда «Йўқ» жавобларининг мос келиши ҳам кўзда тутилган. Масалан, текширилувчи бешинчи саволга «Йўқ», деб жавоб берди. Бу ҳолда «Йўқ» жавоби ёнига «Э» қўйилади, бланкадаги «ҳа» жавоби ёнига эса жавоб калитга мос келганлиги учун ҳеч қандай белги қўйилмайди. Иккинчи саволнинг «ҳа» жавобига «Н» ҳарфи, оltинчи саволнинг «ҳа» жавобига «Л» ҳарфи қўйилади. Иккинчи ва оltинчи саволга «Йўқ», деб жавоб берилган тақдирда калитга мос келмаганлиги учун ҳеч қандай белги қўйилмайди. Бу каби таққослаш барча саволлар бўйича амалга оширилади. Якунда «Э», «Н», «Л» ҳарфларининг нечтаси тўғри келганлигини санаш лозим. «Э» ва «Н» ҳарфлари бўйича мос келиш миқдори 0 дан 24 мартагача, «Л» ҳарфи бўйича 0 дан 9 гача бўлиши мумкин. (Натижаларни ўрганишда янгилик яратиш мақсадида ҳар бир мослик учун I балдан бериш мақсадга мувофиқдир).

«Э» — экстраверсия (лотинча эха — ташқарига буриш, қаратиш) — шахснинг асосан ташқи объектлар дунёсига йўналтирилганлиги.

Тўпланган баллар йиғиндиси 13 ва ундан юқори бўлса экстраверсия ҳақида гапириш мумкин. Экстравертив тип кўпроқ шахснинг қизиқишларини, «ҳаётий энергиясини» оҳанграбо каби ўзига қаратиб оладиган атроф — муҳитга йўналтирилганлигини ифодалайди. Бу маълум маънода субъектнинг ўз — ўзидан бегоналашини, ўз оламнинг шахсий қимматини пасайганлигини кўрсатади. Экстравертларга тез ўзгарувчанлик, хулқнинг мослашувчанлиги, ижтимоий кўникувчанлик, тез киришиб кетувчанлик мосдир.

Агар баллар йиғиндиси «Э» бўйича 12 дан кам бўлса, экстраверсияга қарама — қарши бўлган интроверсия (интро — ичкарини)ни ифодалайди. Интровертив типга шахс қизиқишларини ички дунёси ҳодисаларига қаратилганлиги; ижтимоий пассивлик, ўз — ўзини таҳлил қилишга мойиллик, янги ижтимоий муҳитга қийинчилик билан кўникиш хосдир.

Г.Ю.Айзенк экстраверсиянинг нерв системаси хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатди. Бироқ бу фақат шахснинг руҳий ва ижтимоий хусусиятларининг биологик жиҳатдан ҳал қилиб қўйганлиги ҳақидаги реакция хулосанинг пайдо бўлишига олиб келди.

Психология фанида экстраверсия – интроверсия темперамент хусусиятлари сифатида, яъни шахснинг ўзига хос психик жараёнларини ривожлантирувчи динамик характеристика сифатида тушунилади.

«Н» – невротизм, асабийликни англатади. «Н» ҳарфи бўйича баллар йиғиндиси 12 дан юқори бўлса, шахснинг хиссий – иродавий жиҳатдан мустақил эмаслиги ҳақида гапириш мумкин. Агарда «Н» ҳарфи бўйича баллар йиғиндиси 12 дан кам бўлса юқоридагининг аксини, яъни хиссий мустақамликни кўрсатади. Асабийлик, хиссий мустақамлик шахс темпераментини ташкил қилувчи хусусиятлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, «Э» ва «Н» шкалалари бўйича баллар миқдорини аниқлаб бўлгач, «Э» горизонтал ва «Н» вертикал ордината ўқларини ўтказинг. Улардан тўғри чизиқ ўтказиб, текширилувчининг темпераменти типини кўрсатувчи кесилган нуқтага эга бўласиз. Ҳар бир типнинг берилган характеристикасига қараб, ўз ишингизни ташкил этишингиз мумкин.

«Л» – ёлғончилик шкаласи. Бу кўрсаткич бўйича баллар йиғин – диси 6 дан юқори бўлса, бу жавобларнинг самимий эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатда текширувчига жавоблар бланкини қай – тадан тўлдиришни таклиф қилиниб, диққат билан, самимий жавоб бериши сўралади.

Баъзи психологлар «Л» шкаласи бўйича шахснинг ўзига ўзи баҳо бериши ҳақида қуйидагича фикр юритишни тавсия этадилар.

1 – 2 балл – қуйи даражада ўз – ўзига баҳо бериш.

3 – 5 балл – ҳаққоний баҳо бериш.

6 ва ундан юқори – ўзига юқори баҳо бериш.

Шахснинг ўзига ўзи баҳо беришини «Мен концепцияси»га боғлиқ равишда кўриш лозим. «Мен концепцияси» шахснинг ўзи ҳақидаги нисбатан мустақам, оз ёки кўп даражада оғли ва ўзгармас тасаввуридан иборат. Бунинг асосида у бошқа одамлар билан ва ўзига нисбатан маълум муносабатда бўлади. «Мен концепцияси», ички зиддиятлардан холи бўлмаса – да, ўз шахсий «Мен»и ҳақидаги тасаввур бўлиб, ўзига нисбатан муносабатни шакллантирувчи ўзини англаш, ўзини севиш, ўзини камситиш,

ўзига ошириб баҳо бериш, ҳурмат қозониш каби хусусиятларни ўз ичига олади.

«Мен концепцияси» доирасида ўзига баҳо бериш инсон шахсининг ўзагини ташкил қилади. Шахснинг ўзини англашда, ўзига баҳо беришда имкон берувчи «Мен концепцияси»ни шакллантириш қомил инсонни тарбиялашдаги муҳим омиллардан биридир.

## Р.Б КЭТТЕЛЛ ТЕСТИ

Сизнинг олдингизда шахсий қарашингиз ва қизиқишларингизни аниқловчи саволлар турибди.

Жавоблар бланкасига фамилиянгизни ва ўз хақингиздаги маълумотларни ёзинг. Ҳар бир саволга жавоб бера туриб, жавоблар бланкасининг мос келувчи катакчасига уларнинг учтасидан: «а» (ҳа) — ? — «б» (йўқ) бирини кўрсатинг «?» жавобига агар сиз аниқ жавоб бера олмасангиз ёки ҳар иккала жавоб сизга маъқул келганда қўллашингиз мумкин. Лекин ноаниқ жавобларни суиъстемол қилмасликка ҳаракат қилинг. Ҳар бир детал устида узоқ ўйланмасдан, яққол ҳолатларни кўзи ўзингизга келтиринг. Жавоб устида узоқ бош қотирманг яхшиси мияянгизга келган биринчи табиий жавобни беринг.

Жавоб ҳаққоний ва аниқ бўлсин. Бунда «тўғри» ёки «нотўғри» жавоблар йўқлигини, ҳар бир одам ўзининг шахсий фикрига эга эканлигини эсда тутинг.

1. Сиз бошқаларнинг талабларига ва фавқулоддаги муҳитига мослаша оласизми? ҳа — ? — йўқ.
2. Сизнинг тушингизда гаплашиш ҳоллари учраб турадими ?
3. Сиз ўзингизни баъзи бир муносабатларда бошқалардан юқориман деб ҳисоблайсизми?
4. Сиз одамлардаги қайси хислатларни кўпроқ қадрлайсиз?
  - а) кучли ироданими? б) ёрқин ҳис — туйғуними?
5. Мажлисларда Сиз:
  - а) бажонидил сўзга чиқасизми? б) индамасдан ўтирасизми?
6. Сиз ўзларини бошқалардан устун қўювчи мақтончоқ одамлар билан яшай оласизми?
7. Муваффақиятсизликлар:
  - а) Сизда ишга нисбатан хоҳиш пасайтирадими?
  - б) Янги куч кўзгатадими?
8. Одатда сиз муаммони енгил ҳал этиш учун:

а) ўзингиз уни чуқурроқ ўрганасизми?

б) Бошқалар билан маслаҳатлашасизми?

9. Сиз ҳар бир ишни шожмасдан бажаришни авзал кўрасизми?

10. Юракка яқин олмаса ҳам бўладиган икир – чикирлар баъзан Сизни асабингизни бузадими?

11. Сиз одамлар орасида тез – тез бўлиб туришни ёқтирасизми?

12. Сизни кўпроқ:

а) ён – атрофдагиларнинг ихтиёрсиз, ёқимсиз хатти – ҳаракатлари, қаттиқ йўталиши ғазаблантирадими?

б) хатти – ҳаракат қоидаларнинг жамиятда онгли равишда бузилиши жаҳлингизни кўзгатадими?

13. Агар бирон бир баҳсда ҳамма сизга қарши фикр билдиришса одатда сиз уларга ён берасизми?

14. Сиз ўз кулқ – атворингизда ҳаққонийлик ва умум ахлоқий принципларга риоя қиласизми?

15. Сизда янги таассуротларга ва ноавиқликни аниқлашга нисбатан ҳоҳиш тез – тез вужудга келадиими?

16. Кўпчилик одамлар ўз қизиқишларини одатда бошқалар истагига қарши бормасдан қурбон қиладилар, деб ҳисоблайсизми?

17. Сиз ўзингизни ҳаёт ва унинг талабларига мукаммал мослашганман, деб ҳисоблайсизми?

18. Сиз қандай иш билан шуғулланишни маъқул кўрасиз?

а) жуда қизиқ;

б) унчалик қизиқ эмас, лекин маълум бир ижтимоий мавқега олиб келадиган.

19. Исрофгарчилик сизда кескин салбий ҳис – туйғуни кўзгатадими?

20. Сиз ўзингиздан ғазабланган ҳолатингизда бошқаларга ёқмайдиغان танбеҳ беришга қодирмисиз?

21. Сиз тез – тез атрофдагилардан юз ўгириб, паришон бўлиб турасизми?

22. Сиз ётиш олдидан аччиқ чой ёки кофе ичган чоғингизда ҳам яхши ухлай оласизми?

23. Айрим вақтда, агар муваффақият қозониш учун имконият кам бўлса ҳам таваккал қилиш мумкин деб ҳисоблайсизми?

24. Агар сиз тайиш болалар бир – бири билан ўйинчоқ учун жанжаллашаётганини кўриб қолсангиз:

а) жанжаллашишларига йўл қўйиб берасизми?

б) баҳсни хал қилиш учун аралашасизми?

25. Сиз ўзингиздан юқори мартабали ёки нимаси биландир сиздан юқорироқ турувчи шахс олдида уялгандек ҳис қиласизми?

26. Агар одамлар сизнинг орқангиздан ҳеч бир сабабсиз фикр билдирса сиз бунга қайғурасизми?

27. Агар зарурият туғилса ҳаётий қийинчиликларга қарши чиқа оламан, деб ишонч билдирасизми?

28. Агар сизга нотаниш шахарга бориш тўғри келиб қолса:

а) экскурсиячи хизматидан фойдаланишни афзал кўрасизми?

б) мустақил танишишни лозим топасизми?

29. Сизни одамлардан осон жаҳлингиз чиқадими?

30. Баъзи бир пайтларда сиз ўзингизга — ўзингиз ачинасизми?

31. Агар ким биландир танишишни истасангиз, у билан яқинлашишга биринчи бўлиб қадам қўясизми?

32. Сиз ўзингизда бетобликни тез — тез ҳис қиласизми?

33. Сиз ярим тунда қабирстонда ҳеч қандай ёқимсиз ҳис — туйғусиз юра оласизми?

34. Одатда сиз ишни бошлаб туриб:

а) агар қийинчиликларга дуч келсам, уларни енга оламан, деб ҳисоблайсизми?

б) унга киришишдан аввал, унинг ечимини олдиндан кўра оласизми?

35. Агар тўсатдан бегона кишиларнинг диққат марказида бўлиб қолсангиз унда сиз ҳижолат тортасиз?

36. Буйруқ беришни яхши кўрувчи ва сиздан фойдаланишни истовчи кишиларга қарши туриш истаги вужудга келганми?

37. Сизда сабабсиз ташвишланишга хоҳиш (майл) борми?

38. Сиз режа тузишда нимани афзал кўрасиз:

а) ўзингиз тузишними?

б) бошқалар билан маслаҳатланиш тузишними?

39. Сиз одатда ҳис — туйғуларингизни билдирмасликни ундайсизми?

40. Ҳашингизга ҳаддан зиёд майда қийинчиликлар тегадими?

41. Газетадаги қайси сарлавҳа Сизни кўпроқ қизиқтиради?

а) халқаро ҳамжиҳатликнинг янги йўллари?

б) физика соҳасидаги янги йирик кашфиётми?

42. Одатда сиздан ҳаммадан кўпроқ талаб қилинганда, қувватингиз етарлича бўладими?

43. Агар сиз суҳбат пайтида бирон — бир кишининг ўз мулоҳазасини айтишга уялаётганлигини кўрсангиз:

а) уни ўз мулоҳазасини айтишга ундашга ҳаракат қиласизми?

б) фурсатдан фойдаланиб, ўз сўзингизни айтасизми?

44. Сиз шуғулланаётган нарсангизга диққатингизни енгил жалб қила оласизми?

45. Агар сиз ёқтирган бошқа жинсдаги шахс билан юзма – юз гаплашмоқчи бўлсангиз унга журъатсизлигингиз халақит бермайдими?

46. Сизга ҳаддан ташқари илтифот кўрсатадиган кишиларга нисбатан ишончсизлик билан қарайсизми?

47. Ҳаётда ўзингизга сиз ҳеч нарсага эриша олмайдиган ва ҳеч нарсага эришмайдиган киши бўлиб туюласизми?

48. Агар сиз бирор нарсани аниқламоқчи бўлсангиз:

а) буни бошқалардан сўраб сўнг амалга оширишни афзал кўрасизми?

б) Шу соҳадаги махсус адабиётларни ўқиш орқали бунга эришишни афзал кўрасизми?

49. „Кийин вазиятда сиз наришонликка ёки ҳаддан ташқари таъсирчанликка мойилмисиз?

50. Агар сизни бироя – бир нарса мувозанатдан четга чиқарса, сиз аввалги ҳолатингизга тез қайтасизми?

51. Сиз ўз бўш вақтингизни:

а) мунозарали тўғаракка қатнашиш биланми?

б) хаваскорлик фото тўғарагида ўтказишни афзал кўрасизми?

52. Сизни кўпроқ:

а) суҳбат давомида айни бир мавзуга бир неча бор қайтадиган;

б) ичиб олиб атрофдагиларни ранжитадиган кишилар гапингизга тегадими?

53. Узоқ давом этадиган ишга қиришганингизда:

а) зарурият тугилса дам олишингиз ва бўлашингиз мумкинми?

б) бу иш тугамагунча ундан бўшашиш, бутунлай воз кечиш қийин бўладими?

54. Шахсларро кишилар билан муносабатда сизни

а) эмоционал киши;

б) хушёр, амалий киши деб ҳисоблайдиларми?

55. Сизга кўпчилик орасида катта зиёфатларда, рақс кечаларида бўлишадими?

56. Сиз ўз рақибингизга нисбатан нафрат, ҳасад, ҳис – туйғусиз у билан кураша оласизми?

57. Ҳазил объектига айланиб қолсангиз сиз ўзингизни йўқотиб қўясизми?

58. Оммавий спортнинг мақсади:

а) жамоатчилик туйғусини тарбиялаш;

б) иродавий ва жисмоний сифатларни ривожлантириш деб ҳисоблайсизми?



75. Сиз ўзингизни одамшаванда (муомилали) суҳандон деб ҳисоблайсизми?

76. Агарда бирор киши ноҳақ ва ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётганига ишонч ҳосил қилсангиз, унга зид чиқиш сиз учун қимматга тушса ҳам унга қаршилик кўрсатишга интиласизми?

77. Ёмон кайфият, ҳеч кимни кўришни ва ҳеч ким билан гаплашишни хоҳламайдиган даврлар сизда:

а) тез — тез бўлиб турадими?

б) жуда кам бўлиб турадими?

78. Агар сиз бирор топшириқни амалга оширишингиз керак бўлса:

а) қобилиятли ва мустақил ходимлар жамоада ишлаш лозим деб тоғармидингиз?

б) бир ёки икки ёрдамчи билан чекланиб ҳамма нарсани ўз қўлингизга олармидингиз?

79. Фаолият хусусияти тез — тез ўзгариб турадиган иш сизга ёқадими?

80. Агар қийин топшириқни бажаришингиз лозим бўлса, у ҳақидаги фикр сизни қийнайдами?

81. Поездада ёки бошқа жамоат жойларида нотаниш кишилар билан учрашиб қолсангиз уларнинг ким эканлигини, нима билан шуғулланишларини билишни хоҳлайсизми?

82. Баъзи пайтларда одамлар сизга керагидан кам ҳушмуомила ва дўстона муносабатда бўлаётгандек туюладими?

83. Бошланқлар олдида маълум бир безовталикни ҳис қиласизми?

84. Сиз ўта синчковликка ҳафсаласи йўқ, беғам одам бўлиб ҳисобланасизми?

85. Атрофингиздаги одамлар билан муносабатингизда:

а) ўз ҳис — туйғуларингизни енгил очиб ташлайсизми?

б) уларни ўзингизда яшириб қолдирасизми?

86. Давримизнинг кўп бахтсизликлари қўйидагилар билан боғлиқ деб ҳисоблайсизми?

а) ёвуз ниятнинг мавжудлиги

б) ақл ва билимнинг етарли эмаслиги

87. Одатда уйқуга кетишдан олдин ўринда узоқ ётасизми?

88. Сиз қандай ўқитувчига эга бўлишни афзал кўрасиз?

а) сиз хоҳлагандай ишлашга руҳсат берадиган;

б) сизга доимо маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериб турадиган.

89. Сиз одатда мунозарада гапиришингиз кераклигича ишонч ҳосил қилганингиздагина сўз оласизми?

90. Узоқ вақт давомида дам олишга эҳтиёж сезмасдан ақлий ва жисмоний меҳнат қила оласизми?

91. Кечани: а) компанияда; б) севимли машғулот билан ўтказишни афзал кўрасизми?

92. Ҳар биримизда камчилик жуда кўп бўлганлиги учун биз ўзаро бир — биримизга шафқат қилишимиз керак деб ўйлайсизми?

93. Атрофдагилар қачонлардир сизни мағрур, ўзига ишонган ва фақат ўзи билан ўзи машғул, деб айтишганми?

94. Кўп сонли тингловчилар олдида сўзга чиқишга қийналасизми?

95. Агар муҳим мақсадларга эришиш йўлида катта тўсиқларга дуч келсангиз:

а) қийинчиликларга қарамай ўз ниятингизда (аҳдингизда) қоласизми?

б) шароитта кўникиб, ўзингиз учун бошқа мақсадларни қидирасизми?

96. Сизни осон тушуниш мумкин, деган фикрга қўшиласизми?

97. Бўш вақтингизда ҳам ташвишлардан узоқлашиб дам олишга осонлик билан эришасизми?

98. Бўш вақтингизда нимани афзал кўрардингиз:

а) ҳаваскорлик тўғрисида қатнашиш ва теннис билан шуғулланиш;

а) марка тўплаш ва бадиий адабиёт билан шуғулланиш.

99. Ҳар бир нарсани бошлашдан олдин уни пухта режасига аҳамият берасизми?

100. Агар мажбуран бекорчилик ҳолатида бўлсангиз, одатда қозғоқ бўлагига нималарнидир чизиб айлантира бошлайсизми?

## Б. Кэттел тестининг жавоблар бланкаси

Исми-шарифи \_\_\_\_\_  
 Туғилган йили \_\_\_\_\_  
 Гуруҳи \_\_\_\_\_ Мутахассислиги \_\_\_\_\_

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
41	42	43	44	45	46	47	48	49	50
51	52	53	54	55	56	57	58	59	60
61	62	63	64	65	66	67	68	69	70
71	72	73	74	75	76	77	78	79	80
81	82	83	84	85	86	87	88	89	90
91	92	93	94	95	96	97	98	99	100

### I. Натижаларнинг ишланмаси ва унинг изохи.

Тавсия қилинаётган тест — бу Р.Б.Кэттел тестининг қисқартирилган вариантдир. Бу тест тўла ҳажмда олинадиган бўлса, унда 187 саволдан ташкил топгандир. Тест 17 ёшдан етуклик ёшгача бўлган одамларни ўрганиш учун мўлжалланган. Бизнинг назаримизча, бу метод қисқа муддат ичида шахсни ўрганиш имконини беради. «а» пунктига берилаган «ҳа» жавоби 1 балл билан, «?» жавоби 0,5 балл билан, «б» пунктига берилаган «йўқ» жавоби 0 балл билан баҳоланади. Баллар ҳисоби вертикал бўйлаб олиб борилади.

- Йиғинди:** 1 — 3 балл — тараққиётнинг паст кўрсаткичи.  
 5 — 6 балл — тараққиётнинг ўртача кўрсаткичи.  
 8 — 10 балл — тараққиётнинг юқори кўрсаткичи.

**Биринчи вертикал бўйича йиғинди** — «мулоқотга мойиллик»

**A-86,86 норма.**

**Паст кўрсаткичлар:** Эгилувчан эмас, совуқ, лоқайдлик, одамовулик, одамларга нисбатан қогозлар, предметлар билан қизиқиброқ ишлайди, ёлғизликда ишлашни ёқтиради. Компромиссив қарашлар, нуқтан назарлар, ҳукмлардан қочади. Баъзан бу одамлар қайсарликка йўналган қаҳри қаттиқ, яхшиликни раво кўрмайдиган кўринишга эга.

**Юқори кўрсаткичлар:** одатда очиқ кўнгул, ўзини эркин тутати, қарорларни енгил қабул қилади, ёрқин эмоционаллик хусусиятига эга, мулоқотга эҳтиёжли, раҳмдил одамларга диққат эътиборли, тушуварли, эгилувчан. Ижтимоий аҳамиятга молик вазиятларни, атрофдагилар билан машғул бўлишни севади. Уз атрофига одамларни йиға олади, гуруҳларга фаол кира олади.

Ўзининг шахсий алоқаларида юмшоқ ва фаол одамлarning исмини ёдда сақлайди.

Куйидаги хусусиятлар тараққиётнинг юқори ва паст кўрсаткичлари бўйича тавсиф берилади, ўртача кўрсаткичи эса ўз – ўзидан тушунарли.

**Иккинчи вертикал бўйича йиғинди** – «эмоционал (ҳиссий) барқарорлик» С–7,47 норма.

**Асабийлик.**

**Паст кўрсаткичлар:** ўзгарувчан, ҳаддан ташқари эгилувчан, ҳаётнинг зарурий талабларини бажаришдан қочади. Асабларини чарчатади, инжиқ, асабий, унда ҳаяжонланиш, зерикиш, нохушлик ҳолати тез вужудга келади, ҳамма нарса тез жонига тегади. У қониқмасликни ҳис қилади.

**Барқарорлик.**

**Юқори кўрсаткичлар:** эмоционал етуклик, барқарорлик, ҳаётга реалистик қараш, хотиржамлик, кайфиятнинг барқарорлиги, кучли иродали, саранжом. Бу одам бир гуруҳ одамлар руҳини кўтариш қобилиятига эга. Баъзан бундай одамлар шароит билан келишадилар, ҳал қилинмаган ҳиссий кечинмаларни бўлишига қарамай, ўз ҳолатини тартибга келтира олади ва вазиятга мослаша билади.

**Учинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «ҳукмронликка интилиш»

**Е–5,55 норма.**

**қарор қабул қилаолмаслик.**

**Паст кўрсаткичлар:** атрофдагилар истак ва мақсадларига кўлинича ён берадиган одам, у итоаткор ва конфор ҳисли (бу одамнинг тенденцияси атрофдагилар талабига мослашиши ва уларнинг фикрига мос келиши учун бошқа одамлар таъсири остида ўз хулқини ўзгартиришдир). Кўпинча бундай одамлар ўзгаларга тобе, қўрқоқ, очиқ кўнги, зарур талабларни ва шартларни қандай бажарилаётганини хавфсираб кузатиб боради.

**Юқори кўрсаткичлар:** даъвогар одам, ўзига ишонади, фикрлаши мустақил, қаттиққўл, ўз қонунларини ўзгартиради. Деярли ҳар доим ҳукмронликни яхши кўради лекин раҳбарларга одатда бўйсунмайди.

**Тўртинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «онглилик, онгсизлик»

**С – 7,8 норма.**

**Паст кўрсаткичлар:** вақтдан фойдаланиб вазиятдан фойда излайди, қоидалардан ўзини олиб қочади, бурчларни кам ҳис қилади. Мақсадлари ўзгарувчан, хулқи ихтиёрий эмас, ижтимоий – маданий талабларни бажариш учун куч

сарфламайди. Гуруҳ таъсирида салбий хатти – ҳаракатларини қилиши мумкин, лекин вақти – вақти билан ундаги эркинлик унинг фаолиятини самарали қилиши мумкин.

**Юқори кўрсаткичлар:** виждонли, унга ишонип мумкин, мажбуриятни ҳис қилади, ўзига талабчан, бурч ҳиссига асосланади. Тиришқоқ, жавобгарликни ўзига олади, кўп нарсаларни режалаштиради ва вақтни бекорга ўтказмайди. Хушчақчақ давраларда виждонан ишлашни маъқул кўради.

**Бешинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «ижтимоий мардлик»

**Н – 7,65 норма.**

**Сустлик.**

**Паст кўрсаткичлар:** уятчан, ўзига ишонмайди, кўрқоқ, ўзини доимо четга олади, одатда ўзидан кўнгли тўлмасликни ҳис қилади, секин ва қийналиб гапирди. Шахсий алоқа билан боғлиқ бўлган касблардан қочади. 1–2 дўсти бўлишини маъқул кўради. Кўпчилик билан алоқада бўлишни, атрофида бўлаётган ҳодисаларга аралашини маъқул кўрмайди.

**Мардлик.**

**Юқори кўрсаткичлар:** мард, тўла эркин, ижтимоий ботир, эҳтиёткор эмас, эзилмаган, мулоқотга эҳтиёжли, янги нарсаларни текшириб кўришни яхши кўради, ҳиссий қўзғалиши жонли, Унинг «терисининг қалинлиги» унинг устидан шикоятларни, одамлар билан муомала қилишдаги қийинчиликларни енгишни, ҳиссий зўриқиш вазиятини енгиш бошдан кечиришни таъминлайди. Деталлар билан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиши хавф эътироф этиши мумкин. Уддабурон, ўзига қарама – қарши жинсга нисбатан қизиқувчан.

**Олтинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «ишонувчанлик»

**У – 4,32 норма.**

**Паст кўрсаткичлар:** ишонувчан, мослашувчан, рашик ва ҳасад қилишдан озод. Кувноқ, зиддиятларга интирмайди, бошқалар ҳақида кўпроқ қайғуради, гуруҳларда яхши ишлайди.

**Шубҳаланиш.**

**Юқори кўрсаткичлар:** шубҳаланувчан, ўзининг шахсий фикрига эга. Алданмайди, ишончсиз, иккиланувчан, кўпроқ «Мев» га асосланади, қайсар, ички психологик дунёга қизиқувчан ҳаракатларида эҳтиёткор, бошқа одамлар ҳақида кам ғамхўрлик қилади, гуруҳда ёмон ишлайди.

**Еттинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «ишонч, ишончсизлик»

**О – 6,58 норма.**

**Ишонч.**

**Паст кўрсаткичлар:** ўзига қатъий ишонади, хотиржам, уни ўзини бошқара олмаслиқ ҳолатига олиб келиш ва ўзига бўлган ишончини йўқотиш ҳолатига олиб келиш қийин. Ҳеч қачон оғиншмайди, ишга бўлган ўзининг қобилиятига ва ўзига бўлган ишонч ўсиб етган. Ҳаракатларидаги муносабатлардан таъсирланмайди, унинг фикри гуруҳ фикрига мос келмагандагина ишончсизлик ҳолати юзага келиши мумкин.

**Ишончсизлик.**

**Юқори кўрсаткичлар:** ваҳимада, ўзини айбдор, деб айтилиши йўналишида ва камситилишида безовталанади. Кайфияти ёмон, олдидан нохуш фикрлар ва ҳислар вужудга келиши устунлик қилади. Кўпинча унда мени «гуруҳ тушунмайди» деган ҳиссиёт мавжуд бўлади.

**Саккизинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «Тобелик, мустақиллик» **О – 5,75 норма.**

**Тобелик.**

**Паст кўрсаткичлар:** етакчи, ўзи таркибга кирган гуруҳга тобе унинг орқасидан эргашади, бошқа одамлар билан бирга ишлашни, қарор қабул қилишни маъқул кўради, ижтимоий маъқуллашни, завқланишни ва уларга тобе бўлишни яхши кўради. Гуруҳ билан бирга бўлишга мойил. Мулоқотга унчалик эҳтиёж сезмайди, унга кўпроқ гуруҳнинг қўллаб – қувватлаши зарурроқ.

**Мустақиллик.**

**Юқори кўрсаткичлар:** мустақил, ўзидан кўнгли тўқ, ўзининг шахсий қарорларини тавсия қилади, тадбиркор, удабурон. Ўз йўлини тутишга мойил, ўзининг шахсий қарорларини қабул қилади, одамлар фикри билан ҳисоблашмайди, бошқаларнинг ўзаро муносабатларида устунлик қилишни шарт эмас. У одамларни ёқтирмайди, деб бўлмайди, фақат уларнинг фикрига ва қўллаб – қувватлашларига муҳтож эмас.

**Тўққизинчи вертикал бўйича йиғинди:** – «ўзини ўзи назорат қилиш» **О – 6,32 норма**

**Паст кўрсаткичлар:** интизомсиз, ўзининг шахсий интилишлари билан ҳисоблашади. Умумий қабул қилинган талабларга эҳтиёткор эмас, иродавий назоратга асосланмайди. Одамларга диққат эътиборли эмас, ўзини етарли даражада мослашганман, деб ҳисоблаши мумкин.

**Юқори кўрсаткичлар:** назоратли, ўзини юқори даражада назорат қилади. Умумий ҳуқ ва ўзининг иродавий

ҳиссиётларини кучли назорат қилиш тенденцияси мавжуд. Эътиборли, ўзини ҳурмат қилинишига ғамхўрлик намоён қилади. Баъзан қайсарликка мойил.

**Унингчи вертикал бўйича йиғинди:** – «қўзғалувчанлик ва зўриқиш»

**Паст кўрсаткичлар:** Бўшашган, қониқиш ҳисси билан боғлиқ бўлган ҳолда зўриқиш сусайган. Баъзи бир вазиятларда ҳаддан ташқари ўзидан қониқиш дангасаликка олиб келади. Мураккаб мақсадлардан ўзини олиб қочади. Камроқ хатоларга йўл қўйиш учун олдига кичик мақсадлар қўяди.

**Юқори кўрсаткичлар:** Зўриққан, қўзғалиш кучли, меъёрдан ортиқ фаол, сабрсизликка мойил. У кўпинча толиққан. Гуруҳдаги бирлик, етакчилик даражасини нотўғри баҳолайди. Унинг ҳаяжонланиб куйиниши кўпроқ мақсадларини амалга оширимай қолиб кетишига олиб келади.

## ДИФФЕРЕНЦИАЛ–ДИАГНОСТИК СЎРОВНОМА (ДДС)

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологлар ишида ўқувчиларда қандай касбларга мойилликлар мавжудлигини аниқлаш, уларни касб ҳунарга тўғри йўллаш, улар билан касб–ҳунарга оид масалаларда маслаҳат ишларини олиб бориш каби масалалар энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар қаторига киради. Инсон шахси ривожланишининг шу босқичда тўғри йўлни танлаш олиши, унинг келгуси ҳаёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун психологик амалиётда кенг қўлланилиб, ўзининг самарадорлиги, фойдаланиш учун қулайлиги билан характерланиб келаётган методикалардан бири Е.А. Климов томонидан таклиф этилган «дифференциал–диагностик сўровнома» (ДДС) дир.

Касб танлаш, касбга йўллаш ишлари билан узоқ йиллар давомида шугулланиб келган атоқли психолог олим Е.А.Климов касбларнинг беш асосий типини аниқлайди:

– Одам–табиат (қишлоқ хўжалиги, аграрном, биолог, ветеринар, зоолог, геолог ва ш.к.)

– Одам–техника (техник–технолог, қурувчи, электрик, механик, машинасоз, техник ва ш.);

– Одам–одам (ўқитувчи, тарбиячи, ҳамшира, врач, журналист, ҳуқуқшунос, кутубхоначи, савдо ҳодими ва бошқалар);

– Одам–белгилар тизими (иқтисодчи, ҳисобчи, режаловчи, техник–дастурчи, оператор, муҳаррир, математик ва ш.к.);

— Одам — бадиний образ (безакчи, пардозчи, муסיқачи, артист, рассом, режиссёр, танқидчи ва бошқалар). Бу методика ёрдамида синалувчининг фаолиятини у ёки бу туридан қайси бирини кўпроқ маъқул кўришлиги ва шунга мос равишда қайси касбга мойиллиги аниқланади. Ундан меҳнат таълимининг бошланиш босқичларида, яъни ҳали касбни ўзгартириш мумкин бўлган вақтда фойдаланиш ва унинг натижаларига асосланган ҳолда болага тўғри маслаҳат бериб унинг ўзининг индивидуал — психологик хусусиятларига кўпроқ мос келадиган касб — ҳунарга йўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. ДДС ўзининг қулайлиги, ихчамлиги ва ундан фойдаланиш синалувчиларда, натижаларни қайта ишлаш эса тадқиқотда жиддий қийинчиликнинг юзага келтирмаслиги ва кўп вақт талаб қилмаслиги билан фарқланади туради. Синалувчилар уларга берилган кўрсатмага биноан сўровномада келтирилган касблардан бирини танлаш орқали ўз жавобларини беришлари керак. Қуйидаги 2—ва 3—шаклларда сўровнома матни ва жавоб варақаси берилган. Жавоб варақаси (у айни вақтда камит вазифасини ҳам бажаради). Синалувчиларнинг ҳар бири учун олдин тайёрлаб қўйилган бўлиши ёки тадқиқот ўтказилаётган гуруҳнинг ҳар бир иштирокчисига яхши кўринадиган қилиниб ёзиб қўйилиши керак. Тадқиқот ўтказиш учун лозим бўлган воситалар тайёр бўлганидан сўнг синалувчиларга қуйидаги кўрсатмани бериш орқали тадқиқот бошлаш мумкин бўлади.

**Кўрсатма:** «Фараз қилайлик тегишли таълимни олганингиздан сўнг, сиз ҳар қандай ишни бажара оладиган бўласиз. Агар сизга таклиф қилинган икки имкониятдан фақат бирини (улардан бири ёки иккаласининг ҳам сизга ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъий назар) танлашингизга тўғри келгандек бўлса, унда сиз қайси бирини маъқул кўрган бўлардингиз?»

Ўз жавобларингизни, жавоблар учун берилган бланкада, тегишли катакларда қайд этилган сиз танлаган жавоб вариантнингиз тартиб рақами ва ҳарфини доира ичига олиб қўйиш билан билдиринг. Имкон қадар тезроқ ишлаганга ва жавобларингизда самимий бўлишга ҳаракат қилинг».

«Мен маъкул кўраман»

1а. Ҳайвонларга қараш (уларни парвариш қилиш)	боқиш,	ёки	16. Машина приборларига хизмат қилиш (уларни кузатиб туриш, бошқариш)
2а. Бемор кишиларга ёрдам бериш, уларни даволаш		ёки	26. Жадваллар, схемаалар, ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш.
3а. Китоб безаклари, плакатлар, бадиий откриткалар, грампластинкалар сифатини кузатиб бориш.		ёки	36. Ўсимликлар ҳолати, ўсишини кузатиш
4а. Материалларни (ёроқ, газлама, металл пластмасса ва ҳ.к) қайта ишлаш.		ёки	46. Махсулотларни истеъмолчиларга етказиш (реклама қилиш, сотиш).
5а. Илмий – оммабоқ китоб, мақолаларни муҳокама қилиш.		ёки	56. Бадиий китобларни (ёки пьеса, концертларни муҳокама қилиш).
6а. Бирор бир зотли (пародали) кичик ҳайвонни боқиш, парвариш қилиш.		ёки	66. Ўртоқларингиз (ёки ўзингиздан кичик болаларни) бирон – бир фаолият (меҳнат, ўқиш, спорт)ни бажариш учун шуғуллаштириш.
7а. Расм, тасвирлардан нусхалар кўчириш (ёки musiқа асбобларини созлаш, тузатиш).		ёки	76. Бирон – бир юк ташувчи (кўтарувчи) воситаларни (кран, трактор, теңловоз ва бошқалар) бошқариш.
8а. Одамларга (маълумот бюроларида, саёҳатларда ва бошқа) уларга керакли маълумотларни бериш, тузатиш.		ёки	86. Кўргазмаларни, пештахталарни безашда (ёки пьеса, концертларни тайёрлашда) иштирок этиш.
9а. Буломлар, нарсалар (кийим, техника)ни, уй – жойни таъмирлаш, тузатиш.		ёки	96. Жадваллар, тестлар, расмлардан хатоларни кидириб топиш ва тузатиш
10а. Ҳайвонларни даволаш.		ёки	106. Ҳисоб – китоб ишларини бажариш.
11а. Ўсимликларни навларини яратиш.	янги	ёки	116. Сановат махсулотларини (машиналар, кийимлар, уй, озик – овқат махсулотлари ва бошқ.)нинг янги турларини лойиҳалаштириш, яратиш.

12а. Одамлар ўртасидаги низо, жанжалларни ҳал қилиш (ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш).	ёки	12б. Чизмалар, схемалар, жадвалларни ўрганиш (текшириш, аниқлаш, тартибга келтириш).
13а. Бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги ишларини ўрганиш, кузатиш.	ёки	13б. Микроблар ҳаётини ўрганиш.
14а. Медицина приборлари, аппаратларни ишлатиш, уларга хизмат қилиш.	ёки	14б. Одамларга яраланганда, шикастланганда, куйганда ва бошқ. медицина ёрдами кўрсатиш.
15а. Кузатилаётган воқеалар, ҳодисалар ўлчанаётган объектлар ва бошқалар ҳақида аниқ ҳисоботлар ёзиб бориш.	ёки	15б. Воқеалар (кузатилаётган ёки улар ҳақида ўқиган) ни бадий ифодалаш.
16а. Касаалхонада лаборатория анализларини қилиш.	ёки	16б. Беморларни қабул қилиш, уларни текшириш, улар билан суҳбатлашни ва уларни даволашга йўллаш.
17а. Хона деворларини, нарсалар сиртини бўяш ва безаш	ёки	17б. Биноларни таъмир қилиш ёки машина приборларини йиғиш.
18а. Тенгдошларингиз ёки халқ ёшдаги болаларни (театр, музейларга, маданий саёҳатларини, экскурсияларини ва бошқ.) таъқил этиш.	ёки	18б. Саҳнада ўйнаш, концертларда шартроқ этиш.
19а. Чизмалар бўйича деталарни буюмлар (машина, кийимлар) ни тайёрлаш. биноларни қуриш.	ёки	19б. Чизмачилар билан шуғулланиш, чизмалар, карталардан нусхалар кўчириш.
20а. Ҳимликлар касалликлари ва боғ ўрмон зараркунандаларига қарши курашиш.	ёки	20б. Клавишлы машиналарда (ёзув машинкаси, телетайп ва бошқалар) да ишлаш.

**Дифференциал-диагностик сўров жавоб варақаси  
(калити)**

О-Т т	О-Та	О-О	О-Б т	О-Бо
1а	1б	2а	2б	3а
3б	4а	4б	5а	5б
6а		6б		7а
	7б	8а		8б
	9а		9б	
10а			10б	
11а	11б	12а	12б	13а
13б	14а	14б	15а	15б
16а		16б		17а
	17б	18а		18б
	19а		19б	
20а			20б	

**Дифференциал-диагностик сўров натижаларини қайта  
ишлаш.**

ДАС саволлари шундай тартибда гуруҳланганки, уларга берилган жавоблар фаолиятнинг турли соҳаларини фарқлаш имконини беради. Бу ўринда касб турлари шартли равишда қуйидагича қисқартириб олинди: I – устунда – «Одам – табиат» – О – Тт; II – устунда – «Одам – техника» – О – Та; III – устунда – «Одам – одам» – О – О;

IV – устунда – «Одам – Белгилар тизими» – О – Бт; V – устунда «Одам – Бадий образ» – О – Бо.

Синалувчиларга юқорида кўрсатилган жавоб варақаси тарқатилиб ва улар кўрсатмада таъкидлаганидек ўз жавобини тегишли рақам ва ҳарфни доира ичига олиш билан белгилаб бўлишганларидан сўнг, жавоб варақалари йиғиб олиниб, улар тадқиқотчи тамонидан қайта ишлаб чиқилиши ҳам мумкин ёки натижаларини қайта ишлашда синалувчиларнинг ўзларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда уларнинг ўзлари ўз жавоб варақасидаги ҳар бир устун бўйича белгиланган жавоблар миқдорини ҳисоблаб чиқадилар.

Қайси устун бўйича белгиланган жавоблар сонининг кўп бўлиши синалувчининг шу тоифа касбларига мойиллигини билдиради. Агар ҳамма устунлар бўйича жавоблар миқдори бир хил бўлиб чиқса, бу қизиқишлар ёйилиб кетганлигини у ёки бу касбга нисбатан қизиқишнинг шаклланмаганлигини ёки ёрқин ифодаланган устунлиқнинг йўқлигини билдиради. Бундай ҳолларда тадқиқотдан сўнг синалувчи билан бафуржа

суҳбатлашиш, унга қизиқишларини аниқлаб олишга ёрдам бериш лозим.

Агар синалувчида у ёки бу касбга мойиллик ёрқин ифодаланган бўлса ва у конкрет бир касбни танлаган бўлса, унда айнан шу касбни танлаш мотиви қандай эканлигини билиш зарурати ҳам юзага келиб қолиши мумкин. Бу ўринда психолог қуйидаги «касб танлаш мотивини аниқлаш» деб номланган методикадан фойдаланиши мумкин.

### КАСБ ТАНЛАШ МОТИВИНИ АНИҚЛАШ

**Кўрсатма:** «Қуйида ҳар қандай касбни характерловчи мулоҳазалар келтирилган. Уларни диққат билан ўқиб чиқинг ва улар сизни шу ҳозирги ўзингизни танлаган касбни танлашингизга қай даражада таъсир этганлигини баҳолашг. Ўз жавобларингизни тегишли катакчага «+» белгисини қўйиш билан белгиланг.

Ўзингиз ёқтирган касб, мутахасисликни ёзинг — — — — —

№	Тасдиқлар	Жуда кучли	Кучли	Ўрта ча	Куч сиз	Мут лақо
1.	Турли хил одамлар билан мулоқотда бўлишни талаб қилади.					
2.	Ота — онамга ёрдам.					
3.	Катта масъулият ҳиссини талаб қилади.					
4.	Янги яшаш жойига кўчиб ўтиш имкониятини беради.					
5.	Менинг қобилиятларимга мос келади.					
6.	Ўзимизда бор бўлган ас — боб — анжомлар, жиҳозлар билангина кифояланиш имконини беради.					
7.	Одамларга фойда келтириш имкониятини беради.					
8.	Ақлий ва жисмоний ривожланиш имкония — тини беради.					

9.	Катта ҳақ тўланадиган иш.						
10.	Уйимга яқин жойда ишлаш имкониятини беради.						
11.	Обрўи ҳисобланади.						
12.	Касб маҳоратини ўстириш учун имкон беради.						
13.	Ҳозирги мавжуд шароитда ягона мумкин бўлгани шу.						
14.	Раҳбарлик ишига қоби- лиятлиликни намоён қи- лиш имкониятини беради.						
15.	Қизиқарли, ўзига жалб қиладиган.						
16.	Мактабда ёқтирган фаним.						
17.	Менинг ўртоқларим тан- лашган.						
18.	Ижодкорликни намоён қилишга катта имко- ниятлар беради.						
19.	Меҳнатининг яхши нати- жаларига тезда эришиш имкониятини беради.						
20.	Ишдан ташқари вақтда ҳам касбий малакалардан фойдаланиш имкониятини беради.						

### Натижаларни баҳолаш.

Жавоблар қуйидагича баҳоланади:

«жуда кучли» – 5, «кучли» – 4, «ўртача» – 3, «кучсиз» – 2,

«мушлақо таъсир қилмаган» – 1

1, 5, 8, 15, 20 – тасдиқлар «И» – ички индивидуал аҳамиятга эга бўлган мотивлар.

3, 7, 12, 14, 17 – тасдиқлар «С» – ички ижтимоий – аҳамиятли мотивлар.

2, 6, 11, 13, 18 – тасдиқлар «+» – ташқи ижобий мотивлар.

4, 9, 10, 16, 19 – тасдиқлар «-» – ташқи салбий мотивлар.

қайси мотив бўйича умумий баллар йиғиндиси энг кўп, бу синалувчида шу мотивациянинг кучлилигини билдиради.

## ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Социометрия усули гуруҳдаги шахслараро муносабатларни аниқловчи энг самарали усуллардан биридир.

Социометрия бир қатор саволларга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу усулни амалга ошириш давомида текширувчига нисбатан бир қатор талаблар борки, бу талабларга текширувчи қатъий риоя қилиши лозим.

1. Аввало берилган жавоблар қаттиқ сир сақланишини текширувчилар билишлари жоиз.

2. Жавоб бериш чоғида ҳар бир текширилувчининг мустақил ҳамда эркин бўлишига шароит яратиш лозим.

3. Текшириш давомида текширувчи ўзини очиқ юз билан қувноқ ҳолда тутиши керак.

Демак, социометрия методида одатда 3 тадан 5 тагача савол бўлиши мумкин.

Психологияда социометрия методи турли гуруҳларда, жамоа — ларда, шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганишнинг кенг қўлланиладиган, энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Социометрия маълумотлари таҳлили шахснинг гуруҳда тутган ўрни, унда шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, гуруҳ лидери (гуруҳнинг тан олинган сардори), гуруҳ юлдузлари, гуруҳ аъзоларининг эгаллаган мавқеи, гуруҳда яққаланиб қолган (изоляцияга тушиб қолган) аъзо, гуруҳдаги кичик гуруҳчалар уларнинг таркиби, ўзаро муносабатлари, ундаги психологик муҳит ва шу бир каби қатор маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Социометрик тадқиқотни ўтказишда, аввало шахслараро муносабатларнинг у ёки бу жиҳатини баҳоловчи муҳим мезонни танлаб олиш лозим. Бунинг учун маълум бир реал вазиятга тааллуқли бўлган саволлар тизими тузиб чиқилади. Бу саволлар социометрик мезон сифатида хизмат қилади. Синалувчилар шу берилган саволларга биноан ўзи аъзо бўлган гуруҳдан ўзига шерик танлаш билан жавоб бериши керак. Социометрик мезон тадқиқот мақсадига мос тушгандагина шахслараро муносабатларнинг маълум бир жиҳатига қаратилади, холос. Социометрик мезонлар шартли равишда қуйидаги таркиблардан иборат бўлиши мумкин:

1. **Ролли:** "Сиз агар гуруҳ сардори бўлсангиз, бирон бир жиддий топшириқни бажариш учун ажратилган гуруҳ таркибига ўз курсдошларингиздан кимни киритган бўлар эдингиз?"

2. **Функцияли (Функционал):** "Сизнинг фикрингизча, курсдошларингиздан ким гуруҳ бошлиғи, етакчи бўла олишга лойиқ деб ҳисоблайсиз?".

3. **Амалий:** "Агар гуруҳ тарқатиб юборилгудек бўлса, унда Сиз янги гуруҳга шу курсдошларингиздан (шу ерда иштирок этаётганларидан) ким билан бирга тушишни хоҳлар эдингиз?". "Сиз навбатчиликни ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?".

4. **Эмоционал:** "Ўзингиз учун оғир дамларда шу синфдан кимга ёрдам учун мурожаат қилган бўлар эдингиз?". "Тутилган кунингга курсдошларингиздан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?". "Ўз сирингизни курсдошларингиздан қайси бирига айтишни лозим топасиз?".

5. **Коммуникатив:** "Ўз таътилингизни курсдошларингиздан ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?", "Ўқишни тугатганингиздан кейин ўз курсдошларингизни қайси бири билан бирга, бир жойда ишлашни хоҳлайсиз?" ва ҳ.

Социометрик меъзонларни танишда, саволларни тузишда конкрет вазиятлар ва гуруҳ синалувчиларининг хусусиятлари, уларнинг фаолияти ҳислатлари ва шу кабилар назарда тутилиши жоиз.

Социометрик тадқиқотларни олиб бориш тартиби

Синалувчининг социометрик карточкани тўлдириш қарори унинг (1 – шака) ихтиёрий, шахсий ишидир. Баъзи бир талабалар тадқиқотда иштирок этишдан бош тортишлари мумкин. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун олдиндан "социометрик разминка" қилиш, тадқиқот вазифаларини қисқа ва тушунарли тарзда баён этиш, унинг муҳим эканлигини уларга тушунтириб бериш ва энг муҳими, улар ишончини қозониш, жавоблари бошқалардан сир сақланишининг таъминланишига кафолат бериш, бунга иштирокчиларни ишонтира билиш керак.

Лекин тадқиқот натижалари синалувчиларга айтилмайди. Шуни эсда тутиш лозимки, гуруҳдаги норасмий алоқалар тизимини ҳаммага айтиш гуруҳ таркибида қутилмаган, нохуш ҳодисаларга олиб келиши, муносабатларда, ўзаро мулоқотда низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳар бир иштирокчи социометрик карточкаларни алоҳида тўлдириш учун алоҳида берилиши керак. Ҳеч қандай айтиб беришга ва карточкаларни ўзи билан олиб кетишга йўл қўймаслик лозим. Энг муҳим қўрсаткич гуруҳнинг барча аъзоларини тадқиқотга жалб эта олишдир.

Тўлдирилган карточкалар кейинчалик миқдор жиҳатидан, жадвали, амалий графика қайта ишланади.

Тадқиқотчи бугун гуруҳ аъзолари учун социометрик карточкани олдиндан тайёрлаб қўйиши мақсадга мувофиқ. Бунда карточканинг юқори қисмининг ўнг томонига таркибида иштирок этаётган синалувчининг (шу карточка эгасининг) исми – шарифи ёзиб қўйилади, чап томонидан эса 1, 2 ва 3 рақамлари устун шаклида ёзиб қўйилади ва уларнинг ёнидан фамилиялар ёзиш учун жой қолдирилади. Бу жойга синалувчи, яъни шу карточканинг эгаси ўзи танланган одамнинг (шу гуруҳда иштирок этаётган гуруҳ аъзосининг) фамилиясини ёзади.

Социометрик тадқиқот ўтказишнинг бирон бир мезони танаб олгангандан сўнг, масалан эмоционал мезон бўйича: “Ўз синингизни курсдошларингдан кимга айтган бўлар эдингиз?” ёки амалий мезон бўйича: “Агар гуруҳда ҳар ким ўзи хоҳлаган одам билан бирга (бир партада) ўтиришнинг ихтиёри берилса, унда сиз ким билан бирга ўтиришни хоҳлар эдингиз?” каби савол билан уларга мурожаат қилинади. Бу саволни олдиндан кўринадиган бирон – бир жойга (доскага, плакатга ва ш.к.) ёзиб қўйиш мумкин. Социометрик тадқиқот самарадорлигини ошириш учун уни гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этаётган вақтда ва улар ўзаро бир – бирларини етарлича билиб улгурмасдан сўнг ўтказиш лозим, шунингдек тадқиқотчи ҳам синалувчиларга таниш, ишончли одам (“ўз одами”) бўлиши мақсадга мувофиқ. (Психолог ёки бошқа бирон – бир шу гуруҳга яқинлиги бўлган одам бўлгани маъқул).

#### 1 – шакл

Абдуллаева Э.

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Синалувчилар эътиборини берилган саволга (топириққа) қаратиб, тажриба қайдасига биноан улардан, ўзларига шерик танлаши талаб қилинади. Масалан, “Туғилган кунингиз курсдошларингдан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?” — деган каби саволлар берилса, талабалар 1 – шаклда (яъни, уларнинг ҳар бирига тарқатилган социометрик карточкадаги) 1 рақамнинг тўғрисида ўз курсидаги шерикларидан, биринчи навбатда, кимни танласа, шу ўқувчининг фамилиясини ёзади. Ҳамма биринчи фамилияни ёзиб бўлганидан сўнг, уларга яна “Мабодо шу танланган шеригинг билан бирга ўтириш имкони бўлмаса унда иккинчи навбатда кимни танлаган бўлардингиз?” — деб мурожаат қилинади ва улар ўзларига бошқа шерикни танлайдилар ва ҳоказо.

Социометрик карточкалар тўддириб бўлинганидан сўнг, улар йиғиб олинади. Бунда карточкаларнинг тўғри тўддирилганлиги (албатта уч кишининг фамилияси ёзилган бўлиши, карточкага мазкур гуруҳ аъзоларидан ташқари ёки айни вақтда гуруҳда бўлмаган, тадқиқотда иштирок этмаган гуруҳ аъзосининг исми фамилияси ёзилган бўлмаслиги)ни текшириб олинishi лозим.

Маълумотларни қайта ишлаш

Жавобларни таҳлил қилишда социометрик матрица (1-жадвал) тузилади. Бунда гуруҳдаги шахслараро муносабатлар ва ўзаро шериклик муносабатлари акс эттирилади. Шунингдек, ўзаро бир-бирини танлашлар белгиланади (бир-бирларини танлаш) ва матрица доира ичига олиб қўйилади.

Келтирилган социометрик матрицани қуйидаги жадвалда тўддириш учун даставвал гуруҳнинг тадқиқотда иштирок этган аъзоларининг рўйхати алифбо бўйича ёзиб олинади ва унда нечта киши иштирок этган бўлса фамилиялардан сўнг жадвалда шунча устун қолдирилади ва тартиб бўйича уларга ҳам рақамлар қўйиб чиқилади.

Социометрик матрица

№	Ф.И.Ш.	1																		
1.	Абдуллаева Э	■																		
2.	Азизов Б.		■																	
3.	Алимов А.			■																
4.	Баҳдиев У.				■															
5.	Боймиров Х.	■				■														
6.	Кабиров С.						■													
7.	Махмудов И.	⊗						■												
8.	Махмудов Э.								■											
9.	Мусаев О.	⊗								■										
10.	Собиров И.										■									
11.	Толипов Ш.											■								
12.	Хамидов Ш.												■							
13.	Юлдашев Р.	⊗												■						
14.	Яминов О.														■					
15.	Ўктамов А.															■				
Танлашлар сони		4																		
Ўзаро танлашлар сони		3																		

Шундан сўнг социометрик карточка бўйича сигналчи кимларни танланган бўлса, карточкалар бўйича уни шу карточка эгасининг фамилияси ёзилган қаторга у танланган гуруҳ аъзосининг рўйхат тартиб рақами акс эттирилган устун остига

"+" белгиси қўйиб чиқилади. Ҳамма социометрик карточкалар бўйича танлашлар матрицага белгилаб бўлинганидан кейин ҳар бир устунда "+" лар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилиб, жадвал пастки қисмининг "Танлашлар сони" — деб кўрсатилган қаторига ёзиб қўйилади.

Ўзаро танлашлар эса синалувчилар бир—бирларини танлаш билан белгиланади. Матрицада ўзаро танлашларни кўрсатувчи "+" белгиларни доира ичига олиб қўйилади. Устунлар бўйича доира ичига олинган "+" лар миқдори матрицадаги (энг пастки қатордаги) "Ўзаро танлашлар сони" — деб ёзилган қаторга ёзилади.

Бу ўринда 12—рақамли аъзо (Ҳамидов Ш.) гуруҳда изоляцияга тушиб қолган. Энг кўп танланган 11—рақамли аъзо (Толипов Ш.) гуруҳнинг тан олинган лидери бўлиб ҳисобланади, ундан кейинги 5 ва 6 марта танланган 7—рақамли (Махмудов И.) ва 15—рақамли

(Ўктамов А.) аъзолар эса гуруҳ юлдузлари сифатида тан олинган. Социограмма кўрсаткичларига асосланган ҳолда Толипов гуруҳга расмий лидер этиб тайинлаш ва И.Махмудов ва А.Ўктамовларни гуруҳда бирон бир жамоатчилик функциясини бажаришга тайинлаш ўрганилаётган гуруҳда шахслараро муносабатлар барқарорлашувини таъминловчи, ҳал қилувчи омилардан бири бўлиб хизмат қилади.

Гуруҳдаги ўзаро ҳамкорлик коэффициенти қуйидаги формула билан топилади:

$$K_x = \frac{\sum x}{3n}$$

бу ерда  $\sum x$  ўзаро танланганларнинг умумий сони;  
Гуруҳдаги коммуникативлик коэффициенти эса

$$K_k = \frac{Nk}{n}$$

формула билан топилади;

Бу ерда  $N_k$  — микрогуруҳга кирган кишилар сони.  
Гуруҳдаги умумий психологик муҳит эса

$$K_{\text{п.м}} = \frac{K_x + K_k}{2} \text{ формула орқали топилади.}$$

Бундан ташқари гуруҳдаги яширин лидер иккинчи саволга ёзилган жавобларни оддий математик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ким энг кўп овоз олган бўлса, уша шахс гуруҳнинг яширин лидери ҳисобланади. Гуруҳдаги ҳар бир кишининг

мавқеи (статуси) 3 та саволга асосланган ҳолда қуйидаги формула орқали топиллади:

$$St = \frac{\sum m}{2(n-1)}$$

бу ерда  $\sum m$  гуруҳдаги ҳар бир кишининг умумий олган баҳолар йиғиндиси, шундай қилиб олинган натижалар қуйидагича хулоса чиқаришга имкон беради;

1) Бир – бирини танлаш гуруҳда қанчалик кўп бўлса, гуруҳ шунчалик уюшган ва ўзаро ҳамкор.

2) Гуруҳдаги мавқе шахснинг шаклланишига катта таъсир кўрсатишини ҳисобга олиниши, бу кўрсаткич 0,55 дан юқори бўлса, бундай шахсларга индивидуал ёндашишга, уларнинг бундай мавқе эгаллашларига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаб кўрсатиш зарур. Энг муҳими, бунда энг муҳими психологик такт доирасидан четга чиқмаслик лозим.

3) Гуруҳдаги коммуникативлик, яъни ўзаро мулоқот коэффициентини 1га қанчалик яқинлашса, бу шунчалик барқарорликдан дарак беради. Агар бу кўрсаткич 0,2 дан паст бўлса, албатта бунга сабабчи бўлган омилларни қидириб топиш зарур.

4) Психологик муҳитни ифодаловчи кўрсаткич 0,65 дан юқори бўлса, демак гуруҳда ижобий психологик муҳит мавжуд. Бунинг натижасида гуруҳда ўзаро ҳурмат ҳукм суради, Улар гуруҳ олдидagi жавобгар эканликларини ҳис қиладилар.

## КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ ТЕСТИ

Сизга тавсия қилинаётган тест саволлари педагогик фаолиятнинг психологик диагностикасига бағишланган. Шунинг билан бирга, бу маълумотлар мамлакатимиздаги халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий ва касбий сифатларингиз ҳақидаги маълумотлар.

Сиз учун қуйидаги жараёнлар учун фойдали бўлади:

- аттестацияга тайёрланиш кезида;
- шахсий – касбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишлашни такомиллаштиришда;

- ҳаёт – фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни "Мен" – концепция бўйича (ўзингиз ҳақидаги тасаввурни) баҳолашингизда.

Ушбу тажрибада ишгирок этганингиз учун сизга олдидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ҳар бир фикрга "ҲА" (+) ёки "ЙЎқ" (-) белгисини қўйиш билан жавоб беришнинг мумкин.

1. Танишларимнинг кўплари мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман.

2. Камдан – кам гашим ишимга тўғри келмайди.

3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса керак, деб ўйлайман.

4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчиликларимни кўраман.

5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб қила оламан, деб ўйлайман.

6. Ўзимга мени ёқтирган одамнинг кўзи билан қараганимда, шахсий образи ҳақиқатдан қанчалик узоқлиги туфайли нохуш ҳислар туғилади.

7. Баъзан ўзини ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб ҳисоблайман.

8. Менинг "МЕН" им ўзим учун ҳар доим қизиқарлидир.

9. Шахсий ҳаётимда менга ҳаддан зиёд қалбан яқин бўлган одамларим бўлган.

10. Ўзимни ўзим ҳурмат қилишим учун ўз имкониятимни янада ишга солишим жоиз.

11. Ўзимни ўзим жуда ёмон кўрган вақтим бўлган ва у бир марта эмас.

12. Мен тўсатдан лайдо бўлган хоҳишимга тўла ишонаман.

13. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ўзгартиришни истайман.

14. Мен учун шахсий "МЕН" им алоҳида ҳислатларни ҳурматга сазовордек бўлиб туялмайди.

15. Менинг ҳаётимда ҳамма нарса орзу қилганимдек бўлишини сиққидидан хоҳлайман.

16. Мен бировга таъна тошини ёғдиришдан кўра, энг аввало ўзимни айбламан.

17. Тўсатдан танишган одам учун кўпроқ ёқимли шахсдай туяламан.

18. Мен кўпинча ўз режаларимни ва хатти – ҳаракатларимни қўллаб – қувватайман.

19. Шахсий заифликларим менда қазаб туйғусига ўхшаш кечинмани уйғотади.

20. Мабодо мен руҳан икки киши бўлиб қолсам, у ҳолда ўзимнинг иккинчиси билан қизиқарли суҳбат қилган бўлардим.

21. Ўзимнинг баъзи бир ҳислатларим менга бегонадек бўлиб туялади.

22. Кимнингдир шахсиятида менга ўхшаш томони борлигини ҳис қилолмайман.

23. Ҳйлаган режамни амалга ошириш учун қобилиятим ва имкониятим етарли.

24. Мен кўпинча ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман.

25. Инсоннинг шахсий ҳаётида қиладиган энг ақлли иши — бу ўз тақдирига ўзи тан беришидир.

26. Биринчи қарашда бегона одам менга қараганда ўзгалар хусусиятларини топганга ўхшайди.

27. Агар мен бирор ваъда қилган бўлсам, афсуски, бу худди айтганимдай иш тутаман, деган сўз эмас.

28. Ўзимга нисбатан муносабатимни дўстлик муносабати, деб атаса бўлади.

29. Шахсий камчиликларга мурувватлилик — бу табиий ҳолдир.

30. Севган одамим учун қизиқарлик манба бўлишлик менинг кўлимдан келмайди.

31. Қалбимнинг тубида мен билан қандайдир муддат фалокат юз бераётгандай туюлади.

32. Мен ўз танишларимнинг кўпчилигига ёқимтой бўлиб туюлсам керак.

33. Мени севадиган одамимнинг кўзи билан ўзимга қараш жуда ёқади.

34. Менда ҳоҳиш — истак пайдо бўлганда, аввало ўзимдан — ўзим "бу ақданми?" деб сўрайман.

35. Баъзан менга шундай бўлиб туюладики, қандайдир донишманд руҳий дунёни кўра олганида эди, ўзимнинг қанчалик қаншоқ эканлигимни дарҳол англаган бўлар эдим.

36. Гоҳо ўзимдан ўзим фахрланам.

37. Мен ўзимни баҳолоймав, десам бўлади.

38. Мен ҳақиқатдан нуфузли одам эканлигимга қалбимнинг туби билан ҳеч ишонгим келмайди.

39. Бегона одамларнинг ёрдамисиз мен кўп нарсаларни уддалай олмайман.

40. Баъзан мен ўзимни ўзим тушуна олмайман.

41. Мақсадга йўналганлик, иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда халал беради.

42. Бошқалар мени етарли даражада юқори баҳоласалар керак, деб ўйлайман.

43. Менинг шахсимда қандайдир бошқаларни ўта ёқтирмаслик тўғрисига ўхшаш нимадир бор.

44. Кўпчилик танишларим мени унчалик жиддий одам, деб қабул қилмайдилар.

45. Менда доимо қўзғатувчилик ҳисси мавжуд бўлганлиги туфайли ўзимдан ўзим қувонаман.

46. Мен ўзимни ўзим ҳурмат қиламан, деб айта оламан.

47. Ҳатто менга салбий хислатлар ҳам бегона эмас.

48. Асосан, мен қандай мавжуд бўлсам, худди шу нарса мени қониқтиради.

49. Мени бошқалар чинакамита сева олмасалар керак.

50. Менинг орзуларим ва режаларим ушалишига амалий ифода етишмайди.

51. Агар менинг руҳан иккинчи "Мен"им бўлганида эди, у мулоқотда мен учун энг зерикарли шерик бўлар эди.

52. Уйлайманки, ҳар бир қандай ақли ва билимли инсон билан умумий тил топилса бўлади.

53. Мендаги руҳий кечинмалар, мен учун тушунарлидир.

54. Менинг ижобий фазилатларим нуқсонни ёзиб кетади.

55. Мени виждонсизликда айблайдиган одамлар топиламаса керак.

56. Менда кўнгилсизлик содир бўлса, ўзимга – ўзим "қилмишига яраша – да" деб айтаман.

57. Умуман мен ўз тақдиримга бепарқ эмасман, деб айта оламан.

### Илова 1 .

#### Жавоб варақаси

№	Жавоб		Феномен устун											
	ҳа	Йўқ	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.														
2.														
3.														
4.														
5.														
6.														
7.														
8.														
9.														
10.														
11.														
12.														
13.														
14.														
15.														
16.														



### Натижалар 24.таҳлили:

"ҲА" (+) "ЙЎҚ" (-) деб жавоб берилганидан қатъий назар, жавобингизни калипта мослиги 12 балл баҳо олишингиз учун имкон беради.

I. Ўзимнинг "Мен"дан "Рози" ёки "Норози" бўлиш интеграл ҳисси устуни. "ҲА" — 2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

"ЙЎҚ" — 6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.

Натижалар таҳлили:

0 — 10 балл — Сиз кўпроқ ўз "Мен"ингиздан норозисиз.

11 — 20 балл — Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий муносабатингиз сақланган.

21 — 28 балл. Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрдасиз, ўз "Мен"ингизда тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофингиздаларига қарши қўйишни юзага келтириши мумкин.

II. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш устуни

"ҲА" — 2, 23, 53, 57.

"ЙЎҚ" — 8, 13, 25, 27, 31, 38, 39, 40, 41, 50.

0 — 5 балл — Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобилият ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6 — 10 балл — Сиз ўзингизни етарли даражада ҳурмат қилсангизда, лекин ҳар қалай ўзингизга ишонмаслик, ўзингизга тушунмаслик, изчиликдан четлашиш, шахсий имкониятларга шубҳа билан қараш ҳолати баъзида учраб туради.

11 — 14 балл — Сиз ўзингизни юксак даражада ҳурмат қиласиз.

Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

III. Ўзини ўзи ёқтириш устуни

"ҲА" — 12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.

"ЙЎҚ" — 4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0 — 5 балл — Сиз кўпроқ ўзингизга "душман"га қарагандек қарайсиз, ўзингизга танбех беришга, гуноҳкор деб ҳис қилишга, ўзингизни айблашга мойиллик бор.

6 — 11 балл — Умуман олганда, ўзингизни қўллаб-қувватлайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

11 — 16 балл — Сиз ўз "Мен"ингиз билан "дўстона муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз ҳисларингизни ва умумий ҳақингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

IV. Атрофдагилардан кутилаётган муносабат устуни

"ҲА" — 1, 5, 10, 15, 42, 55.

"ЙЎҚ" — 3, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0—4 балл—Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳри—муҳаббати сиз учун зарур инсонлардан ҳам яхши муносабат кутмайсиз. Сиз ўзингизга яхшиликни чинакам раво қўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат сизга ўзликни ҳурмат қилишни оширадиган вазифаларни олдингизга қўйишга тўқинлик қилади.

5—6 балл—Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладиган борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатдалар, деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишга, ташқи қиёфангизга эътибор беришга, ўзингизни назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

10—13 балл—Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликларига тўла ишонасиз. Бу ишониш сизга ўзин—гизга нисбатан ҳурматингизни тобора орттиради. Сизга шахсингизни қадр—қимматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутаётган муносабатингизга боғлиқ. Атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурларини сақланиб қолиш учун доимо ўз устиянгизда ишлашингиз зарур.

V. Ўз шахсиятига қизиқиш устун

"ҲА"—7, 17, 20, 33, 34, 52. "ЙЎҚ"—14, 51.

0—2 балл—Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз яқин эмассиз (реал "Мен" ва идеал "Мен" афсуски, ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун қизиқарсиз эканлигингиз ҳақидаги фикр мавжуд.

3—6 балл—Сиз ўзингиз билан "тенглик" асосида муомала қила оласиз, бошқалар учун қизиқарли эканлигингизни эътироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун қизиқарли эканлигингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз.

Ўйлаб кўринг, бу балки сизни умуман қандай бўлиш кераклигини билмаслигингиз билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингизни қай даражада ривожланмаганлигини биларсиз ва шунинг учун атрофдагилар учун сизнинг "Мен" ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз мавжуддир.

7—8 балл—Сиз ўзингизни бошқалар учун ва ўзингиз учун қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу сизнинг фаолиятингизни самарали бўлишга олиб келади.

VI. Ўзига ўзи ишонч устун.

"ҲА"—2, 23, 34, 42, 46.

"ЙЎҚ"—32, 43, 44.

0—2 балл—Сиз ўз "Менингизни" салбий баҳолашни кутишга тайёрсиз

3—6 балл—Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабатлари, фикрлари ва хатти—ҳаракатларини танқидий реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан бўладиган ички турткиларингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

7—8 балл—Сиз ўз "Мен"ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу ҳолат сизни ўз менингизга ижобий йўналтиради, фаолиятингизни жадаллаштиради.

VII. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.

"Ҳа"—1, 5, 10, 52, 55.

"Йўқ"—32, 432, 44.

0—2 балл—Сиз ўз "Мен" ингизни салбий баҳолаш кутилмасига тайёрсиз.

3—6 балл—атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати, фикри ва ҳатти ҳаракати танқидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички турткиларингиз сизни шахсий сифатларингиз ва сифатларидан келиб чиқади.

7—8 балл—Сиз ўз "Мен"ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу сизни ўз "Мен"ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

VIII. Ўзини ўзи қабул қилиш устуни

"ҲА"—12, 18, 28, 47, 48, 54. "Йўқ"—21.

0—2 балл—Ўзингиз бутун вужудингиз билан ўзингизга ёқмайсиз. Шахсий ва касбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ўз устингизда ишлашингиз зарур.

3—5 балл—Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда қарама—қаршиликлар мавжуд. Ўзингизнинг "Мен"ингизда нима сизга маъқул ва нима номаъқул эканлигини аниқланг. Ўз менингиз устида ишлашингиз ўзингизга нисбатан ижобий интилишларингиз шаклланишга олиб келади.

6—7 балл—Ўзингизни қабул қилиш ўляовингиз етарли даражада юқори. Бу ўзингизни намоён қилиш эҳтиёжингиз борлигини билдириб, ўз «мен»ингизга нисбатан ижобий муносабатингизни қўллаб—қувватлайди.

IX. Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни

"ҲА"—50, 57.

"Йўқ"—25, 27, 31, 35, 36

0-2 балл — Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: "Афсуски, мени бирор айтган гапим, айнан шундай хатти-ҳаракат қилишимни билдирмайди".

3-5 балл — Сиз муваффақиятта фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчи ички муносиблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг "Мен"ингизда баъзи психологик келишмовчилик ҳар қалай бор. Нима учун? Эҳтимол, ҳар доим ҳам хулқингизда изчилик бўлмаслиги ва уни етарли назорат қилинмаслиги, режаларнинг нореаллиги бунга сабабдир.

6-7 балл — Сизда фаолиятта нисбатан изчилик, ўз қобилиятингиз ва имкониятингизга ишонч, ўзини тушундиш, ўзини назорат қилиш етарли даражада намоян бўлади.

X. Ўзини айблаш устуни

"ҲА" — 3, 4, 9, 11, 16, 24, 25, 56.

0-2 балл — Сизда ўзингизга ҳеч қандай танбеҳингиз йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўқлиги содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгарликни соғит қилишни ва жавобгарликни ташқи омиларга юклашга мойилликни келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3-6 балл — Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу ўзингиздаги мавжуд хислатларингизга мос келади. Кўпинча одамда ўзини ўзи баҳолаш қарама-қаршиликлардан иборат бўлади. Шунингдек, ўзини психологик ҳимоя қилиш ўз айбини эътироф этишдан ташқари ташқи сабаблар орқали ўзини оқлашдан холи эмассиз.

7-8 балл — Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждоналсиз, ўзингизни камситишга, "айбдор" деб ҳис қилишга, ўзига ўзи танбеҳ беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларингизни паст баҳолашни вужудга келтирганлиги туфайли ҳар доим сизнинг фаолиятингизга ижобий таъсир этмайди.

XI. Ўзига ўзи қизиқишни ифодалайдиган устун.

"ҲА" — 17, 20, 33.

"ЙЎҚ" — 26, 30, 49, 51.

0-2 балл — Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпгина шахсий хусусиятларингизни салбий баҳолайсиз. Бу сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингиз омили ҳисобланади.

3-5 балл — Сиз атрофингиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлсиз. Ваҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва иш сифатларингиздан қониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишланш ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришингизнинг асосий йўлидир.

6-7 балл — Сизнинг "Мен"ингиз сизни етарли безовта қилади. Сиздаги ўзига ўзи қизиқиш юксак даражага эга бўлиб, ўзини ўзи севишга айланган. Умуман олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни бажарилиши жараёнида намоён бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғулашган бўлса, зотан атрофингиздаги одамларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беришингиз заминида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдиндан билишингиз сизга ҳалақит бермайди. Кўпроқ инсонпарварлик ва фаолиятингиздаги назорат сиз учун фақат фойдалидир.

XII. Ўзини ўзи тушунитиш устуни

"ҲА" — 53.

"Йўқ" — 6, 8, 13, 15, 22, 40.

0-2 балл — Сизда аниқ ички изчилик, ёрқин тасаввурлар, ҳислар ва фикрлар йўқ. Ўзингиз билан ўзингиз ёмон муносабатдасиз.

3-5 балл — Ўзингиз билан ўзингиз юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзингизни тушунмаслик намоён бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни қувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик қилади.

6-7 балл — Сиз ўзингиз билан руҳан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай қилиб, сизнинг тўплаган йиғиндингиз қуйидаги рақамни ташкил қилса:

0 баллдан 52 баллагача, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканлигингизни билдиради. Бу ҳолат нисбатан барқарор бўлган, озми ёки кўпми даражада анланган, индивиднинг ўзи ҳақидаги тасаввурларининг бетақрор тизими сифатида ҳис қилинган. "Мен — концепцияси"ни салбий йўналишда намоён бўлишига таъсир қилади. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизни атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шаклланади. "Мен — концепцияси — ички қарама — қаршиликларда ҳал бўлмаган шахсий "Мен"нинг яхлит образидир.

Салбий Мен — концепциясига эга бўлган одамлар ортиқча ваҳималилиги, тез хафа бўлиши, ўзини камситишига ва эътироф этишга мойиллиги билан ажралиб турадилар. Улар учун мулоқот билан, ижтимоий шахсий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар характерлидир.

Юқорида баён этилганлар, уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, "Мен — концепцияси" билан касбий фаолият самарадорлиги ўртасидаги

муносабатни уларни ўзаро боғланиш тизимини ўрганмасдан туриб, аниқ айтиб бўлмайди.

53 баллдан 105 баллгача: Бу кўрсаткич касб эгасининг "Мен концепцияси" ни ва ўзига муносабати ижобий эканини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз етарли даражада обрўлисиз. Битирувчиларингиз сизни узоқ вақтгача унуттирмайди. Қўл остингиздагилар хотирасида шундай қиёфада сақланиб қоласиз; "Ҳа, бизнинг бошлиғимиз ҳаққоний, раҳмдил эди, одамларга ғамхўрлик қиларди". "У ўз касбини яхши биларди, муомалани яхши ташкил қилар эди, кўтаринки руҳини сақлаб қоларди", "Унинг гуруҳда илиқ, ёқимли шароит мавжуд бўлиб, ҳамма қизиқиш ишларди", "Бизни деб, у жуда кўп танбеҳ ва гон эшитарди, биз уни тушунардиқ ва ўзимизни тузатишга ҳаракат қилардиқ". "У бекорчиларни ёқтирмас эди ва камдан кам" ўзидан чиқаради ва ҳоказо.

Одатда одамлар билан муомала қилишни биладиган бундай касб эгаси обрўли бўладилар. Шу билан бирга, эгилувчанлигини ва эксперимент ўтказишга нисбатан қизиқиш мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ бўлиши, ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни такомиллаштиради.

106 баллдан 134 баллгача: Касб эгасининг "Мен – концепцияси" ва ўзига муносабати жуда ёқади. Турган гап, бундай касб эгалари ўз хулқи ва фаолияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар, лекин ҳар доим шундай эмас.

Ўзингизни юқори даражада идрок этишингиз, шахсларни камситиш, уялтириш ўзига ишончини йўқотиш мумкин. Баъзан ўзига юқори баҳо берадиган касб эгасининг лоқайдлигини намоён қилиб, ҳаддан ташқари ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, касб эгасининг ўзига юқори баҳо бериши ўқувчиларнинг "Мен – концепцияси" бошлақ учун салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, ҳурматни, ички келишувчанликни бўшаштирмай, маҳорат даражасини эгаллагандирсиз, қўл остингиздагиларни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятга, ижобий "Мен – концепцияси"га унданг.

#### Аутоген машқлар.

Тақлиф этилган психодиагностик методикалар шахснинг ҳиссиёт соҳасини ва ўз – ўзининг баҳолаши, характер ҳамда индивидуал типологик хусусиятларини психодиагностика қилиш методикаларининг аввало ўрганишга йуналтирилган.

Шахснинг ўзи ҳақида билиш – бевосита ўз – ўзини такомил – лаштиришга кафолат беради, қайгули тасаввурлар, бефойда

ҳаяжон, кечинмалар, реал баҳолашга арзимайдиган фикрлар, фойдасиз қўзғалишларга бермасликка ўргатади.

Энг асосийси – аутотренинг ёрдамида фаолиятта салбий таъсир этувчига салбий психик ҳолат ва ҳодисаларни ривожланишга йўл қуймасликка эришиш мумкин.

### **3.1. АУТОТРЕНИНГНИ ЎЗЛАШТИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАШҚЛАР.**

#### **ДИҚҚАТ ВА НЕРВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ ОШИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАШҚЛАР.**

Сизни касбий фаолиятиниғизни такомиллаштириш учун диққатни махсус шакллантириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун онда оддий шаклдаги таниш предметнинг қандайдир образини тасаввур этиш керак, (авторучка, значок ва ҳ.к. доим ўзи билан юрадиган нарса). Сиз ушбу предметни барча деталларини эсда сақлаб қолиш учун унга бир неча секунд қараб турасиз. Кейин эса имкони борича уни хотирангизда ёрқинроқ қайта тиклайсиз. Агар бирорта деталга муносабатингизда иккиланиш бўлса, уни эслашни имкон бўлмаса, сиз реал объектта яна бир неча секунд мурожаат қилишингиз мумкин. Сиз танлаган предмет ҳар доим бир хил бўлиши керак, чунки, у сизнинг онгингизда осон қайта ишланади. Шундай машқни кун давомида 1–3 минутдан 7–10 мартагача ўтказиш лозим.

Асаб жараёнларини фаоллигини машқлантириш мақсадида диққат ва эътиборни бир ишдан иккинчи ишга тез куча олишни ўрганиш учун қуйидаги машқни ўзлаштириш лозим. Сиз юқоридаги баён этилган методика буйича аниқ предмет образини тез ва ёрқин тасаввур этиш қобилиятига эга бўладингиз. Сиз улар билан машғулотни тугатмаган ҳолда, бошқа қандайдир предмет билан худди шундай машқни ўтказинг.

Кейинчалик фаоллаштирувчи машқлар кўрсатилган предметларни бирини ёки бошқасини онда тез кўчма эслаш йўли билан ўтказилади.

#### **БЎШАШИШ ВА ҲАРАКАТСИЗЛИК ҲОЛАТЛАРИ МАШҚИ.**

Сиз ўзини бевосита, бутунлай жисмоний ва психик тинчланиш ҳолатига келтиришга ҳаракат қилинг. Мускулларни бўшаштиринг. Кўзингизни юминг, ўзингизга қулай бўлган ҳолатда бўлинг (ўтирган ёки ётган ҳолатда).

Бўшашиниш даражангизни текшириб кўринг – бир қўлингизни балан кўтаринг, бирини дастга тушинг, қўлларингизни дастга тушаётганида, ўз оғирлиги таъсирида, худди учиб тушаётгандек,

умуман кучсиз ҳолда тушиши керак. Агар худди шундай бўлашиш бўлмаса, у ҳолда машқлантириш қўли билан амалга оширилади: Биринчи бир қўлларни бўлаштириш керак (одатда ўнг қўл, чапақайларга чап қўл) кейин бошқасини, оёқлар кейин гавдани, бўйин, бош (аутотренинг, бошланғич машқлар). Тўла тинчланиш ҳолатига (эшитиш учун) эришганда кўзларни юмган ҳолда, диққатни қора фонда бир нуқтага қаратиш, бутун гавданнинг (ё тананинг) ва мушақларнинг бўлашишига диққатни тўплаш лозим. Диққат зўриқиш аста-секин бўлаша бошлайди. Ўзга фикрларни пайдо бўлиш ҳолатида диққатнинг даражасини оширишга тўғри келади.

Ушбу машқларни кун давомида бир неча дақиқадан (6–8 марта) ўтказиш мумкин. Бу ҳолатни ноқулай шароитда, ҳатто шаҳар транспортида кетаётган вақтда ўрганиш мумкин.

Ҳар кунги тинч ҳолатингизда ёки одатдаги тетик ҳолатингизда шундай машқларнинг бирини бажараётганингизда, ўз–ўзига таъсир этиш формуласини ичингизда талаффуз қилинг. «Мен мутлақо хотиржамман», ўзимни жуда яхши сезяпман». Таъсир этишнинг бошқа туркумлари ҳам бор, масалан – «Мен ҳеч қачон ҳаяжонланмайман», «Менинг иродам кучли». «Мен бошқа чекмайман ва энди ҳеч қачон чекмайман», формулани маъносини тушунган ҳолда, айтаётган пайтда ҳеч нарсани ўйламасдан тамомла механик тарзда айтиш керак.

Бир вақтнинг ўзида иккита формула қўллагаслик керак, биринчи формуланинг етарли ижобий самардорлигини олгандан кейингина бошқа формулага ўтиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган тинчланиш давлари, ўзининг қисқалигига қарамасдан нерв системасининг зўриқиш ҳолатига барҳам беради, тинчлантиради, дам олиш сезгисини юзага келтиради, кучларни қайта тиклайди, ўз–ўзига таъсир этиш эса аниқ устновкаларни оширади, уларга одатий тус беради.

### **НАФАС ОЛИШ СУРЪАТИНИ (МАРОМИНИ) БОШҚАРИШ**

Психофизиологлар томонидан нафас олишнинг психик фаолият даражасига таъсир этишнинг баъзи қонуниятлари тасдиқланган. Маълумки нафас олиш жараёни иккита нафас олиш жараёни иккита нафас олиш, нафас чиқариш давларини ва оралиқ тўхташни (паузани) јўз ичига олади. Нафас олиш вақтида одамнинг психик ҳолати фаоллашади, нафас чиқарганда эса тинчланади.

Ихтиёрий нафас олиш суръатини ўргатганда, нафас олишнинг нисбатан қисқа даври узокроқ нафас чиқариш билан алмашганда ва навбатдаги яққол умумий хотиржамликка эришиш

мумкин. Нафас олишнинг (юритишнинг узокроқ) даврида (нафас олишнинг баъзи сусткашлиги билан) ва нафас чиқаришнинг нисбатан қисқа даврида нерв системасининг ва организм функцияларининг ҳаммасида фаоллик ортади.

### **«ҲИССИЙ ДАМ ОЛИШ» САМАРАЛИ (фойдали)**

#### **УНУТИШ УЧУН МАШҚ.**

Кўзингизни юминг. Ўзингизга жадал буйруқ беринг:

«Мен ҳамма нарсани унутганман», «Мен ҳеч нарсани билмайман», «Ҳамма нарса нотаниш».

Кейинчалик 2–3 дақиқа «ички уриниш» қилинг (диққатни юзаки оғиши, кўриш тавассуротларини ихтиёрсиз авж олдириш).

Кўзингизни тез очинг. Агар ўз–ўзига таъсир этиш ҳамжиҳатликда бўлса Сиз худди қайта узоклашган таниш муҳитини кўрасиз.

Буни беш марта қайтарасиз—ҳар сафар унинг самараси ортади. Сиз қандайдир сизнинг ёшингизда бўлган, тўғрироғи, нарсаларни илк бор ҳис қилган энг аввалги кўринишга яқинлашасиз.

Шахснинг психик ҳолатлари ва бошқа ҳодисаларини ўзи назорат қилиш бўйича машқлар жуда кўп. Ўзингизни мақсадингизни қўймаган ҳолда ҳисоблаб чиқиб (ҳа, бу мумкин бўлмасада) ўз–ўзини назорат қилишнинг ўз–ўзини руҳия кўтариш ва рағбатлантириш каби шаклларини унутмасликни тавсия этамиз. Баъзи катталар ўз–ўзини назорат қилишнинг ушбу шаклларини фақатгина болаларга ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб ўз–ўзини рағбатлантириш ва ўз–ўзини кўнглини кўтариш шахсий ҳуққ—атвор ёки фаолиятнинг аниқ дастурига бўлган ижобий муносабатини кучайтиради ва мустаҳкамлайди.

### **ЎЗ–ЎЗИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ЎЗ–ЎЗИНИ ЖАЗОЛАШ.**

Ўз–ўзини тарбиялашнинг амалий воситаси ҳисобланади, у ўзида шахсий фаолият дастурига бўлган юқори талабчанлигининг ривожланиши бўйича ички ишларнинг муҳим элементини ифодалайди. Шунинг ёдда тутиш керакки, ўзига бўлган юқори талабчанликнинг ҳар доим ўзидан қониқмаслик билан психик ноқулайликка, кўпинча. Номукаммалик комплексининг асоси бўлиши ўз имкониятларига ишонмасликка олиб келади.

Нутқий ўз–ўзини бошқаришнинг бошқа шакллари ичида ўз–ўзига буйруқ бериш ажралиб туради, гарчи у ички нутқ кўриниши тарғиб этилсада аҳамияти жуда юқори бўлади.

## АУТОГЕН МАШҚЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ.

Одам психофизиологик билимлар системасига (тизмасига) эга бўлган ҳолда. Ҳизнинг ижодий ақлий қобилиятларни фаоллаштириш жараёнида сафарбар этиш мақсадида шахсий психик ва физиологик ҳолатларини назорат қилиш имкониятига эришади. Ҳизни психик машқлантириш ёки аутотренинг шахсга Ҳизнинг психик ва физиологик жараёнлар орқали назорат қилишга имкон беради.

**АУТОГЕН МАШҚ**—Бу 1932 йили немис психотерапевти И.Г.Шульц томонидан тутааланган кўринишда тақлиф этилган ўз—ўзига таъсир этиш методидир. У биринчи 1920 йил гипнотик (сеҳри) уйқу босган кишиларга аҳамият бериб шундай фикрга келди, биринчи навбатда оғирлик ҳисси пайдо бўлади, кейин эса тананинг ҳамма қисмида ва кўл оёқларда иссиқлик пайдо бўлади (биринчиси мускуллар бўшашини пайдо бўлиши билан боғлиқ, иккинчиси қон томирларининг кенгайиши билан боғлиқ). Бу ерда инсонда ҳар хил психофизиологик сезгиларни мустақил пайдо бўлиши мумкин эмас, деган фикр туғилади.

Касбий малакаларни қайта ишлаш учун ўз—ўзига таъсир этиш билан шуғулланувчи шахслар (кўз бойлагич сеҳрлар) кузатиш И.Г.Шульцга тренинг (машқлантириш) методика қайта ишлашда ёрдам беради. Аутоген машқлантиришнинг баъзи усуллари, айниқса унинг иккинчи босқич (нерванотерапия)кўп умумий йог машқларига асосланади. Бироқ унинг мистик асослари йог ҳақидаги таълимоти.

Аутоген машқлантириш жараёнида, аввал ўз—ўзига олинган таъсир этиш йўли билан бўшашиш деб аталувчи мусуллар фаоллигининг заифлашишига эришилади, кейин эса шу ҳолатда организмнинг у ёки бу функциясига йўналтирилган ўз—ўзига таъсир этиш ўтказилади.

Шундай қилиб, бўшашиш кейинги ўз—ўзига таъсир этиш ўтказишида негиз(асос) бўлиб ҳисобланади.

Аутоген машқлантириш (АТ) методикасини ўрганиш ҳиссий зўриқишини камайтириш, хавотирланиш, ҳаяжонланиш чарчаш ҳисларини бартарф этишида, уйқу функциясини назорат қилишга организмнинг қувват манбаларини фаоллаштиришга, иродавий сифатларни мустаҳкамлашга, шахснинг ҳарактер, хусусиятлари ва ҳулқ—атвордаги баъзи шакллари кузатишга, ақлий манбааларни ресурсларни сафарбар этиш, бош оғриги ва бошқа асабий аломатларни бартараф этишга жалб этиш имкониятини беради.

И.Г.Шульц томонидан қайта ишланган АТ. методикаси классик деб аталади ва кейинчалик бошқа муаллифлар

томонидан қайта ишланган методикаларни асосий таркибий қисмини ўзгарган шакли сифатида кириб келади.

Айнан шу методика билан биз сизни таништирамиз.

Машқни бошлашдан аввал, ушбу қўлланмада баён этилган психофизиология билимлари асосини қисқача такрорлаб ўтиш лозим.

Машқ амалга ошираётган вақтдаги кийимлар, сиқиб турувчи, уялатирувчи диққатни тўплашга ҳалақит бўлмаслиги керак. Шунингдек, масалан, шимнинг камари сиқиб қадалган ёки бошқа диққатни жалб қилишга ҳалақит берувчи бартараф қилинган бўлиши лозим.

А.Г. машгулот учун қулай бўлган 3 та ҳолатдан бирида кўзлар юмуқ ҳолда ўтказилади.

1. Ҳуриятда «извошчи» ҳолатида ўтирган ҳолдаги вазиятда.

2. Балада суянчиғли креслода ётган ёки ярим ўтирган ҳолатда.

3. Кроватда ётган ҳолатда.

Машқни ўтказиш жойи ва вақтига қараб, у ёки бу ҳолатда танланади. Куннинг хоҳлаган пайтда машқ қилиш мумкин. Машқни иложи борида тинч, иссиқ ва қоронғи хонада ўтказилиши лозим, бундай шароитда фақатгина психологик енгиллашув хонаси жавоб бериши мумкин. А.Г. билан шуғулланувчи шахс машқ ҳолатида ташқи таъсирларга аҳамият бермаган ҳолда ва машқ услуб қоидаларини яхши (етарли эгаллаган бўлса поездда ёки автобусда кетаётганда ҳам ўтказиш мумкин.

Эрта катта (тушги дўқудан кейин) ва кечқурун (буқудан оқдин) машқ ётган ҳолатда ўтказилади. (текширилувчи) шуғулланувчи бошига ёстиқ қўйган ҳолда, чалқанча ҳолатда ётади. Кўзлари юмиқ қўллари гавда ёнида кафтлари пастга қараган ҳолда тирсақдан салгина — буқилган ҳолда бўлади. оёқлари бир — бирдан салгина узоқлашган бўлади, тизза остида бирор ёстиқни буқлаб қўйса ҳам бўлади. Кундуз кунлари ётишганинг шароити бўлмаганлиги учун, «Извош» ҳолати қўлланилади. Ўқитувчи дарси бўлмаган соатда ёки танаффусда машқни юқорида кўрсатилганидек ҳолатда агар шароит бўлса курсига суянган ҳолда, ярим ётган ҳолатда ўтказиш мумкин.

Шундан кейин кўрсатилган ҳолатларини бирини қўллаган ҳолда, махсус машқларни бажара бошлайди.

**Тайёрлов машқ.** Қулай вазиятни эгаллагандан сўнг, кўзлари юмилади ва хаёлдан бир маромда қуйидагиларни талаффуз қилади: «Мен мутлақо хотиржамман».

Кейин асосий машғулотта ўтади.

### 1. ОҒИРЛИК ҲИССИНИ ЧИҚАРИШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН МАШҚЛАР

Ушбу машқнинг мақсади — мускулларни кўпроқ бўшашига эриштиришдан иборат. Кунда 3—4 марта ҳолатларнинг бирида, секин диққатни бир жойга тўпланган ҳолда, хаёлан қуйидагиларни қайтариш керак. "Менинг ўнг қўлим жуда ҳам оғир" (чапақайларда): "Менинг чап қўлим жуда ҳам оғир". Формула нафас чиқариш билан бирга қайтарилали. Ўзингизда оғирлик ҳиссини яққол тасаввур этгишингиз лозим. 5—6 марта қайтаришдан сўнг, хаёлан қуйидагиларни талаффуз қилинади. "Мен мутлақо хотиржамман." Баъзида оғирлик ҳиссини пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилиш учун қўлларни кўтариб кўриш мумкин.

Машқлантириш натижасида оғирлик ҳисси аста — секинлик билан чап қўлда пайдо бўлади. сўнгра оғирлик ҳисси иккала қўлда, иккала оёқда бир вақтда, тананинг ҳамма жойида пайдо бўлади. қачонки, 3 — машғулот давомидаёқ оғирлик ҳисси тез ва осон пайдо бўлса, машқ ўзлаштирилган ҳисобланиб, 2 — машқни ўзлаштиришга ўтилади.

### 2. ИССИҚЛИК ҲИССИНИ ЧАҚИРИШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН МАШҚЛАР

МАҚСАДИ — юрак қисқариши суръатини назорати. Машқни бажаришга эришиш. Унинг бажариш тери — томирлари ва тери ҳароратини ошириш билан бирга қўшиб олиб борилади. Аввал оғирлик ҳиссини (1 — машқ) пайдо қилиб, сўнг 5—6 марта хаёлан " менинг ўнг (чап) қўлим иссиқ" жумласи қайтарилди ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" жумласи айтилади. Кейинги машғулот жараёнида иссиқлик ҳисси, оғирлик ҳисси каби маълум бир изчида, иккала қўлда ва оёқда тананинг ҳамма жойида пайдо бўлади. Ушбу машқ 5—8 машғулотда ўрганилади. Иссиқлик ҳисси осон пайдо бўлганда, 1—2 машқларни бир формуласига бўшаштириш мумкин. "Менинг қўлларим ва оёқларим оғир ва иссиқ".

### 3. ЮРАК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҚ

МАҚСАДИ — юрак қисқариши суръатини назорати. Машқни бажаришда энг аввало юрак ёки томир уришини хаёлан санашни ўрганиш тавсия этилади. Бу машқни бошлаб, чалқанча ётган ҳолатда, ўнг қўлни чап нур артерияси ёки юракни устига қўйган

қолда бажарилади. Ҳнг қўлини мускул зўриқишини камайтириш мақсадида тирсак остига юмшоқ ёстиқ қўйилади. Аввал 1 ва 2- машқларда кўрсатилганидек, оғирлик ва иссиқлик ҳисси пайдо қилинади. Кейин 5-6 марталик ўз-ўзини таъсир этиш формуласи қайтарилади: "Юрагим тўғри ва хотиржам ураяпти" ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" жумласи айтилади.

Машқлантириш қачонки юрак фаолияти суръатини у ёки бу меъёрида ихтиёрий ўзгариш, томирнинг у ёки бу томонга бир дақиқада 30 мартагача уриши даражасини ўзгариш қобилиятини шакллантирилгандагина эгалланган ҳисобланади. Ушбу машқ 9-10 машғулот давомида эгалланади.

#### **4. НАФАС ОЛИШ СУРЪАТИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШТА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚ**

Аввал оғирлик, иссиқлик ҳисси пайдо қилинади ва юракнинг тўғри ва хотиржам ураётганлиги ҳақида ўз-ўзига таъсир этади. Бундан кейин 5-6 марта "Мен мутлақо хотиржам нафас оляпман" ёки "Менга нафас олиш осон ва енгила" ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" деб қайтарилади. Машқлантириш хотиржам ва меъёри нафас олиш қобилиятини шакллантириш жараёнида, 11-машғулотда эгалланади.

#### **5. ҚОРИН БЎШЛИГИНИ ҚУЁШ ЧИГИЛИ ЖОЙИДА ИССИҚЛИК ҲИССИНИ ПАЙДО ҚИЛИШТА ҚАРАТИЛГАН МАШҚ**

Ушбу машқни ўрганиш бошқа машқларга қараганда қийинроқ. Шунинг учун аввал қуёш чигилининг жойлашиши ва уни таркибига кирувчи нерв (асаб)ларни қорин бўшлигининг ички органлар иштини назорат қилишдаги ролини тушинтириб бериш зарур. Дастлабки юқорида кўрсатилган 4 та машқдаги ҳиссиётлар пайдо қилинади. Кейин 5-6 марта хаёлан «Менинг қуёш чигилим иссиқлик тарқатапти» ёки «қорним ичкаридаги иссиқлик билан ёқимли иссияпти» ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб қайтарилади.

Секин асталик билан 12-14 машғулотда қорин бўшлиғида иссиқлик пайдо бўлади ва машқ эгалланган ҳисобланади.

#### **6. ПЕШОНА ВА ЧЕККАЛАРДА СОВУҚЛИК ҲИССИНИ ПАЙДО ҚИЛИШТА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚ**

Ушбу машқ бош оғриғида томирлар системасининг заифлашини ва олдини олиш имкониятига эга. Аввало юқорида баён қилинган бешта машққа тегишли бўлган сезгилар пайдо қилинади. Кейин 5-6 марта хаёлан «менинг пешонам ёқимли

салқин» деган ўз—ўзига таъсир формуласи қайтарилади ва бир марта ҳаёлан «Мен мутлақо хотиржамман» деб талаффуз этилади. Формулани қайтаришда пешона ва чеккаларини елпийдиган енгил салқин шамолни ёки пешонада совуқ компрессни тасаввур қилиш тавсия этилади. Машқ 15—17 машғулот давомида пешонада совуқ ҳиссини эркин намоеъ бўлганидангина эгалланган ҳисобланади.

Ушбу олтига машқ етарлича яхши эгаллангандан кейин ўз—ўзига таъсир этишининг узун формулаларини қисқаси билан алмаштириш тавсия этилади: «Хотиржамлик»..., «Оғир»..., «Юрак ва нафас олиш»..., «пешона салқин».

Ҳар бир сеанс охирида, бўшашиш ва хотиржамлик ҳолатидан чиқиш учун, кўларини тирсак бўғимида чаққон букиш ва ёйиш ҳаракатларини (3 марта), ушбу ҳаракатларини амалга оширган ҳолда чуқур нафас олиш чиқариш, ундан кейин кўзларини катта очиш тавсия этилади.

А.Г.нинг ҳамма курси 15—17 машғулотга мўлжалланган. Ҳар бир янги машқ икки ҳафта давомида 3—4 мартадан ва ёйиш ҳаракатларини ҳар куни дастлабки машқлар ҳолда эгалланган ҳолда такрорланади. Шундай қилиб, ҳамма олти машқни эгаллаш учун 12 ҳафта сарф қилинади. Ҳар бир машқ 1—2 дақиқадан 5—6 дақиқাগача давом этади.

А.Г. индивидуал (якка) машғулотдан ташқари гуруҳда ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: педагогик жамоада (психологик енгиллаш хонасидан).

Гуруҳли машғулотлар 5—10 кишидан иборат бўлган гуруҳда ҳафтада камда 1—2 марта тўтқили этади. Машғулот иложи борича психолог ёки психотерапевт раҳбарлигида ўтказилиши лозим.

Аутоген машқлантириш ўз—ўзини назорат қилишга ўргатадиган, ўйланган усулларини машқлантириш принципи билан ўз—ўзига таъсир этиш элементларини муваффақиятли қўшилиши ўзида намоеъ қилади. Унинг шубҳасиз қадр—қиммати кўп одамларга хос бўлган, имкони борича аниқ техника ҳисобланади.

Кейинги вақтда инсонга «ўз—ўзини яхшироқ ўрганишга» имкон берадиган «психик гимнастика» методи сифатидаги А.Г. таълимнинг ошқора сеанслари амалда кенг қўлланилмоқда. Шундай ўз—ўзига таъсир этиш техникасининг назоратсиз оммавий равишда берилиши бизда номувофиқликни намоян қилади ва худди шундай, эпсизлик ёки эҳтиётсизлик билан фойдаланиши номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахснинг касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлари ва

хусусиятларини ривожлантириш, касбий фаолият самарадорлигини ошириш учун А.Г.ни қўллаш мумкин. Ана шундагина А.Г. касбий – амалий характерга эга бўлади.

Юқорида педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари ҳақида айтиб ўтилган. Шунга мувофиқ равишда ўқитувчиларнинг баъзи индивидуал характерли хусусиятлари оқибатида ва фаолият шароитлари бўйича А.Г.улар учун фойдалидир ҳаммадан ҳам унинг ҳаракатларида қуйидаги томонлар муҳим аҳамиятта ҳар куни дастлабки машқлар эгалланган ҳолда такрорланади. Шундай қилиб, ҳамма олти машқни эгаллаш учун 12 ҳафта сарф қилинади. Ҳар бир машқ 1–2 дақиқадан 5–6 дақиқагача давом этади.

А.Г.индивидуал (якка) машғулотдан ташқари гуруҳда ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: педагогик жамоада (психологик енгиллаш хонасида) гуруҳли машғулотлар 5–10 марта ташкил этилади. Машғулот иложи борича психотерапевт раҳбарлигида ўтказилиши лозим.

Аутоген машқлантириш ўз–ўзини назорат қилишга ўргатадиган, ўйланган усулларни машқлантириш принципи билан ўз–ўзига таъсир этиш элементларини муваффақиятли қўшишини ўзида намоён қилади. Унинг шубҳасиз қадр–қиммати кўп одамларга хос бўлган, имкони борича аниқ техника ҳисобланади.

Кейинги вақтда инсонга «ўз–ўзини яхшироқ ўрганишга» имкон берадиган «психик–гимнастика» методи сифатидаги А.Г.таълимнинг ошкора сеанслари амалда кенг қўлланилмоқда. Шундай ўз–ўзига таъсир этиш техникасининг назоратсиз, оммавий равишда берилиш бизда номувофиқликни намоён қилади ва худди шундай ундан эписизлик ёки эҳтиётсизлик билан фойдаланиш номаъқул оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахсни касбий аҳамиятта эга бўлган хусусиятларини ривожлантириш, касбий фаолият самара–дорлигини ошириш учун А.Г.ни қўллаш мумкин. Ана шундагина А.Г. касбий – амалий характерга эга бўлади.

Юқорида педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари ҳақида айтиб ўтилган. Шунга мувофиқ равишда ўқитувчиларнинг баъзи индивидуал характерли хусусиятлари бўйича А.Г.улар учун жуда фойдалидир. Ҳаммадан ҳам унинг ҳаракатларида қуйидаги томонлар муҳим аҳамиятта эга.

## **ҲИССИЙ ЗҶҮРИҚИШ, ҲАЯЖОНЛАНИШ ВА ХАВОТИРЛАНИШ (ТАШВИШЛАНИШ) ҲИССИНИНГ КАМАЙИШИ**

Сезги ва идрок боғлиқ бўлмаган мавжуд буюмлар хусусиятларини акс этирган вақтда, ҳиссиёт бизни атроф – муҳитга бўлган муносабатимизни акс эттиради. А.Г.эса унинг нуқтаи – назарича организм учун аҳамиятли кечинмаларни баҳолашга имкон беради. Улар ориентирли (йўловчи) таъсир ва биологик мақсадга мувофиқлик, моддаларнинг ўзгариши (қонда қанд, адреналиннинг кўпайиши) шароити фаолиятида организмни ишга солиш билан мустақкам боғлиқ бўлади. Бироқ улар баъзида арзимаган сабабдан ёки тўсиқ пайдо қиладиган шу қадар кучли ифодаланиш билан пайдо бўлади. Масалан, одамларда у ёки бу фаолиятни бажаришда ташвишчи сусткаш, юқори ҳиссиётли ёки нимгадир фавқулодда ҳаяжонланишнинг бўлиши. Масалан: ўқитувчининг «очиқ» дарсида бўлиши.

Бўшашиш, қўрқин ҳиссини бартараф этади. Бу билан боғлиқ ҳолда уни ҳиссий зўриқиш, безовталик, ўқитувчининг дарс олдаида ҳаяжонга тутиши (асосан бу ишни янги бошланган педагогларга таалуқли)ни бартараф этиш учун тавсия мумкин. Бунда мускулар бўшашишини пайдо қилиши керак. Бунинг учун биринчи ва иккинчи стандарт машқларини етарли эгалланган бўлиши лозим.

Дарс олдидан қўрқинчи кечираётган ўқитувчига, аввало ўзининг индивидуал амалиётида хотиржамлик ҳақидаги тасавурлари билан боғлиқ бўлган образларни ўзида пайдо қилишни тавсия этамиз. Бевосита дарс олдидан ўзига хаёлан «Мен хотиржамман, мутлақо хотиржамман» деб айтиши, гавданинг оғирлик марказини битта оёққа (бошловчи) ўтказиши лозим. Иккинчи мускулар, худди шундай қўл, елка камари ва юзни бўшаштириш, зарур хотиржам ҳолатни қабул қилиш керак. Мускуларни бўшаштириш вақтида зўриқиш ҳисси ҳам йўқолади. Шундан кейин дарсни бошлаш мумкин.

## **2. УЙҚУ ФУНКЦИЯСИНИ БОШҚАРИШ**

Ўқитувчининг юқори ақлий фаолияти натижаси уйқунинг бузилиши, яъни айнан ухлашга қийналиш ва қийин уйғониш, унинг нуқтаи – назарича организм учун аҳамиятли кечинмаларни баҳолашга имкон беради. Улар ориентирли (йўловчи) таъсир ва биологик мақсадга мувофиқлик, моддаларнинг ўзгариши (қонда қанд).

А.Г.тез ухлаб ва осон уйғониши ўргатишга имкон беради. Уйқуни пайдо қилиш учун ўзини кейинги хотиржамлик

ҳолатидан чиқармаган ҳолда биринчи машқ – қўлланилади. Бундай ҳолларда бўшашиш уйқуга ўтиб кетади. Агар бунда маълум бир вақтда уйғониш керак бўлса, ўз – ўзига таъсир этиш керак бўлади. Масалан: «Мен соат 7.00 да уйғонишим керак, мен албатта соат 7.00 да уйғонаман».

### **3. ҚИСҚА ВАҚТЛИ ДАМ ОЛИШ**

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи дарсда жуда кўп миқдорда қувват сарф қилади ва унга танаффус вақтида кейинги дарс учун сарфланган кучларини тез тиклаб олиш керак бўлади. Ўқитувчининг қисқа вақтли дам олиш учун кейинги тетиклик ҳиссига ўз – ўзини таъсир этиш билан 5 – 10 – 15 дақиқада бўшашиш ҳолатида тавсия этилади.

### **4. ОРГАНИЗМНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА АҚЛИЙ МАНБА- ЛАРНИ ИШГА СОЛИШ**

Кузатишларнинг кўрсатишча, аутоген машқлантиришдан бўшанглик, уйқуликни бартараф этиш учун, фаол ҳаракатларга тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу эса унинг организмни поштинч ишга солиш учун тавсия этиш асосини беради, масалан, дарсни алмаштиришни одиндан кўра билмаслик. Бу мақсадлар учун мумкин бўлган:

– Тетиклик ҳиссига ўз – ўзига таъсир этиш ва муносиб образлар тасаввурлар (мускуллар таранглашди, қўллар сиқилади, кам нафас олиш ва ҳ.к.).

– Шахснинг фаолияти билан боғлиқ образли тасаввурларни пайдо қилиш.

– Ақлий фаолияти ишга солувчи, диққатни бир нуқтага тўплаш учун ўз – ўзига таъсир этиш: «Мен барча диққатимни.. Мен.. тўплаганман ва қаратганман».

### **5. БАЪЗИ ХУАҚ – АТВОР, ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИ КОРРЕКЦИЯСИ ВА ИРОДА МАНҚИ**

Баъзида одамларга ўзининг ниятларини амалга ошириш учун ирода етишмайди. Иродавий фаолликни бу томонини мустаҳкамлаш учун А.Г.га мурожаат этиш мумкин, бунга бўшашиш ҳолатида (асосан эрталаб уйқудан кейин) иродавий фаолликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ўз – ўзига таъсир этиш билан ўтказилади. Ўз – ўзига таъсир этиш формулалари жуда катта алоҳида аҳамиятга эга. Улар қисқа, тасдиқ шаклида тузилган бўлиши керак, масалан: «Менинг ниятларим қатъий!», «Мўлжалланганимни – бажараман!».. худди шундай аҳмоқона (ёмон) одатлар билан курашиш учун ва ёқимсиз характер

хусусиятларини тузатишда ҳам ўз-ўзига таъсир этиш мумкин, масалан: «Ўзимни тўғри тутаяпти, бошим юқорига қараган, кўкрагим олдинга чиққан, қаттиқ гапиришда — паст овоз билан гапираман», парижонхотиралиқда — «Мен журъатаман», уятчанлиқда — «Мен одамларга ёқимлиман».

Шуни таъкидлаш лозимки, иродавий бўшлиқни жонлаштириш учун баъзида А.Г.билан систематик равишда шуғулланишга одам ўзини мажбур қила олмайди. Бундай ҳолларда тинч ҳолатда оддий ўз-ўзига таъсир этишни (юқорида келтирилган формулаларни 5—10 марта такрорлаш) тавсия этилади, масалан: эрталаб уйғонганман кейин ёки кундузи курсида ёки таъсир этишнинг алоҳида элементларига мурожаат этиш лозим.

Аутоген машқлаштириш ўқитувчига ўз мақсадига йўналтирилган иродавий дастурий ҳолатини амалга оширишда шубҳасиз бебаҳо ёрдам кўрсатадиган (берадиган) методикадир.

### **К. Н. Томаснинг шахс сўровномаси**

Ушбу методика ёрдамида шахснинг ҳамкорликка ёки рақобатга мойиллиги, муросага (компромисс, ён босишга, йўл беришга) тайёрлиги, низолардан қочтиши ёки уларни кескинлаштиришга интилиши каби сифатларнинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш мумкин. Шунингдек, мазкур методика жамоа ҳар бир аъзосининг ҳамкорликдаги фаолиятига ижтимоий — психологик мослашувчанлик даражасини баҳолаш имкониятларини ҳам беради. Бу методика ёрдамида турли гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар хусусиятлари ўрганилади.

#### **Синалувчига кўрсатма.**

«Сизнинг эътиборингизга қуйида келтирилган 30 жуфт мулоҳаза (тасдиқлар)га жавоб бериш таклиф этилади. Уларнинг ҳар бири сизнинг низоли, мунозарали ва тортишувли вазиятлардаги (бирон бир киши, суҳбатдошингиз билан бўладиган) типик хулқингизга озми — кўпми мос келади. Ҳар бир тасдиқлар жуфтидан албатта биттасини, сизнинг хулқингизга мосини («а» ёки «б» ни) танлаб жавоб беринг.

### **С Ў Р О В Н О М А   М А Т Н И**

1. а) Мен, гоҳида унга, тортишувли масалаларни ҳал қилиш учун масъулият, жавобгарликни ўз зиммасига олишга имкон бераман.

б) Мунозара, тортишувли вазиятларни муҳокама қилишда, мен даставвал, бизлар нима масала юзасидан келиша олмаётганимизга эмас, балки нимада ҳар иккалаимиз ҳам келиша

олишга интиламиз мумкинлигига эътиборни қаратишга ҳаракат қиламан.

2. а) Мен муросали (компромисс) ечимларни топишга ҳаракат қиламан.

б) Мен низоли вазиятларни унинг ҳам ва ўзимнинг ҳам барча манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга интиламиз.

3. а) Мен одатда ўзим хоҳлаганимга эришишга қатъий интиламиз.

б) Гоҳида мен унинг манфаатини деб, ўз манфаатимдан воз кечаман.

4. а) Мен муросали (компромисс) ечимларни топишга йўл топаман.

б) Мен унинг ҳиссиётини, кечинмаларини кўрмасликка ҳаракат қиламан.

5. а) Тортишувли вазиятларни юмшатар эканман, мен ҳар доим ундан ёрдам, мадад, дадда топишга жазм этаман.

б) Мен беҳуда зўриқишлардан қутулиш учун нима лозим бўлса ҳаммасини қилишга адо этаман.

6. а) Мен ўзим учун бўладиган кўнгилсизликлардан қочинишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ўзим хоҳлаган нарсага, ўз хоҳлаганимга эришишга ҳаракат қиламан.

7. а) Мен тортишувли масалаларни ҳал этишни бошқа кунга, қолдиришга ҳаракат қиламан, чунки уни кейинчалик батафсил, бафуржа ҳал қилса бўлади.

б) Бошқа бирон – бир нимага эришиш учун, ниманидир бой бериш мумкин деб ҳисоблайман.

8. а) Мен одатда, ўзим хоҳлаган нарсага эришиш учун қатъий интиламиз.

б) Мен аввало барча тортишувли масалалар ва муҳокама қилаётган муаммолар нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишга интиламиз.

9. а) Мен юзага келган қандайдир келишмовчиликлар туфайли ҳар доим ҳам ҳаёжонланавериш керак эмас деб ҳисоблайман.

10. а) Мен ўз билганимга эришиш учун қатъий интиламиз.

б) Мен ўзаро келишимли қарорга келишга ҳаракат қиламан.

11. а) Мен мунозара қилинаётган муаммолар ва тортишувли масалалар нималардан иборат эканлигини очиқ – ойдин аниқлаб олишга интиламиз.

б) Мен уни тинчлантиришга ва шу билан ўзаро муносабатларимизни сақлаб қолишга чора қидираман.

12. а) Мен кўпинча низоларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлардан қочишга ҳаракат қиламан.

б) Мен агар у менга ҳам шундай муносабатда бўлса, унга қандайдир масалалар бўйича ўз фикрида қолиш имконини бераман.

13. а) Мен ўртача, тенг вазиятни, ҳолатни таклиф қиламан.

б) Ҳаммаси мен айтгандек бўлишини талаб қиламан.

14. а) Мен унга ўз нуқтаи назаримни маълум қиламан ва ундан бу ҳақдаги қарашларини сўрайман.

б) Мен унга ўз ҳолатим, нуқтаи назарим мантиқини, мазмунини ва ўз қарашларимни афзаллигини исботлашга интиламан.

15. а) Мен уни тинчлантиришга ва муносабатларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламан.

б) Мен, келишмовчилик, зўриқишлардан қочиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани қиламан.

16. а) Мен унинг ҳиссиётига, нафсониятига тегиб кетмасликка имкон топаман.

б) Мен одатда, уни ўз нуқтаи назаримни абзаллигига ишонтиришга ҳаракат қиламан.

17. а) Мен одатда ўз билганимга эришишга қатъий интиламан.

б) Мен, беҳуда зўриқиш, тортишувлардан қутилиш учун ҳамма нарсани қилишга интиламан.

18. а) Агар, шу уни бахтиёр қилса, унда мен унга ўз фикрида қолишга, ўз фикрини ҳимоя қилишга имкон бераман.

б) Агар у ҳам менга шундай муносабатда бўлса, мен унга ўз фикрида қолиш имкониятини бераман.

19. а) Мен аввало, барча мунозара қилинаётган муаммо ва тортишувли нимадан иборат эканлигини аниқлаб олишга интиламан.

б) Мен тортишувли масалаларни бошқа галга қолдиришга ва шу билан кейинчалик уни батафсил ҳал қилишга интиламан.

20. а) Мен, бизларнинг келишмовчилигимизни зудлик билан енгиб ўтишга интиламан.

б) Мен, иккала миз учун ҳам фойда ва зарарнинг энг мақбул вариантини топишга ҳаракат қиламан.

21. а) Мунозара олиб борар эканман, мен унга эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ҳар доим ҳам муаммони тўғридан – тўғри ҳал қилишга интиламан.

22. а) Мен, у билан ўзим орамиздаги ўртача вазиятни топишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ўз нуқтани назаримни ҳимоя қиламан.

23. а) Одатда, мен ҳар биримизнинг истакларимизни қонди – риблишимни ўйлайман.

б) Гоҳида унга тортишувли масалани ҳал қилиш учун маъсулиятни ўз зиммасига олишига имкон бераман.

24. а) Агар ўз нуқтани назари жуда муҳим бўлса, унга имкон беришга йўл қидираман.

б) Мен уни келишишга қўндиришга ҳаракат қиламан.

25. а) Мен уни ҳақлигимга ишонтиришга ҳаракат қиламан.

б) Мунозаралар олиб бориш вақтида, мен унинг қизиқишларига этиборли бўлишга интиламан.

26. а) Мен ўртача нуқтани назарни тақлиф қиламан.

б) Мен, деярли ҳар иккалаимизнинг қизиқиш, манфаатларимизни қондиришга ҳаракат қиламан.

27. а) Мен кўпинча тортишувлардан қочишга имкон топаман.

б) Агар уни бахтиёр қиладиган бўлса, унинг ўз фикрида қолишига имкон бераман.

28. а) Одатда, мен ўз билганимга эришишга қатъий интиламан.

б) Вазиятни юмшатар эканман, мен одатда у ҳам мени қўлаб қувватлаши мумкин бўлган имкониятларни топишга ҳаракат қиламан.

29. а) Мен ўртача нуқтани назарни тақлиф этаман.

б) Мен, юзага келган келишмовчиликлар туфайли, ҳар доим ҳам хижолат бўлаверишнинг хожати йўқ деб ўйлайман.

30. а) Мен унинг иззат нафсига тегиб кетмасликка чора қидираман.

б) Мен тортишувда доимо иккалаимиз биргаликда муваф – фаққиятга эришишимиз мумкин бўлган нуқтани назарда.

К.Н.Томас сўровномасининг калити.

Т.р	Рақо- батилик	Ҳамкорлик	Муро- саллик	Тортишувдан қочип	Мослашув -чанлик
1				а	б
2		Б	а		
3	а				б
4			а		б
5		А		б	
6	б			а	
7			б	а	
8	а	Б			
9	б			а	
10	а		б		
11		а			б
12			б	а	
13	б		а		
14	б	а			а
15				б	а
16	б				
17	а			б	
18			б		а
19		а		б	
20		а	б		
21		б			а
22	б		а		
23		а		б	
24			б		а
25	а				б
26		б	а		
27				а	б
28	а	б			
29			а	б	
30		б			А

ИЗОҲ.

Мазкур сўровномани гуруҳнинг барча аъзолари ( ўқувчи, талаба, ходимлар) га эмас, балки танлаб ( масалан, норасмий етакчилар билан, ёки тартиб-интизомни бузувчилар, у ёки бу вазифа, топириқни бажарувчи кичик гуруҳ таркибига

кирувчилар билан) олинган одамларга нисбатан, улар билан ишлашда қўллаш мумкин. Олинган материалларни қайта ишлаш натижасида гуруҳ раҳбари, мактаб психологи, ўқитувчи, мазкур тадқиқотни олиб бораётган тадқиқотчи нафақат гуруҳда психологик мос келмаслик заминиди юзага келадиган низоли вазиятларнинг олдиди олишти, балки ўқувчи, талабаларни ўз-ўзини тарбиялашга йўллашти, уларда етарлича шаклланмаган шахсий сифатларнинг ривожлантирилишига эриштиши мумкин.

### **Маълумотларни қайта ишлаш.**

Маълумотларни қайта ишлаш юқоридаги калит ёрдамида амалга оширилади. Калит бланка шаклида бўлиб, унда синалувчи ҳақидаги ва унинг жавоблари ҳақидаги барча маълумотлар бешта устун (Рақобат, ҳамкорлик, муросалилик, тортишувлардан қочиш, мослашувчанлик) бўйича тақсимланади. Маълумотларни қайта ишлашда устунларнинг ҳар бири бўйича тўғри келган жавоблар миқдори ҳисобланади. Бунда ҳар бир жавоб бир баллга тенг. Масалан синалувчи «Рақобатчилик» устуни бўйича чиқса — 3 балл, «ҳамкорлик» устуни бўйича — 5 балл, «муросалилик» — 12 балл, «тортишувдан қочиш» — 6 балл, «мослашувчанлик» устуни бўйича — 4 балл олган бўлса, бундай ҳолатда қуйидагича хулосага келиш имкониятини беради:

Синалувчи низоли вазиятларда муросага мойил, унга низодан қочиш хос, низо юзага келиб қолган ҳолатларда у ҳамкорликка интилади. У низоли вазиятларга пассив мослашувчан, қандай қилиб бўлмасин рақобатга интилиш унга хос эмас.

### **Педагогининг касбий фаолияти самарасидан ва меҳнатидан қониқиш ҳиссини аниқлаш тести**

(Р.Ю.Тошимов, Э.Ғ.Ғозиев модификасияси)

Сизнинг диққатингизга ҳавола (тавсия) қилинаётган ҳар бирига «Ҳа», «Йўқ» ва баъзида деган жавобларни беришингиз мумкин (саволларга иккиланмай жавоб қайтаринг ва иккитасини белгилашга ҳаракат қилманг.

Жавобларингиз самимий бўлишини ёдингиздан чиқарманг).

1. Сизда ўз меҳнатингиз натижасидан (маҳсулидан) қониқиш ёки қониқмаслик ҳисси ҳосил бўладими?
2. Шундай вазиятлар ёки ҳодисалар юзага келадими, Сиз бундай кезларда Сиз ўз ишингиздан жуда қониқасиз.

3. Сизнинг иш жараёнингизда қийинчиликлар, кўнгилсизликлар бўлиб турадими?
4. Сизда шундай вазиятлар кечадики, бундай пайтларда касбий фаолият билан вужуддан шугулланиб, вақт ўтганини сезмай қоласиз.
5. Сиз ўзингизни касбий фаолиятингизни ижтимоий фойдали томони ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз?
6. Сиз меҳнатингиз самарадорлигини ошириш чораларини излайсизми?
7. Сиз ўз меҳнатингизнинг ижтимоий фойдаллик коэффициентини бошқаларники билан солиштирасизми?

### **Балл. Натижалар таҳлили.**

Тақлиф этилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бериб бўлганингиздан кейин жавобларни баҳолашда қуйидагиларни назарда тутинг:

«Ҳа» — 5 балл, «Йўқ» — 2 балл, «баъзида» — 4 балл билан белгиланг.

Тўпланган балларни бир—бирига қўшиб ёзинг. Йиғиндисини 7га бўлинг. Олинган ҳосила:

4 ва ундан ортиқ бўлса, унда ўқитувчи касбий фаолиятининг самарадорлиги ва ўз меҳнатидан қониқиш ҳисси юқори,

3—3,5 балл тўқласангиз, меҳнатга бефарқлигини,

3 ва ундан кам балл жамғарсангиз меҳнатингиз самарадорлиги ва ундан Сизни қониқишингиз наслигини кўрсатади.

0—3 паст,

3—3,5 бефарқ ва

4—5 юқори.

## ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Анастаси А. Психологическое тестирование: В 2 кн. Пер. с англ. (Под ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского) М.: Педагогика, 1982.
2. Блейхер В.М. Бурлачук Л.Ф. Психологическая диагностика интеллекта и личности. К.: Вища шк. 1978. 142 с.
3. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика личности. К.: Здоровья, 1989. 168 с.
4. Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутецкий В.А. Қобилият ва унинг диагностикаси. Т.: "Ўқитувчи", 1979.
5. Общая психодиагностика. М.: Изд-во М., Ун-та. 1987. 305 с. Под ред. А.А.Бодалева.
6. Практикум по психодиагностике, Дифференциальная психометрика. (Под ред. В.В.Столина, А.Г.Шмелева.) М.: Изд-во М., Ун-та. 1984. 154 с.
7. Талызина Н.Ф., Карпов Ю.В. Педагогическая психология. М.: Изд-во. М, Ун-та, 1987.
8. Ғозиев Э.Ғ. Ўқувчиларнинг умумлаштирилган усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. Т.: "Ўқитувчи" 1983.
9. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Т.: 1990. 10 б.т
10. Ғозиев Э.Ғ. Психология. Т., "Ўқитувчи" 1994. 18 б.т
11. Ғозиев Э.Ғ. Ақлий камолотингизни аниқлай оласизми? — Т.: Университет", 1996.
12. Тошимов Р.Ю. Ғозиев Э.Ғ. Замонавий ва индивидуал ва гуруҳий психология. Т., Университет. 1999. 1,2 б.т.
13. Ғозиев Э.Ғ. Психология муаммолари. Т., "Иқтисодийт университети", 1999. 8,5 б.т.
14. Ғозиев Э.Ғ. Тошкентлик психология назарузалар матн. Т.: Университет, 1999, 6 б.т.
15. Общая психология. М.: Просвещение, 1997 (Под ред. А.А.Петровского).
16. Психологический словарь. М.: Педагогика, 1983. (Под ред. Давыдова В.В.
17. Словарь по практической психодиагностике. М.: 1993.

## М У Н Д А Р И Ж А

1. Психологик – педагогик диагностиканинг вазифалари ва мақсадлари.
2. Психологик – педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари.
3. Психологик – педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари.
4. Психологик – педагогик диагностика методлари ва вазифалари ва бошқичлари.
5. Меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалалари.
6. “Таълим жараёнини психодиагностика қилиш усуллари”
7. Психодиагностиканинг психометрик асослари.
8. Векслер методи ва унинг мослаштирилган варианты.
9. Олий мактабда таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш.
10. Шахсга хос хусусиятларни ўрганувчи саволномалар.

Босишга рухсат этилди 2.11.2004. Ҳажми 8,23 босма табоқ.  
Бичими 60×84 1/16. Адали 300 гуска. Букюртма 78.  
М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.